$$\left[u_{nm}^{\varepsilon_1\varepsilon_2}(y)\right]''=-(\operatorname{sgn}y)\int_{\varepsilon_1}^{1-\varepsilon_1}\int_{\varepsilon_2}^{1-\varepsilon_2}\left(u_{xx}+\frac{2\alpha}{x}u_x+u_{zz}+\frac{2\gamma}{z}u_z+\frac{2\beta}{|y|}u_y\right)x^{2\alpha}X_n(x)\,z^{2\gamma}Z_m(z)\,dxdz=$$

$$=-(\operatorname{sgn} y)\left[\int_{\varepsilon_2}^{1-\varepsilon_2}\left(\int_{\varepsilon_1}^{1-\varepsilon_1} u_{xx}x^{2\alpha}X_n(x)dx+\int_{\varepsilon_1}^{1-\varepsilon_1}\frac{2\alpha}{x}u_x x^{2\alpha}X_n(x)dx\right)z^{2\gamma}Z_m(z)dz+\right.$$

$$\left.+\int_{\varepsilon_1}^{1-\varepsilon_1}\left(\int_{\varepsilon_2}^{1-\varepsilon_2} u_{zz}z^{2\gamma}Z_m(z)dz+\int_{\varepsilon_2}^{1-\varepsilon_2}\frac{2\gamma}{z}u_z z^{2\gamma}Z_m(z)dz\right)x^{2\alpha}X_n(x)dz+\frac{2\beta}{|y|}\left[u_{nm}^{\varepsilon_1\varepsilon_2}(y)\right]'\right]. \quad (28)$$

Рассмотрим следующие интегралы:

$$\int_{\varepsilon_1}^{1-\varepsilon_1} u_{xx}x^{2\alpha}X_n(x)dx=\int_{\varepsilon_1}^{1-\varepsilon_1} x^{2\alpha}X_n(x)du_x=u_x x^{2\alpha}X_n(x)\Big|_{x=\varepsilon_1}^{x=1-\varepsilon_1}-\int_{\varepsilon_1}^{1-\varepsilon_1} u_x\left(x^{2\alpha}X_n(x)\right)'dx=$$

$$=u_x x^{2\alpha}X_n(x)\Big|_{x=\varepsilon_1}^{x=1-\varepsilon_1}-u(x,y,z)\left(x^{2\alpha}X_n(x)\right)'\Big|_{x=\varepsilon_1}^{x=1-\varepsilon_1}+\int_{\varepsilon_1}^{1-\varepsilon_1} u\left(x^{2\alpha}X_n(x)\right)''dx=$$

$$=u_x x^{2\alpha}X_n(x)\Big|_{x=\varepsilon_1}^{x=1-\varepsilon_1}-u(x,y,z)\left(x^{2\alpha}X_n(x)\right)'\Big|_{x=\varepsilon_1}^{x=1-\varepsilon_1}+$$

$$+\int_{\varepsilon_1}^{1-\varepsilon_1} ux^{2\alpha}\left(X_n''(x)+2\frac{2\alpha}{x}X_n'(x)+\left(4\alpha^2-2\alpha\right)x^{-2}X_n(x)\right)dx,$$

$$\int_{\varepsilon_1}^{1-\varepsilon_1}\frac{2\alpha}{x}u_x x^{2\alpha}X_n(x)dx=\int_{\varepsilon_1}^{1-\varepsilon_1} 2\alpha x^{2\alpha-1}X_n(x)du=$$

$$=2\alpha x^{2\alpha-1}X_n(x)u(x,y,z)\Big|_{x=\varepsilon_1}^{x=1-\varepsilon_1}-2\alpha\int_{\varepsilon_1}^{1-\varepsilon_1} u\left(x^{2\alpha-1}X_n(x)\right)'dx=$$

$$=2\alpha x^{2\alpha-1}X_n(x)u(x,y,z)\Big|_{x=\varepsilon_1}^{x=1-\varepsilon_1}-\int_{\varepsilon_1}^{1-\varepsilon_1} ux^{2\alpha}\left(\frac{2\alpha}{x}X_n'(x)+\left(4\alpha^2-2\alpha\right)x^{-2}X_n(x)\right)dx.$$

На основании полученных выше равенств имеем

$$\int_{\varepsilon_1}^{1-\varepsilon_1} u_{xx}x^{2\alpha}X_n(x)dx+\int_{\varepsilon_1}^{1-\varepsilon_1}\frac{2\alpha}{x}u_x x^{2\alpha}X_n(x)dx=$$

$$=\left\{\left[u_x X_n(x)-uX_n'(x)\right]x^{2\alpha}\right\}\Big|_{x=\varepsilon_1}^{x=1-\varepsilon_1}+\int_{\varepsilon_1}^{1-\varepsilon_1} ux^{2\alpha}\left[X_n''(x)+\frac{2\alpha}{x}X_n'(x)\right]dx=$$

$$=\left\{\left[u_x X_n(x)-uX_n'(x)\right]x^{2\alpha}\right\}\Big|_{x=\varepsilon_1}^{x=1-\varepsilon_1}-\sigma_n^2\int_{\varepsilon_1}^{1-\varepsilon_1} ux^{2\alpha}X_n(x)dx. \quad (29)$$

Аналогично находим

$$\int_{\varepsilon_2}^{1-\varepsilon_2} u_{zz}z^{2\gamma}Z_m(z)dz+\int_{\varepsilon_2}^{1-\varepsilon_2}\frac{2\gamma}{z}u_z z^{2\gamma}Z_m(z)dz=$$

$$=\left\{\left[u_z Z_m(z)-uZ_m'(z)\right]z^{2\gamma}\right\}\Big|_{z=\varepsilon_2}^{z=1-\varepsilon_2}-\delta_m^2\int_{\varepsilon_2}^{1-\varepsilon_2} uz^{2\gamma}Z_m(z)dz. \quad (30)$$

Поставляя (29) и (30) в (28) получим

$$\left[u_{nm}^{\varepsilon_1\varepsilon_2}(y)\right]'' = -(\operatorname{sgn} y)\left[\int_{\varepsilon_2}^{1-\varepsilon_2}\left(\left[u_x X_n(x) - uX_n'(x)\right]x^{2\alpha}\Big|_{x=\varepsilon_1}^{x=1-\varepsilon_1} - \sigma_n^2\int_{\varepsilon_1}^{1-\varepsilon_1} ux^{2\alpha}X_n(x)dx\right)\times\right.$$

$$\times z^{2\gamma}Z_m(z)dz + \int_{\varepsilon_1}^{1-\varepsilon_1}\left(\left[u_z Z_m(z) - uZ_m'(z)\right]z^{2\gamma}\Big|_{z=\varepsilon_2}^{z=1-\varepsilon_2} - \delta_m^2\int_{\varepsilon_2}^{1-\varepsilon_2} uz^{2\gamma}Z_m(z)dz\right)\times$$

$$\left.\times x^{2\alpha}X_n(x)dx + \frac{2\beta}{|y|}\left[u_{nm}^{\varepsilon_1\varepsilon_2}(y)\right]'\right].$$

Переходя здесь к пределу при $\varepsilon_1, \varepsilon_2 \to 0$, с учетом граничных условий (3), (4) и (10) получим, что $u_{nm}(y)$ удовлетворяет дифференциальному уравнению

$$(\operatorname{sgn} y)u_{nm}''(y) + \frac{2\beta}{|y|}u_{nm}'(y) - \lambda_{nm}u_{nm} = 0, \quad -a < y < b.$$

Следовательно $u_{nm}(y) = Y_{nm}(y)$. Из (24) находим $u_{nm}(b)$ и $u_{nm}(-a)$:

$$u_{nm}(b) = \int_0^1\int_0^1 u(x,b,z)x^{2\alpha}X_n(x)z^{2\gamma}Z_m(z)dxdz =$$

$$= \int_0^1\int_0^1 f(x,y)x^{2\alpha}X_n(x)z^{2\gamma}Z_m(z)dxdz = F_{nm}, \tag{30}$$

$$u_{nm}(-a) = \int_0^1\int_0^1 u(x,-a,z)x^{2\alpha}X_n(x)z^{2\gamma}Z_m(z)dxdz =$$

$$= \int_0^1\int_0^1 g(x,y)x^{2\alpha}X_n(x)z^{2\gamma}Z_m(z)dxdz = G_{nm}. \tag{31}$$

Принимая во внимание (30) и (31), из (21) находим

$$\begin{cases} a_{nm}I_{(1/2)-\beta}\left(\sqrt{\lambda_{nm}}b\right) + b_{nm}K_{(1/2)-\beta}\left(\sqrt{\lambda_{nm}}b\right) = F_{nm}b^{\beta-(1/2)}, \\ -a_{nm}J_{(1/2)-\beta}\left(\sqrt{\lambda_{nm}}a\right) + b_{nm}\overline{Y}_{(1/2)-\beta}\left(\sqrt{\lambda_{nm}}a\right) = G_{nm}a^{\beta-(1/2)}. \end{cases} \tag{32}$$

Определителем (32) является выражения $\Delta_{nm}(a,b)$, которое задается формулой (23). Если $\Delta_{nm}(a,b) \neq 0$, то система (32) имеет единственное решение

$$a_{nm} = \frac{F_{nm}b^{\beta-(1/2)}\overline{Y}_{(1/2)-\beta}\left(\sqrt{\lambda_{nm}}a\right) - G_{nm}a^{\beta-(1/2)}K_{(1/2)-\beta}\left(\sqrt{\lambda_{nm}}b\right)}{\Delta_{nm}(a,b)},$$

$$b_{nm} = \frac{f_{nm}b^{\beta-(1/2)}J_{(1/2)-\beta}\left(\sqrt{\lambda_{nm}}a\right) + g_{nm}a^{\beta-(1/2)}I_{(1/2)-\beta}\left(\sqrt{\lambda_{nm}}b\right)}{\Delta_{nm}(a,b)}.$$

Тогда функции $u_{nm}(y)$ примут вид

$$u_{nm}(y)=\begin{cases}\dfrac{F_{nm}(y/b)^{(1/2)-\beta}\,\Delta_{nm}(a,y)+G_{nm}(y/a)^{(1/2)-\beta}\,A_{nm}(y,b)}{\Delta_{nm}(a,b)}, & y>0;\\[2ex] \dfrac{F_{nm}(-y/b)^{(1/2)-\beta}\,B_{nm}(a,-y)+G_{nm}(-y/a)^{(1/2)-\beta}\,\Delta_{nm}(-y,b)}{\Delta_{nm}(a,b)}, & y<0,\end{cases} \tag{33}$$

где

$$\Delta_{nm}(a,y)=I_{(1/2)-\beta}\left(\sqrt{\lambda_{nm}}y\right)\bar{Y}_{(1/2)-\beta}\left(\sqrt{\lambda_{nm}}a\right)+K_{(1/2)-\beta}\left(\sqrt{\lambda_{nm}}y\right)J_{(1/2)-\beta}\left(\sqrt{\lambda_{nm}}a\right),$$

$$A_{nm}(y,b)=I_{(1/2)-\beta}\left(\sqrt{\lambda_{nm}}b\right)K_{(1/2)-\beta}\left(\sqrt{\lambda_{nm}}y\right)-K_{(1/2)-\beta}\left(\sqrt{\lambda_{nm}}b\right)I_{(1/2)-\beta}\left(\sqrt{\lambda_{nm}}y\right),$$

$$B_{nm}(a,-y)=J_{(1/2)-\beta}\left(\sqrt{\lambda_{nm}}a\right)\bar{Y}_{(1/2)-\beta}\left(\sqrt{\lambda_{nm}}(-y)\right)-\bar{Y}_{(1/2)-\beta}\left(\sqrt{\lambda_{nm}}a\right)J_{(1/2)-\beta}\left(\sqrt{\lambda_{nm}}(-y)\right),$$

$$\Delta_{nm}(-y,b)=I_{(1/2)-\beta}\left(\sqrt{\lambda_{nm}}b\right)\bar{Y}_{(1/2)-\beta}\left(\sqrt{\lambda_{nm}}(-y)\right)+K_{(1/2)-\beta}\left(\sqrt{\lambda_{nm}}b\right)J_{(1/2)-\beta}\left(\sqrt{\lambda_{nm}}(-y)\right).$$

Пусть $f(x,z)\equiv 0$ и $g(x,z)\equiv 0$. Тогда из равенств (30), (31), (33) и (24) имеем

$$\int_0^1\left(\int_0^1 u(x,y,z)\,x^{(1/2)+\alpha}J_{(1/2)-\alpha}(\sigma_n x)\,dx\right)z^{(1/2)+\gamma}J_{(1/2)-\gamma}(\delta_m z)\,dz=0.$$

Отсюда в силу полноты системы $\left\{z^{(1/2)+\gamma}J_{(1/2)-\gamma}(\delta_m z)\right\}_{m=1}^{\infty}$ в пространстве $L_2[0,1]$ следует

$$\int_0^1 u(x,y,z)\,x^{(1/2)+\alpha}J_{(1/2)-\alpha}(\sigma_n x)\,dx=0\,.$$

В силу полноты системы $\left\{x^{(1/2)+\alpha}J_{(1/2)-\alpha}(\sigma_n x)\right\}_{n=1}^{\infty}$ в пространстве $L_2[0,1]$ из последнего равенства следует $u(x,y,z)\equiv 0$ для всех $x\in[0,1]$ и при любом $y\in[-a,b]$, $z\in[0,1]$. Поскольку $u(x,y,z)\in C(\bar{\Omega})$, то $u(x,y,z)\equiv 0$ в $\bar{\Omega}$. Отсюда следует утверждение теоремы.

Список литературы

[1] Франкль Ф.И. Избранные труды по газовой динамике. М.: Наука, 1973. 711 с.

[2] Бицадзе А.В. Некорректность задачи Дирихле для уравнений смешанного типа//ДАН СССР. 1953. Т.122. № 2. С. 167-170.

[3] Шабат Б.В. Примеры решения задачи Дирихле для уравнения смешанного типа // ДАН СССР. 1957. Т. 112. № 3. С. 386-389.

[4] Вахания Н.Н. Об одной особой задаче для уравнения смешанного типа // Тр. АН Груз.ССР. 1963. Т. 3. С. 69-80.

[5] Cannon J.R. Dirichlet problem for an equation of mixed type with a discontinitius coefficient // Ann. Math. Pura ed appl. 1963. Vol. 62. P. 371-377.

[6] Хачев М.М. Первая краевая задача для линейных уравнений смешанного типа. Нальчик: Эльбрус, 1998. 168 с.

[7] Нахушев А.М. Критерий единственности задачи Дирихле для уравнения смешанного типа в цилиндрической области // Дифференциальные уравнения. 1970. Т. 6. № 1. 190-191.

[8] Сафина Р.М. Критерий единственности решения задачи Дирихле с осевой симметрией для трехмерного уравнения смешанного типа с оператором Бесселя// Изв. вузов. Матем., 2014. № 6. С.78–83.

[9] Сафина Р.М. Задача Дирихле с осевой симметрией для уравнения смешанного В-эллиптико-В-гиперболического типа с характеристическим вырождением, Вестн. Татарск. гуманитарно-педагогического ун-та, 2010. № 4(22). С. 63–69.

[10] Ватсон Г. Н. Теория бесселевых функций. –М.: Т.1.Изд. ИЛ., 1949. -798с.

ЯНГИ АССОРТИМЕНТДАГИ КОМПАКТ МЕЛАНЖ ИПЛАРНИНГ УЗАЙИШ ДЕФОРМАЦИЯЛАРИНИ СОЛИШТИРМА ТАҲЛИЛИ

Ҳ.Т. Бобожанов[1], Қ.Ғ. Ғофуров[2], Қ.Ж. Жуманиязов[2], Ш.Р. Файзуллаев[2]

[1]Наманган муҳандислик-технология институти, bobojanov1979@mail.ru
[2]Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти
(Қабул қилинди 28.04.2017 й.)

Ушбу мақолада механик компакт қурилмаси ёрдамида янги ассортиментдаги карда ва қайта меланж иплари олиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Янги ассортиментдаги ипларнинг дастлабки ондаги узайиш деформацияларини янги оптик жиҳоз ёрдамида аниқлаб, корхона меланж иплари билан таққосланган. Тадқиқот натижасида компакт меланж ипларнинг чўзилишга қаршилиги нисбатан (14% га) юқори эканлиги ва секин чўзилиши аниқланган.

Таянч сўзлар: *компакт ип, ҳалқали йигириш, тукдорлик, пишитилганлик, нотекислик, узиш кучи, маҳсулот, сифат, меланж, карда, қайта тараш, урчуқ.*

В данной стате приведены результаты исследований по выработке кордной и гребенной меланжевой пряжи нового ассортимента на механическом компактном устройстве. Первичные деформационные удлинение пряжи нового ассортимента определены на новом оптическом устройстве и сравнены меланжевыми пряжами вырабатываеми на производственных условиях. В результате проведенных экспериментов выявлено что, у компактной меланжевой пряжи сопротивление на разрыв относительно выше (на 14%) и она растягивается медленнее.

Ключевые слова: *компактная пряжа, кольцепрядильная, ворсистость, кручения, неровнота, разрывная нагрузка, изделие, качество, меланж, кардная, гребнечесания, веретено.*

In this article, the results of research on the development of cord and combed melange yarn of a new range on a compact mechanical device are presented. The primary deformation elongation of a new range of yarns is determined on a new optical device and compared with melange yarns produced under production conditions. As a result of the experiments, it was revealed that, in compact melange yarn, the tensile strength is relatively high (by 14%) and it is stretched more slowly.

Keywords: *compact yarn, ring spinning, hairiness, torsion, unevenness, tensile load, product, quality, mélange, carded, combing, spindle.*

Кейинги йилларда республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта эътибор берилиши натижасида хусусий корхоналар сони ортиб бормоқда. Ушбу корхоналарнинг ривожланиши, жаҳон бозорида ўз маҳсулотларининг алоҳида ўрни бўлиши учун ишлаб чиқараётган маҳсулотлари меъёрлар асосида, табиий толалардан тайёрланса мақсадга мувофиқ бўлади. Бозорларимизда трикотаж матоларидан тайёрланган буюмларга бўлган талаб кундан кунга ортиб бормоқда. Ушбу трикотаж матоларнинг сифати кўп жиҳатдан ишлатилаётган ипларга боғлиқдир. Ипларни меъёр талаблари асосида ишлаб чиқарилса, ундан тайёрланаётган трикотаж матоларнинг сифати ҳам яхшиланади.

Республикамиздаги илғор технология ва техникалар билан жиҳозланган йигирув корхоналарининг аксарияти катта талабга эга бўлган трикотаж маҳсулотлари учун иплар тайёрламоқда. Кейинги йилларда трикотаж матолар учун ишлатилаётган меланж ипларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Меланж ипларни тайёрлаш ҳам иқтисодий, ҳам ташкилий жиҳатдан бир оз мураккаб бўлганлиги учун республикамизда меланж ип корхоналари саноқлидир. Оддий иплар калава шаклида бўялса, меланж ипларни тайёрлашда аввал тола бўялиб, сўнг йигириш жараёнига узатилади ва ҳар хил рангдаги толалардан меланж иплар тайёрланади. Толани бўяш учун маҳсулот бир неча бўяш жараёни босқичларидан ўтади. Бу эса маҳсулот таннарҳининг ошишига олиб келади. Меланж ипларидан тайёрланган маҳсулотлар ўз рангини яхши сақлаши билан ажралиб туради. Шунинг учун етакчи тикув корхоналари ўз маҳсулотларининг сифатини яхши сақлаш мақсадида таннарҳи қиммат бўлса ҳам, меланж ипларидан фойдаланишни афзал кўрадилар. Чет элнинг етакчи корхоналари меланж ипларга буюртмаларни кескин ортириб бормоқда.

Меланж ипларни тайёрлаш ассортиментни кенгайтириб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим аҳамиятга эга. Аммо пахта толасини бўяш ва қуритиш

жараёнларида толаларнинг жингалаклиги ортади. Иплар бўялгандан сўнг пишиқлиги бўялмаган ипларга қараганда 1,5-4, узайиши 7,5-11, эластиклик 20-40 %га камайиши маълум [1].

Меланж ипларнинг сифат кўрсаткичларини сақлаб қолиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун тола ип бўлиб шаклланаётган пайтда ҳосил бўладиган пишитиш учбурчагининг баландлиги ва энини камайтириш йўли билан ижобий натижаларга эришиш мумкин. Компакт ип йигириш қурилмалар айнан шу ишни бажаришга мослаб тайёрланмоқда. Компакт ип йигириш қурилмаларининг кўплаб турлари ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Булар ҳақида кўплаб олимлар ўзларининг тадқиқот ишларида ёритиб ўтишган [2]. Компакт қурилмалар орасида Rotorcraft фирмасининг RoCoS қурилмаси бошқа фирмаларда тайёрланган қурилмалардан фарқли ўлароқ қўшимча қувват, ҳаво қувури, электродвигатель, вентилятор, перфо сиртли пластина ёки барабанларга эхтиёжи йўқлиги билан эътиборлидир [3]. Шуларни инобатга олиб тадқиқот олиб боришда RoCoS қурилмаси танлаб олинди.



1 – 740 b/m, n_y= $11\cdot10^3$ min^{-1}; 2 –860 b/m, n_y= $11\cdot10^3$ min^{-1};
3 – 740 b/m, n_y= $15\cdot10^3$ min^{-1}; 4 –860 b/m, n_y= $15\cdot10^3$ min^{-1}.
1-расм. Стойка усулда ип деформация улушини аниқлаш.

Хорижий МЧЖ “OSBORNtextil” корхонасида дастлабки тажриба ишлари ўтказилди. Ушбу корхона хозирда Республикадаги ягона меланж ип ишлаб чиқарувчи фабрика ҳисобланади. Корхонага ўрнатилган Германиянинг «Zinser 351» ҳалқали йигириш машинасига RoCoS қурилмасини ўрнатилиб тажрибалар ўтказилди. Ушбу қурилма ҳалқали йигирув машинасининг олдинги чиқарувчи валиклари ўрнига ўрнатилади. Тажрибаларни карда ҳамда қайта тараш тизимида урчуқнинг тезликларини, пишитилганликни ўзгартирмай чизиқий зичлиги T=14,7 (Ne=40) текс ва T=20 (Ne=30)текс ип намуналари олинди. Тадқиқотларни ўтказишда Бухоро-102 ва Меҳнат селекцияларининг IV тип 1 навларидан тузилган аралашмасидан ип йигирилди. Дастлабки тадқиқотларни пишитилганлик 800-950 б/мда ва урчуқнинг айланиш тезлиги 14000 min^{-1}да ўтказилди.

Трикотаж матолари тўқув матоларига нисбатан юмшоқ, чўзилувчан бўлганлиги учун ўз шаклини йўқотиш эҳтимоли каттадир. Маҳсулотлар ўз шаклини йўқотишининг асосий сабаби шундаки, улар турли кучлар таъсирига дуч келади. Бу кучлар турлича бўлиб, катта ёки кичик, бир марта ёки кўп маротаба такрорланади. Улар матонинг бўйи, эни йўналишида ёки уларга нисбатан маълум миқдорда бурчак остида таъсир этиши кузатилади. Ушбу кучлар буюм ювилганда ёки кийилганда кўп маротаба эгилиш, букилиш, ишқаланиш ва чўзилишларга учраши кузатилади. Шундай жараёнларда трикотаж матодан тайёрланган буюм ўз шаклини яхши сақласа, бундай буюмлар ҳаридорлар эътиборидан четда қолмайди. Бунинг олдини олиш учун ипларнинг чўзилишини тадқиқ этиш лозимлигини инобатга олиб тажрибаларда олинган ип намуналарини чўзилишнинг дастлабки ондаги ҳолатини ўтганилди.

Ип намуналарининг узайиш жараёнлари турли усулларда аниқлаб келинган. Классик бўлган стойка усули кенг қўлланилган. Ушбу усулга олинган графикларда дастлабки секунд улушидаги ҳолатлар ёритиб берилмайди. Узунликлари 50 sm ли ип кесмаларига 50 cN юк 60 min давомида осилиб деформация қийматлари қайд этилди. Шундан сўнг намуна юксизлантирилиб 30 min давомида унга дам берилди. Тажриба натижалари бўйича тегишли графиклар қурилган (1-расм).

Чўзилиш жараёнинг бошланғич онларидаги ўзгаришларни янада аниқлаштириш мақсадида тензометрик усул қўлланилган. Ипнинг вақт бирлиги ичида чўзилувчи юк таъсирида силжиши (деформацияланиши) графиклари кўрсатилган (2-расм).

Чизиқий зичлиги 20 teksли ип намуналари юк таъсирида силжиши (узайиши)нинг вақт бўйича ўзгариши аниқланди. Намуналар юкдан ҳар хил деформацияланиб, вақт ўтиши билан графиклар орасидаги фарқ ортиб боради. Биринчи намуна - оддий ип нисбатан кам вақт (2 секунд) да узайиб улгуради. Юклашнинг бошланғич онларидаги компакт ип деформацияланиши эса оддий ипга нисбатан секинроқ (4 секунд) содир бўлади. Компакт ип 2 секунд давомида оддий ипга нисбатан деярли уч марта (0,005 ва 0,015) камроқ чўзилиши яққол фарқланди [2]. Кўриниб турибдики, чўзишнинг бошланғич онларида ип деформациясининг ўзгариши намоён бўлди.



1-13000 min^{-1}, 740 б/м, оддий ип; 2-13000 min^{-1}, 740 б/м компакт ип. 2-расм. Тензометрик усул ёрдамида олинган деформация улуши.

Ушбу графикда бошланғич ондаги деформация стойка усулига нисбатан катта аниқликда ўлчанган. Қайишқоқлик деформацияси секундлар улушида, яъни бир онда содир бўлиши инобатга олинса, мазкур аниқлик етарли эмас [4]. Стойка усулида ҳам тензометрик усулда ҳам бу ҳолат кўринмайди. Шунинг учун ип деформациясининг бир ондаги ўзгаришларини аниқлаш мақсадида оптик асбоб ишлаб чиқилган. Асбоб тўқимачилик саноатида қўлланилиб, айнан чўзилган иплардаги ўзгаришларни, ҳамда чўзилиш компентларини аниқлашда ишлатилади.

Ушбу асбоб ёрдамида дастлабки онлардаги чўзилишига қараб ипнинг структурасига баҳо бериш мумкин. “OSBORNtextil” корхонасида тажрибада олинган ҳар хил структурали меланж иплар намунасининг дастлабки ондаги узайишини оптик усулда (релаксометрда) аниқланди.

Дастлабки тадқиқотларда урчуқнинг тезлиги 14000 min-1да ва пишитилганлик 950 б/мда оддий, қайта тараш ва компакт иплар намуналарт олинди. Ип намуналари деформацияси механик тавсифлари синови ўтказилиб, дастлабки узайиш графиклари қурилди. Узунликлари 50 sm ли ип кесмаларига 50 cN юк осилиб деформация қийматлари қайд этилди. Тажриба натижалари бўйича тегишли графиклар ҳосил бўлди (3-расм). Олинган карда ипининг (3-расм, 1) дастлабки ондаги узайиши энг юқорида жойлашиб, унинг чўзилишга қаршилиги компакт ипларга нисбатан паст эканлиги кўриниб турибди. Бу шундан далолатки, ушбу иплардан тайёрланган маҳсулот эксплуататция давомида ўз шаклини яхши сақлаб қола олмаслик эхтимоли катта.



1 - Оддий, қайта тараш, меланж ипи; 2 – Компакт К44, қайта тараш, хом ипи; 3- Компакт RoCos, қайта тараш, меланж ипи. 3-расм. Оптик релаксометрда урчуқ айланишлар частотаси 14000 m^{-1}, ип пишитилганлиги 950 b/m, чизиқий зичлиги T=14,7 (Ne 40) ипининг узайиши (ε) графиги.

Компакт К44 қурилмасида олинган ип (3-расм, 2) нисбатан қаршилиги каттароқ, RoCos компакт ип йигириш қурилмасида олинган намуна (3-расм, 3) эса қолган ипларга нисбатан қаршилиги юқори эканлиги ва секин чўзилиши кўриниб турибди. Бу гарфикдан шуни айтиш мумкинки, RoCos компакт ип йигириш қурилмасида олинган ипдан тайёрланган бумюлар сифат жиҳатидан талабларга жавоб беради.

Кейинги тажрибаларни трикотаж мато ишлаб чиқаришда энг кўп талаб этилаётган чизиқий зичлиги T=20 (Ne 30) бўлган меланж ип намуналарини олиб таҳлил қилинди. Ушбу ипларни олишда пишитилганлик 800 бур/метр, урчуқнинг айланишлар частотаси 14000 m^{-1} қилиб танланди. Ушбу параметрларда RoCos компакт ип йигириш қурилмасини қўллаб олинган компакт меланж ип (4-расм, 2) билан корхонанинг оддий меланж ипи (4-расм, 1)

таққослаб таҳлил қилинди. Оддий карда меланж ипи юк таъсир этилган онларда жуда тез чўзилиши маълум бўлди. Компакт меланж ип эса чўзилишга қаршилиги нисбатан (14% га) юқори эканлиги ва секин чўзилиши аниқланди.

Таджрибада синовларида карда ва қайта тараш усулларида компакт қурилмани қўллаб олинган меланж иплар корхонанинг оддий меланж ипларга нисбатан чўзилишга қаршилиги нисбатан юқори эканлиги аниқланди. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, RoCos компакт ип йигириш қурилмасини қўллаб олинган компакт меланж иплардан тайёрланган трикотаж матолари чўзилиш жараёнларида ўз шаклини яхши сақлаб қолади.

Ушбу тадқиқот ишида биринчи маротаба компакт қурилмани қўллаб, меланж ип олинди ва унинг сифат кўрсаткичлари оддий меланж ипларига нисбатан рақобатбардош эканлиги маълум бўлди.

Адабиётлар

[1] Марасулов Ш.Р. “Пахта ва кимёвий толаларни йигириш” Тошкент, “Ўқитувчи” 1985, 304 б.

[2] Бобожанов Х.Т. «Zinser ҳалқали йигириш машинаси параметрларини муқобиллаб ип хоссаларини яхшилаш» техника фанлани номзодлиги диссертацияси, Тошкент 2011 йил.

[3] ROTORCRAFT compact spinning (www. oe-rotorcraft. com).

[4] Кукин Г.Н., Соловьев А.Н., Кабляков А.И. Текстильное материаловедение (волокна и нити) 2-изд. – М.: Легпромпытиздат, 1989.

UDK 677.022.954

ПИШИТИЛГАН ИПЛАРНИНГ ФИЗИК-МЕХАНИК ХОССАЛАРИГА БУРАМЛАР СОНИНИНГ ТАЬСИРИ

Х. Парпиев, Р.Каримов, Ш.Хасанова, Д. Мамадалиева

Наманган муҳандислик технология институти

(Қабул қилинди 27.04.2017 й.)

Мақолада пишитилган ип ишлаб чиқариш жараёнида уларнинг асосий механик хоссаларидан бири бўлган пишиқликни ошиш коэффицентининг 1-метр узунликда берилаётган бурамлар сонига боғлиқлигини аниқлаш масаласига бағишланган. Татқиқот ишлари асосида ҳозирги кунда корхоналарда мавжуд пишитиш жараёнининг икки хил усуллари устида олиб борилиб, олинган ип сифат кўрсаткичларини таққослаш имконини берди ва ўтказилган татқиқотлар асосида технологик жараён унумдорлигини ошириш имконияти борлиги аниқланди.

Таянч сўзла: *якка иплар, пишитилган иплар, пишитиш коэффициенти, бурамлар сони, пишиқликни ошиш коэффициенти, пишитилган иплар сони, пишиқлик, узилишдаги чўзилиш, вариация коэффициентлари.*

Статья посвящена вопросу определения зависимости коэффициента упрочнения крученой пряжи от количество круток на 1- метре длины. Исследование проводилось на технологических оборудованиях существующих в настоящее время на предприятиях двух способов кручения, что позволило сравнить качественные показатели крученной пряжи выработанной на обоих способах, а

точный анализ полученых данных позволил выявить возможности увеличении производительности оборудований при технологическом процессе кручения пряжи.

Ключевые слова: *одиночная пряжа, кручёная пряжа, коэффициент упрочнения, количество скручиваемых нитей, прочность, удлинения при разрыве, коэффициенты вариации.*

The article is devoted to the problem of determining the dependence of the hardening factor of twisted yarn on the number of twists at a length of 1 meter. The research was carried out on the technological equipment of two methods of torsion existing at the enterprises. That allowed to level the quality index of twisted yarn worked out on both methods, and analysis of the obtained data made it possible to identify opportunities to increase the productivity of equipment in the technological process of twisting yarn.

Keywords: *solitary yarn, twisted yarn, hardening factor, number of twisted yarns, strength, elongation at a break, coefficients of variation.*

Маьлумки, махсус адабиётларда (1; 2) пишитилган ипларнинг асосий хоссаларидан бири бўлган пишиқлиги яьни узилиш кучи қуйидаги формула билан аниқланади:

$$P_{пиш} = P_{якка} \cdot m \cdot К_{пиш}$$

Бу ерда: $P_{пиш}$ – пишитилган ипнинг узилиш кучи, сН да; $P_{якка}$ – якка ипларнинг узилиш кучи, сН да; m – пишитилган иплар сони; $К_{пиш}$ – пишитиш натижасида пишитилган ип узилиш кучининг ошиш коэффиценти ёки пишиқликни ошиш коэффиценти;

Пишиқликни ошиш коэффиценти якка ипларнинг чизиқли зичликларига, ва улардаги 1 метрдаги бурамлар сонига, қўшилаётган иплар сонига, ип қўшиш жиҳозларидаги якка ипларга бериладиган таранглиқка, қўшилган ипларга берилаётган бурамлар сонига боғлиқ бўлиб ҳар–хил адабиётларда уларнинг қийматлари турли миқдорларда берилган. Ва нихоят қўшилаётган ипларга бериладиган бурамлар сони пишитиш машиналари унумдорлигининг асосий омилларидан биридир. “MRT textile” М.Ч.Ж корхонасида ўрнатилган ипларни бир босқичли усулда қўшиш ва пишитиш машиналарининг технологик жараёнларини оптималлаштириш мақсадида у ерда 100 % пахтадан йигирилаётган чизиқли зичлиги N_e = 21 (28,01 текс) бўлган иккита якка ипларни қуруқ усулда пишитиш жараёнидаги бериладиган бурамлар сонини пишиқликни ошиш коэффицентига таьсири устида тадқиқот ишлари олиб борилди. Якка ипнинг физик-механик хоссалари корхона лабораториясидаги “Uster Tensorapid 3" русумли ўлчов ускунаси ёрдамида аниқланди ва у маьлумотлар 1-жадвалда берилган. Пишитиладиган ипларга ҳар хил бурамлар бериш ва уларнинг узилиш кучлари эса Наманган Мухандислик Технология институтининг лабораториясида ўрнатилган КУ-500 русумли эшим ўлчаш ва РМ-3 русумли ип пишиқлигини ўлчаш асбобларида бажарилди.

Эшилаётган ипларнинг хар бири бир хил таранглиқда бўлиши учун ҳар бир якка ипга оғирлиги 20 гр дан иборат тошлар махсус қисқичлар билан осиб қўйилди. Эшилаётган ипларга хар хил даражадаги бурамлар бериш корхоналардаги машиналарда қийин бўлганлиги сабабли бу жараён лаборатория шароитида КУ-500 русумли эшим ўлчаш асбобида бажарилди.

лабораториясида ўрнатилган КУ-500 русумли эшим ўлчаш ва РМ-3 русумли ип пишиқлигини ўлчаш асбобларида бажарилди.

Эшилаётган ипларнинг хар бири бир хил таранглиқда бўлиши учун ҳар бир якка ипга оғирлиги 20 гр дан иборат тошлар махсус қисқичлар билан осиб қўйилди. Эшилаётган ипларга хар хил даражадаги бурамлар бериш корхоналардаги машиналарда қийин бўлганлиги сабабли бу жараён лаборатория шароитида КУ-500 русумли эшим ўлчаш асбобида бажарилди. Белгиланган бурам олган иплар эса бурамлар тарқалиб кетмаслиги мақсадида уларни икки четидан елим плёнка билан ёпиштирилган холда RM-3 русумли машинада узилиш кучи ва узилишдаги чўзилишнинг фоизлари ва мм даги миқдорлари аниқланди. Ҳар хил бурамлар бериб (хар бири 10 тадан) ўтказилган синовларнинг ўртача қийматлари ва улар асосида хисобланган вариация коэффицентлари 1-жадвалда берилган. Олинган синов натижаларига асосланиб хисобланган пишиқликни ошиш коэффиценти қийматлари бурамлар сонига боғлиқлик даражаси 1-графикда кўрсатилган.

1-график



Бу ерда: К - 1 метр узинликдаги қўшилган ипларга берилган бурамлар сони; α_T – пишитиш коэффиценти; $К_{пиш}$ - пишиқликни ошиш коэффиценти;

1-жадвал

№	Пиш-итиш коэф. α_T	1-метрдаги бурамлар сони	Узилиш-даги чўзилиш, %	Узилишдаги чўзилиш вариация коефиценти, %	Узилишдаги чўзилиш, мм	Узилишдаги чўзилиш, вариация коефиценти, %	Узилиш кучи, сН	Узилиш кучи вариация коефиценти ,%	Нисбий узилиш кучи, сН/текс	Пишитил-гандаги пишиқликни ошиш коефиценти, $K_{пиш}$
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Якка ип Ne=21/1 Nm=35,7 T=28,01										
1	38,79	733	3,84	14,51	-	-	327,4	12,47	11,68	-
Қўшилган иплар Ne=21x2 Nm=35,7x2 T=28,01x2										
1	0	0	4,84	14,42	24,2	14,42	661	9,4	11,8	1,009
Пишитилган ип Ne=21x2 Nm=35,7x2 T=28,01x2										
1	6,8	91	5,76	9,37	28,8	9,37	817	7,49	14,58	1,24
2	13,54	181	5,96	16,72	29,8	16,72	851	12,63	15,19	1,29
3	20,35	272	6,92	10,83	34,6	10,83	885	8,41	15,8	1,35
4	23,12	309	6,52	17,12	32,6	17,24	830,5	16,13	14,83	1,26
5	25,81	345	6,68	11,04	34,4	8,9	843	12,26	15,05	1,28
6	28,51	381	5,76	17,84	28,8	17,81	761	19,43	13,58	1,16
7	31,27	418	5,74	12,36	28,7	12,51	821	9,1	14,6	1,25

2-жадвал

№	Пишитиш коэф. α_T	1-метрдаги бурамлар сони	Узилишдаги чўзилиш,%	Узилишдаги чўзилиш вариация коефиценти, %	Узилишдаги чўзилиш, мм	Узилишдаги чўзилиш, вариация коефиценти, %	Узилиш кучи, сН	Узилиш кучи вариация коефиценти,%	Нисбий узилиш кучи, сН/текс	Пишитил-гандаги пишиқликни ошиш коефиценти, $K_{пиш}$
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Якка ип Ne=20/1 Nm=34 T=29,41										
1	47,29	872,6	4,13	9,13	-	-	307,0	7,55	10,49	-
2	48,8	902	4,16	8,30	-	-	319,6	6,98	10,92	-
Қўшилган ва бирламчи эшим берилган ип Ne=20x2 Nm=34x2 T=29,41x2										
1	0	0	4,80	13,66	-	-	603,9	11,02	10,26	0,96
2	1,53	20	4,74	15,17	-	-	650,7	6,91	11,06	1,03
Пишитилган ип Ne=20x2 Nm=34x2 T=29,41x2										
1	8,51	111	4,27	13,56	21,4	14,139	744,5	7,69	12,65	1,18
2	15,41	201	5,53	7,84	27,5	7,9	797	9,11	13,54	1,27
3	22,39	292	4,86	11,8	24,3	11,8	933,5	8,19	15,87	1,48
4	25,23	329	5	20,91	25,1	20	864	11,35	14,68	1,378
5	26,61	347	5,98	25,24	29,9	25,24	858,5	10,92	14,59	1,370
6	27,99	365	5,02	25,22	25,6	28,3	853,5	10,95	14,51	1,36
7	29,37	383	5,36	19,17	26,7	19,89	895,5	6,14	15,22	1,42
8	30,75	401	5,25	20,85	26,1	21,55	874	8,69	14,85	1,39
9	33,59	438	5,7	23,69	28,5	23,69	854,5	11,19	14,52	1,36
10	36,35	474	5,1	15,16	25,5	15,16	784,5	15,56	13,33	1,25
11	39,18	511	5,56	15,33	27,8	15,33	846,5	9,36	14,39	1,3511
12	41,94	547	5,6	23,02	27,9	23,07	847	10,516	14,4	1,3519

Юқорида келтирилган усулда “ Наманган момиқ сочиқлари ” М.Ч.Ж корхонасида ўрнатилган Швейцариянинг “HAMEL” фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган икки босқичли пишитиш жихозларида ишлаб чиқарилган чизиқли зичлиги N_e =20/1 (N_m =34,17; 29,26 текс) бўлган иккита якка ипдан иборат пишитилган ип хоссаларини аниқлаш тадқиқотлари ҳам олиб борилди. Бу усулда биринчи босқичда қўшилган якка ипларга бирламчи бурам берилиб, катушкаларга ўралади ва бу катушкалар қалпоқли эшим бериш машинасида керакли эшим бериб пишитилади. Ўтказилган синовлар натижалари 2-жадвалда келтирилган. Синов натижаларига асосланиб ҳисобланган пишиқликни ошиши коэффиценти билан 1 метрдаги бурамлар сонини боғлиқлик динамикаси 2-графикда кўрсатилган.

2-график



Ўтказилган синов натижалари тахлил этилганда унга бурам берилган 2 та якка ипни қуруқ холатда хар хил эшимлар бериб, 1-усулда пишитилганда уларнинг пишиқликни ошиш коэффицентлари ўзларининг энг юқори қийматлари 1 метрдаги бурамлар сони 272 тага тенглигида ($К_{пиш}$=1,35), икки босқичли усулда эса 1-метрдаги бурамлар сони 292 тага тенг бўлганда ($К_{пиш}$=1,48) эришилганлиги аниқланди.

Икки босқичли усулда яьни пишитилган иплар бирламчи эшим берилиб сўнгра пишитилганда уларнинг пишиқликни ошиш коэффицентлари 10 фоизга юқори бўлганлиги аниқланди. 1-метрдаги Бурамлар сонини ошириш давом эттирилганда пишитилган ипларнинг пишиқликни ошиш коэффицентлари ошмаганлиги ва аксинча камайганлиги қайд этилди.

Хулоса.

1. Иккита якка ипларни ZS тузилишда қуруқ холда пишитилганда бир босқичли пишитиш усулида пишиқликни ошиш коэффицентининг энг юқори қиймати 1,35 га икки босқичли пишитиш усулида эса у коэффицент 1,48 га тенг бўлиб, улар 1 метрда бурамлар сони 272 ва 292 га тенглигида эришилганлиги аниқланди.
2. Синов натижалари икки босқичли ип пишитиш усули афзаллигини кўрсатди.
3. Корхоналардаги эшиш жараёнларида эшимлар сони (ҳозирда 500÷550) ўрнига 250÷300 ($\alpha_т$=20÷23%) га тенг деб олинса, пишитиш жихозларининг унумдорлигини ошириш имкониятини бериши мумкин.
4. Кам эшимли пишитилган иплардан тўқув матолари хусусан момиқ сочиқлар ишлаб чиқаришда уларнинг физик, механик хоссаларини (юмшоқлиги, нам шимувчанлигини ошириш) яхшилаш имкониятлари ошади.

Адабиётлар:
[1] А.С. Бадалова, ва бошқалар. “Справочник по хлопкопрядению” Москва – 1968
[2] Г. Н. Кукин “Текстильное материаловедении учебник” Москва – 1967.

УЎТ: 628.83

НАСОСЛАРНИНГ СЎРИШ ҚУВУРЛАРИДАГИ ГИДРАВЛИК КАРШИЛИКЛАР

М.Мамажонов, Б.М. Шакиров, А.М. Мамажонов

Андижон қишлоқ хўжаликинститути, bshokirov61@mail.ru , ilmiy@andqxi.uz
(Қабул қилинди 22.05.2017 й.)

Мақолада сув олиш иншоотларини гидравлик тавсифларини яхшилаш бўйича насос станцияларнинг сўриш тармоғидаги гидравлик қаршилик коэффициентларини тадқиқот натижалари келтирилган.

Таянч сўзлар: *насос, сўриш қувури, маҳаллий қаршиликлар, босим исрофи, қаршилик коэффициенти, аванкамера, сув қабул қилиш бўлинмаси, конфузор, оқим, тезлик, пьезометр, кинетик энергия, канал, сув сарфи.*

В статье приведены результаты исследований по изучению гидравлических коэффициентов сопротивлений всасывающей линии насосной станции, для улучшения гидравлических характеристик водоприёмных сооружений.

Ключевые слова: *насос, всасывающий трубопровод, местные сопротивления, потери напора, коэффициент сопротивлений, аванкамера, водоприёмная камера, конфузор, поток, скорость, пьезометр, кинетическая энергия, канал, расход воды.*

The article presents the results of studies of hydraulic resistances coefficients suction pump station, to improve hydraulic characteristics of water inlet structures

Keywords: *pump suction line, local resistance, head loss coefficient of resistance, diversion chambers, water inlet chamber converger, flow, speed, piezometer, kinetic energy of the channel, water supply.*

Насосларнинг сув қабул қилиш бўлинмалари ва аванкамерасида лойқа чўкиши ҳисобига гидравлик қаршиликларни ортиши ва насос агрегатларининг ҳаво сўриши оқибатида сув узатишини камайиши ва электр энергия сарфини ортишига, ҳамда тебраниш ҳисобига насосларнинг таъмирлаш ва иншоотларни лойқадан тозалаш учун ортиқча сарфланадиган маблағ сувнинг таннархини бир неча баробар ортишига сабаб бўлади.

Насос станциясининг аванкамера ва сув қабул қилиш бўлинмасини гидравлик тавсифини яхшилаш бўйича илмий изланишлар олиб борилди.

Сўриш тармоғидаги гидравлик қаршиликлари тадқиқот қилинганда, сув қабул қилиш бўлинмасини эни $в_{бўл}$ ни сўриш қувуридаги гидравлик қаршилик коэффициентига конус шаклидаги $K = \left(\frac{D_{кир}}{d}\right)^2 = 2{,}25$ ва узунлиги $l_{кон} = 2D_{кир} = 150$ мм тенг қувур билан олинади, бу ерда $D_{кир}$ қувурни кириш қисмини диаметри, d – қувурни диаметри, $\ell_{кон}$ - кириш қисмидаги конусни узунлиги қабул қилинган. Сув қабул қилиш бўлинмасини эни 1 – вариантда $в_{бўл} = 2D_{кир} = 90$ мм ни ва 2 – вариантда $в_{бўл} = 1{,}2D_{кир} = 54$ мм ни ташкил этади. Сувни бўлинмадаги чуқурлиги $h_к = 30$ см қабул қилинди.

Қувурнинг кириш қисмини конуси 0,5 мм ли пўлат листдан тайёрланди. Қувурнинг конус қисмидан кейинги тўғри чизиқли қисми 5d узунликда, яъни 250 мм ни ташкил этади. Бу масофа юқорида жойлашган ўткир бурчакли кириш қисми таъсирини камайтириш мақсадида қабул қилинди.

А.В. Александров, А.М. Грабовский ва бошқа тадқиқотчиларни маълумотларига асосан юқорида жойлашган маҳаллий қаршиликларни ўлчов кесимига ўзгартирувчи таъсирини йўқотиш учун уни 3d масофадан узоқроққа жойлаштириш зарур [1, 2].

Оқимни маҳаллий қисилиши ва деформациясини йўқотиш учун барча уланадиган қисмлардаги тирқиш ва чоклари яхшилаб текисланди ва сифатли қилиб уланди.

Биринчи ўлчов кесими сув келтириш каналини охирги кисми, яъни аванкамерани бошланишида жойлаштирилди. Бу кесимда оқимни тақсимланиш тезлиги тенг, босимни тақсимланиши гидростатик қонуниятга бўйсунади. Иккинчи кесим сўриш қувурини кириш конуси (конфузори) охирига жойлаштирилди. Конфузор оқимни яхши стабилизатори ҳисобланади, шунинг учун иккинчи ўлчов кесимида тезлик майдони тенг ўлчовли, босим эса бир хил бўлди.

Тенглаштириш текислигини канал тубида қабул қилиб, 1 ва 2 - кесимлар учун Бернулли тенгламаси қуйидагича ёзилади:

$$\frac{P_k}{\gamma}+\frac{\alpha_k V_k^2}{2g}=\frac{P_{тр}}{\gamma}+\frac{\alpha_{тр}V^2{}_{тр}}{2g}+h_{тр} \qquad (1)$$

Бундан

$$h_{тр}=\frac{P_к-P_{тр}}{\gamma}+\frac{\alpha_к V_k^2-\alpha_{тр}V_{тр}^2}{2g} \qquad (2)$$

бу ерда $\frac{P_к-P_{тр}}{\gamma}=\Delta Z$ - пъезометрлар бўйича босимлар фарқи.

Босим исрофлари $h_{тр}$ аванкамерадаги, сув қабул қилиш бўлинмасидаги, қувурга қиришдаги ва унинг конфузоридаги йўқолишларни ўз ичига олади.

Ўтказилган тажрибалар кўрсатадики, ўртароқдаги битта насос ишлаганда аванкамера ва сув қабул қилиш бўлинмасидаги умумий қаршилик коэффициентлари 1 – вариантда $\Sigma\xi_{ум}=0{,}49$ ва 2 – вариатда $\Sigma\xi_{ум}=0{,}6$ ни ташкил этади. Канални $h_k=19{,}8$ см га тўлдирилганда ва сув сарфи 4,5...6,5 л/с га тенг бўлганда, сувни тезлиги 5,5...8 см/с га тенг бўлди. Бу ҳолда аванкамера ва сув қабул қилиш бўлинмаларидаги босим исрофлари ва уларни фарқи ҳар иккала вариант бўйича ҳам жуда кичик қийматга тенг бўлади. Шунинг учун босим исрофлари $h_{тр}$ асосан қувурга киришдаги ва конфузордаги исрофлардан ташкил топади. Каналдаги тезлик $V_k=5...8$ см/с бўлганлиги учун уни ҳисобларда эътиборга олинмаса, босим исрофларини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$h_{тр}=\Delta Z-\frac{\alpha_{тр}V_{тр}^2}{2g} \qquad (3)$$

Кинетик энергия коэффициенти $\alpha_{тр}$ ни иккинчи кесимдаги қийматини аниқлаш учун Пито қувурчаси ёрдамида оқимни тезлиги ўлчанди. Пито қувурчаси ўлчамлари амалдаги тавсиялар асосида қабул қилинди. Тезликлар иккита қарама – қарши перпендикуляр диаметрларда ўлчаниб, тезликлар майдони қурилди ва ундан $\alpha_{тр}$ коэффициентлар аниқланди. Тезликлар майдони 3 хил сув сарфлари Q_{min}, $Q_{ўр}$ ва Q_{max} учун $в_{бўл}$ ни иккита қийматига аниқланди. Ҳамма ҳолатларда $\alpha_{тр}$ қиймати 1,003...1,004 чегараларда бўлганлиги сабабли ҳисобларда $\alpha_{тр}=1$ қабул қилинди. Сув қабул қилиш бўлинмаларини ўлчамлари ўзгарганда, $\alpha_{тр}$ қиймати доимий ўзгармас бўлиши киришдаги конфузор оқимни жуда яхши стабиллаштиришини кўрсатади.

Босим ўлчаш нуқталари: 1 – кесимда учта диаметри 1мм ли, яъни лаборатория қурилмаси туби ва икки ёнидаги тешикчалардан олиниб, битта коллекторга резина шланглар билан бирлаштирилди, 2 – кесимда қувур ўқига перпендикуляр битта кесимдаги 4 та нуқтага уланган резина шланглар билан амалга оширилди. Ўлчовлар кўрсатдики, 2 – кесимда 4 та нуқтадаги босимлар бир хил бўлади.

Сув сарфи 4,5...6,5 л/с чегараларда бўлганда, сўриш қувурнинг конфузоридан чиқиш қисмидаги Рейнольдс сони $1{,}1\cdot10^5$ дан $1{,}6\cdot10^5$ гача ўзгаради. Ушбу чегараларда қаршилик

коэффициенти Re боғлиқ бўлмади. Қаршилик коэффициенти 18...20 та тажрибаларнинг ўртача арифметик қиймати сифатида аниқланди. Қаршилик коэффициентининг ўртача арифметик қийматини нисбий ўртача квадратик хатолиги бизни тажрибаларимизда 2,5...3% ни ташкил этди.

Ўлчаш натижалари 1 – жадвалда келтирилган. Суратдаги қийматлар конфузордан чиқишдаги тезлик $V_{чик}$ га нисбатан $\xi_{тр}$ қийматлари, яъни $\xi_{тр} = h_{тр} \cdot 2g / V^2_{чик}$, махражда – конфузорга киришдаги тезлик $V_{кир}$ га нисбатан $\xi^1{}_{тр}$, яъни $\xi^1{}_{тр} = h_{тр} \cdot 2g / V_{кир}$ қийматлари берилган.

Бўлинмани энини камайиши ҳисобига $\xi_{тр}$ қиймати 0,582 дан 0,678 га, яъни 16,5% га ортади.

Т.М.Ясинецкая тажрибаларига асосан бўлинма эни $в_{бўл}$ ни $2D_{кир}$ дан $D_{кир}$ қийматга ўзгартирилганда, сўриш қувурининг қаршилик коэффициенти $\xi_{тр}$ қиймати 0,277 дан 0,333 гача, яъни 20,2% га ортган [5]. Лекин бу тажрибаларда сўриш қувури ўлчамлари, конусни узунлиги ва кенгайиш бурчаги бошқача бўлган.

Гидравлик қаршилик $h_{тр}$ ни кириш қисмидаги босим исрофларига нисбатини олсак:

$$\xi^1{}_{тр} = \frac{h_{тр} \cdot 2g}{V^2_{кир}} \tag{4}$$

Қаршилик коэффициентини (4) формула билан ҳисоблаш анча тўғри бўлади, чунки насосни иш жараёнини андозалаш сўриш қувурини кириш қисми учун амалга оширилган.

1-жадвал

Насоснинг сўриш қувуридаги гидравлик қаршилик коэффициентлари

Вариант	$D_{кир}$, мм	$\frac{в_{бўл}}{D_{кир}}$	d, мм	К	$\frac{\xi_{тр}}{\xi^1{}_{тр}}$
1	75	2	50	2,25	$\frac{0,582}{3,06}$
2	75	1,2	50	2,25	$\frac{0,671}{3,35}$

Масалан, Т.М.Ясинецкая тажрибаларида конфузорга кириш ва чиқишдаги юзаларни нисбатлари К=3,67 ташкил этса, техник кўрсатмаларда берилишида оқимни сўриш қувурига киришдаги тезлиги 0,8...1 м/с, сўриш қувурини ўзида эса 1,0...1,5 м/с белгиланади, яъни юзалар нисбати *К* ҳақиқий ҳолатда *К*=2 дан кам бўлади [5].

Н.А.Грецов тажрибасида кўрсатилишича, катта ўлчамдаги бассейндан сув олишда сўриш қувури (конфузори) қаршилик коэффициентини қуйидаги формула билан ҳисоблаш мумкин [3]:

$$\xi_{уз} = \left[\frac{2}{K} - \frac{\beta^2}{K\left[\beta - 0,294\left(\sqrt{K} - 1\right)\right]^2} \right]^2 \tag{5}$$

$$\xi_{уз} = \lambda \frac{\sqrt{K+1}}{2} \sqrt{0,25\left(\sqrt{K} - 1\right)^2 + \beta^2} \tag{6}$$

бу ерда $K = \left(\frac{D_{кир}}{d}\right)^2 = \frac{\omega_{кир}}{\omega_{чик}}$; $\beta = \frac{\ell_{кон}}{d}$

$\xi_к$ ва $\xi_{уз}$ - киришдаги ва узунлик бўйича қаршилик коэффициентлари; $\lambda -$ узунлик бўйича ишқаланиш коэффициенти.

Т.М.Ясинецкая маълумотлари бўйича $\xi^1_{тр}$ ни қайта ҳисобланганда 1 – вариантда $\xi^1_{тр} = 3{,}06$, 2 – вариантда $\xi^1_{тр} = 3{,}35$ ва фарқи $\Delta\xi^1_{тр} = 0{,}29$ га тенг бўлади [5].

1-расм. Қаршилик коэффициентини $\xi_{тр}$ β =3;5;7;10 тенг бўлгандаги конуслиги *К* билан боғланиш графиги.

Сув қабул қилиш бўлинмаси энини камайиши ҳисобига сўриш қувурига киришида оқимни ён деворлар ва пастки деворлар билан кесиши рўй беради ва бунда қаршилик коэффициентини ортиши кузатилади.

Бу ҳодисани физик маъносини И.Е.Идельчик қуйидагича тушинтиради: “Чегараловчи деворлар сонини ортиш ҳисобига сўриш қувурини гидравлик қаршилик коэффициентини кўпайиши бир қатор сабабларга боғлиқ: бу ерда киришдаги суюқликни чегараланган деворлар юзасига ишқаланишидаги узунлик бўйича қўшимча қаршилик асосий рол ўйнайди; бу ишқаланиш сўриш қувурига киришдаги чегаравий қатламда қўшимча қисилиш ҳосил қилиши ва ўз навбатида бу жойда унинг тезлигини ошириши; оқиш сферасини чегараланиши натижасида кириш кесимига келаётган суюқликнинг оқиш тезлигини ортиши ва х.к” [4].

Бундан ташқари квадрат кесим юзали қувурга тўғри кираётган, уч томондан девор билан қисилган ҳолдаги қаршилик коэффициенти $\xi = 0{,}92$ ва қисилмаган ҳолат учун $\xi = 0{,}6$ тенг бўлиши айтиб ўтилган. Бу ерда қаршилик коэффициентини ортиши 53,4% ни 1,53 мартани ташкил этади.

Юқоридаги (5) ва (6) формулалар билан $\xi_{кир}$ ва $\xi_{уз}$ қийматларини бизни ҳолат учун β=3, $к$=2,25 ва λ=0,17 қабул қилиб аниқланганда, $\xi_{кир} = 0{,}395$ ва $\xi_{уз} = 0{,}066$, йиғинди қаршилик коэффициенти $\xi_{тр} = 0{,}461$ га тенг бўлади. Идельчик И.Е. маълумотлари бўйича қаршилик коэффициенти $\xi_{кир}$ қийматини 53 % ортишини эътиборга олсак, учта девор билан қисилган, яъни эни $в_{бўл} = 1{,}2D_{кир}$ га тенг бўлган бўлинмадан сув олишда $\xi_{тр} = 0{,}395 \cdot 1{,}53 + 0{,}066 = 0{,}671$ га тенг бўлади. Бизни тажрибаларимизда $\xi_{тр} = 0{,}678$ га тенг, демак ҳисобий қийматларга яқин.



1-расм.

И.Е.Идельчик айтишича, ξ нинг энг кам қиймати оқимни кесилган конус шаклидаги қувурга киришида $\ell_{кон} = (0{,}1...1)\,\mathrm{d}$ қийматларга тўғри келади, бу ерда $\ell_{кон}$-конусни узунлиги, $\alpha = 40...60^0$ конусни қисилиш бурчаги, *d*-сўриш қувури диаметри [4]. Лекин $\ell_{кон} > d$ қийматлар учун ξ қийматлари берилмаган ва бизни тажриба маълумотларимиз билан солиштириш иложи бўлмаган. Н.А. Грецов сўриш қувурига киришдаги конусни қисилиш бурчаги орттирилса, яъни

$K = \left(\frac{D_{кир}}{d}\right)^2$ қиймат орттирилиб, $\beta = \ell_{кон}/\mathrm{d}$ камайтирилса, қаршилик

коэффициентини камайишини кўрсатиб ўтган (1-расм) [3]. Демак, киришдаги конфузорни торайиш бурчагини орттириши ҳисобига унинг узунлигини камайтириш зарур деган хулосага келиш мумкин. Юқоридаги қайд этилган маълумотлар бўйича қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- сув қабул қилиш бўлинмаси энини $в_{бўл} = 2D_{кир}$ дан $в_{бўл} = 1{,}2D_{кир}$ гача камайтириш насосни сўриш қувурига киришдаги қаршиликни $\Delta\xi^{1}_{тр} = 0{,}29$ $(\Delta\xi_{тр} = 0{,}096)$ га ортишига олиб келади. Насос станциянинг барча элементларида қаршиликларга нисбатан бу жуда оз миқдорни ташкил этади;

- конструктив нуқтаи назардан сув қабул қилиш бўлинмаси энини $в_{бўл} = 1{,}2D_{кир}$ га тенг қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади;

- сув қабул қилиш бўлинмаси энини камайтириш сув олиш иншооти ўлчамларини қисқартириш ва уни арзонлаштириш, ҳамда фойдаланиш шароитини яхшилаш имкониятини беради.

Адабиётлар

[1] Александров А.В. Взаимное влияние местных гидравлических сопротивлений. Труды ЛПИ, вып.XXIII, 1985, с.112-113.

[2] Грабовский А.М. Исследование взаимного влияния местных сопротивлений. Научные записки ОПИ, т.III, 1975, с 35-38.

[3] [3] Грецов Н.А. Гидравлические сопротивления прямоосных конфузорных всасывающих труб насосов забирающих воду из бассейна больших размеров. Науч.записки МИИВХ. т.XX., 1988. с.210-214.

[4] Идельчик И.Е. Справочник по гидравлическим сопротивлениям. – М.: Машиностроение. 1975. – 559 с.

[5] Ясинецкая Т.М. Исследование условий забора воды из приемных камер насосных станций сельскохозяйственного назначения. Докл. ТСХА. Вып. 48. -Москва, 1978.- 87-91 с.

УДК 621. 791

ВЛИЯНИЕ ТЕПЛОВОГО РЕЖИМА НА СТРУКТУРУ МЕТАЛЛА ПРИ НАПЛАВКЕ КОЛЕС ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА

Э.С. Набиев

Ташкентский институт инженеров железнодорожного транспорта

(Получена 26.05.2017 г.)

Мақолада яхлит қуйилган ғилдиракларни эритиб қоплашдаги чок атрофдаги зонанинг структурани ҳосил бўлишида, кўпэлектродли жараённинг термик циклининг таъсири экспериментал излашишларнинг натижалари келтирилган. Яхлит қуйилган ғилдиракларни кўпэлектродли эритиб қоплашда структурани ҳосил қилишнинг хусусияти бўлиб аустенит айланишнинг ҳароратлар оралиқида қиздириш ва совутишнинг тезлик шартлари ҳисобланиб, унинг оқибати бўлиб парчаланиш маҳсулотлари структурасини майдаланиши аниқланди.

Таянч сўзлар: *яхлит қуйилган ғилдираги, кўпэлектродли жараён, термик цикл, металл структураси ва хоссаси.*

В работе представлены результаты экспериментальных исследований по влиянию термического цикла многоэлектродного процесса на структурообразование в околошовной зоне при наплавке цельнокатаного колеса. Установлено, что особенностью структурообразования при многоэлектродной наплавке вагонных колес являются скоростные условия нагрева и охлаждения в интервале температур аустенитного превращения, следствием которого является измельчение структуры продуктов распада.

Ключевые слова: *цельнокатаное колесо, исследование, многоэлектродный процесс, многоэлектродная наплавка, термический цикл, структура и свойства металла.*

The results of the experimental study of the thermal cycle of many-electrode welding of the solid wheel's comb and its influences in work upon structure's formation in zone of the thermal influence are presented. It is established that the peculiarity of a structure's formation during the many-electrodes

welding of the wheel are the high-speed conditions of heating and cooling in a temperature's interval of austenic conversion. As a result, is the fragmentation of the structure of product's disintegration.

Keywords: *solid-rolled, research, a process of many-electrodes, many-electrode welding, a thermal cycle, a structure and properties of a metal.*

Введение.

Железнодорожные колеса являются наиболее ответственными деталями подвижного состава. В вопросе обеспечения безопасности движения поездов, материал колеса имеет большое значение. Он должен гарантировать надежную работу колеса без разрушения и в то же время обладать высокой сопротивляемостью износу и стойкостью против выкрашивания частиц металла с поверхности катания в эксплуатации.



Рис. 1. Микроструктура основного металла, (светлые зерна-феррит, темные-перлит), х100.

При контакте колеса с рельсом возникающая упругопластическая деформация вызывает появление наклепа на поверхностных слоях металла. В процессе движения и торможения материал колеса довольно часто нагревается до температуры 300^0С. При такой температуре в наклепанном металле быстро успевает произойти процесс старения, резко снижающий как ударную вязкость, так и пластичность. В результате наклепанный поверхностный слой, обладающий высокой твердостью, под действием контактных давлений растрескивается и выкрашивается. Так, исследования изношенной поверхности колес показали, что глубина наклепанного слоя может достигать 3-5 мм, при средней твердости 348 НВ.

Образование выкрашиваний металла на поверхности катания вызывает преждевременную обточку колёсных пар, при которой для вывода дефекта приходится снимать с колёс большой слой металла. Потеря металла обода значительно сокращает срок службы колёс. Кроме того, в связи со снятием твердого наклепанного слоя при обточке, происходит излишний износ оборудования и инструмента, значительная затрата времени и рабочей силы.



Рис. 2. Макроструктура наплавленного металла первого валика на поверхности катания колеса возле гребня.

В настоящей работе представлены результаты исследований по возможности продления срока эксплуатации колес грузовых вагонов, способом многоэлектродной наплавки.

Колеса грузовых вагонов изготавливают из высокоуглеродистой легированной стали марки 2 (колесная сталь), структура которой представляет ферритно-перлитную смесь (рис.1). Твердость на глубине 30 мм от поверхности катания составляет НВ 255 [2]. Колесная сталь относится к плохосвариваемым материалам, и любая разработка технологии наплавки, требует выработки мер по предотвращению образования трещин и хрупких структур в околошовной зоне. На возможность появление трещин и закалочных структур существенное влияние оказывают условия протекания термодеформационного цикла наплавки. В связи с этим возникает необходимость изучения тепловых процессов протекающих при многоэлектродной наплавке для обеспечения надежности колес в эксплуатации.

Экспериментальные результаты.

На основании вышеприведенного материала в научно-исследовательской лаборатории «Материаловедение и сварка» Таш ИИТ проведены эксперименты по выбору оптимального теплового режима процесса наплавки, обеспечивающего получение необходимых свойств и структур в околошовной зоне при минимальной деформации колеса.

Янги свечанинг одатийдан фарқи шундаки, унинг учқунли тирқиши 2 та конуссимон бўшлиқлар ва улар ўртасидаги Лаваль соплоси билан беркитилганлигидир. Бу цилиндрдаги аралашманинг уюрмали оқимидан ўт олишини олдини олади. Бўшлиқ ичига кирган ёнилғи аралашмасига шу бўшлиқнинг ичида учқун берилади ва у бўшлиққа кирган ёнилғини яхши ёндиради. Шундай қилиб, иссиқлик энергияси свечанинг конуссимон бўшлиғида тўпланади ва худди ракета соплосидан отилгандек олов ёниш камерасига отилади. Бу отиш цилиндрнинг ўртасида юз беради ва ёниш камераси бўйлаб бир теккис ёнишни юзага келтиради. Бунинг эвазига поршенга бир теккис босим берилади ва поршеннинг тиқилиб қолиши бартараф этилади. Демак одатий свечада куч олиш учун поршенга қанча энергия бериш керак бўлса, янги свечада ундан камроқ энергия сарфлаб, худди шунча куч олиш мумкин. Янги свечани ишлатганда бир хил айланишларни ушлаб туриш учун камроқ ёнилғи керак бўлади.

Адабиётлар

[1] Мирзиёев Ш.М., “Мамлакатимиз 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузаси. “Халқ сўзи” 15 январь 2017 йил.№ 12

[2] Мирзияев Ш.М. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатларстратегияси.//“Халқ сўзи” 8 февраль январь 2017 йил.№ 17.

[3] [1]2013 йил 1 мартида қабул қилинган «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони.

[4] Носиров И.З., Умаров А.А. «Озонная смесь для двигателя внутреннего сгорания». Вестник АСТА Туринского политехнического университета в городе Ташкенте. № 4. с 55-59.
[5] Базаров Б.И. Работа поршневых двигателей на альтернативных видах топлива. Ташкент:ТАДИ, 2001-138 б.
[6] Носиров И.З. ва б. Ички ёнув двигатели учун ўт олдириш свечаси ва уни ўрнатиш таглиги. № IAP 20160338- сонли ихтирога талабнома бўйича ижобий қарор.
[7] Худойбердиев Т.С., Носиров И.З. Ички ёнув двигатели учун такомилаштирилган ўт олдириш свечаси. “Машинасозлик илмий хабарномаси”. Андижон: АндМИ-2016/№2, 147-157 б.

УДК 677.21:021

ХОМ АШЁ ВАЛИГИ ЗИЧЛИГИНИ РОСТЛАШ ТИЗИМЛИ АРРАЛИ ЖИН

А.А. Умаров

Наманган муҳандислик-технология институти
(Қабул қилинди 3.08.2017 й.)

Мақолада аррали жин ишчи камерасида ҳосил бўладиган хом ашё валиги зичлигини аррали цилиндр юритмасининг юкланишига, машинанинг иш унумдорлигига, тола ва чигит сифатига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган. Муаллиф томонидан тадқиқотлар натижасида хом ашё валиги зичлигини оптимал оралиқда ушлаб туриш мақсадида хом ашё валиги зичлигини ростлаш тизимли аррали жин таклиф қилинган.

Таянч сўзлар: *чигитли пахта, аррали жин, таъминловчи валиклар, тола, чигит, ишчи камера, хом ашё валиги, хом ашё валиги зичлиги, аррали цилиндр юритмасининг юкланиши, электромотор, сигнал, частота ўзгартиргич, айланиш тезлиги, сифат, унумдорлик.*

В статье приведены сведения о влиянии плотности сырцового валика, образующийся в рабочей камере, на нагрузку привода пильного цилиндра, производительность машины и на качество волокна и семян. В результате исследований с целью поддержания плотности сырцового валика в оптимальном диапазоне автором предлагается пильный джин с системой регулирования плотности сырцового валика.

Ключевые слова: *хлопок-сырец, пильный джин, питающие валики, волокно, семена, рабочая камера, сырцовый валик, плотность сырцового валика, нагрузка двигателя пильного цилиндра, электродвигатель, сигнал, частотный преобразователь, частота вращения, качество, производительность.*

The information about the influence of the density of a seed roll, formed in the roll box, on the load of the saw cylinder’s drive, on the productivity of the machine, and on the quality of the fiber and seeds is given in the article. As a result of research, the author proposes a saw gin with a system for controlling the density of a seed roll, in order to maintain the density of the seed roll in the optimal range.

Keywords: *raw cotton, saw gin, feed rolls, fiber, seeds, roll box, seed roll, density of seed roll, load of saw cylinder’s motor, electric motor, signal, frequency converter, rotation frequency, quality, productivity.*

Пахта тозалаш корхоналарининг асосий вазифаси чигитли пахта чигитидан толани ажратишдир. Бу жараённи жинлаш деб, бажарувчи машинани эса жин деб аталади.

Жин машинаси пахта тозалаш тизимининг юрагидир. Тизимни унумдорлиги ва толанинг сифат кўрсаткичлари жин машинасини ишига боғлиқ [1].

Пахта заводларнинг амалиётида жинлашда хом ашё валигининг зичлигини субъектив ўрнатилади ва ростланади. Бунинг учун жиннинг таъминланишини чигитли пахта навига қараб иш тажрибасидан аниқланиб белгиланган тезликка ўрнатилади, сўнг эса хом ашё валигининг зичлиги ва чигитларнинг тукдорлик даражасини ростлашга ўтилади. Б.И. Бекмирзаев [2] томонидан хом ашё валиги зичлигининг тола ва чигит сифатига таъсири ҳақида экспериментал маълумотлари олинган. Улардан маълумки, толанинг энг кам шикастланганлиги I-нав пахтада хом ашё валиги зичлиги 325 кг/м^3 бўлганида, III-нав пахтада эса – 290 кг/м^3 бўлганида аниқланди.

Жин машиналарининг ишлатиш тажрибаси ва илмий тадқиқотлардан хом ашё валигининг зичлиги вақт бўйича 20% атрофида ўзгариб туриши маълум ва бу пахтани ишчи камерасига нотекис узатилиши билан изоҳланади [3]. Аммо бизнинг кузатишларимиз бу

жараёнда пахтанинг физик-механик хусусиятларининг ўзгаришининг аҳамияти бундан кам эмаслигини кўрсатади. Хом ашё валигидаги пахта қайишқоқлиги ва намлигининг озгинагина ўзгариши ҳам ишчи камерага таъминлаб берилаётган хом ашё ва ундан чиқиб кетаётган тола ва чигит миқдорлари орасидаги динамик мувозанатни жуда тез бузади. Натижада стабил таъминлаш шароитида ҳам хом ашё валиги зичлигининг тебраниб ўзгариши рўй беради.

Шундай қилиб, жин таъминлаш, толани ажратиш ва чигитни чиқаришда тўхтовсиз тебранишлар билан ишлайди. Бу параметрларнинг ўзгариши технологик жараён томонидан маълум чегараларда ўзиростланади ва жин ишини бузмайди. Жиннинг турғун иши учун ушбу тебранишларни “турғун зона” чегараларда ушлаб туришни таъминлаш керак. 1-расмда жин ишининг турли режимларида унинг аррали цилиндри юритмасининг юкланиш диаграммаси, ҳамда “турғун зона” кўрсатилган [4]. Кўриниб турибдики, юкланиш эгри чизиғи тўққизинчи секундгача “турғун зона” чегараларида жойлашган, бу эса чигитли пахтани иккинчи тезликда таъминлашда жиннинг нормал иш режимини характерлайди. Сўнг бу эгри чизиқ зонанинг юқори чегараси $I_{макс}$ тепасидан ошади. Агарда юкланиш эгри чизиғини ошиши қисқамуддатли бўлса, ва сўнг у тушган бўлса (пунктир), у ҳолда бу ўзиростланиш жинлаш жараёнини тиклаганини кўрсатади, ва жин берилган режимда ишлашни давом эттиради. Агарда юкланишни ошиши турғун зонанинг юқори қисмидан ошиши узоқмуддатли бўлса, у ҳолда маълум вақтдан сўнг чигитли пахта узатилишини камайтириш лозим. Бунга таъминлаш интенсивлигини камайтириш – таъминлашни биринчи тезлигига ўтказиш билан эришиш мумкин.



1-расм. Аррали цилиндр юритмасининг юкланиш графиги.

Агар таъминлашни камайтирилиши юкланиш катталигини турғун зона чегараларига пасайтирган бўлса, жинлаш жараёни тикланади, ва хамма ростловчи қурилмалар бошланғич ҳолатга қайтиши мумкин [4] (1-расм).

Лекин таъминлашни камайтирилиши юкланишни пасаймаслик, ва у $I_{макс}$ қийматидан юқорироқ даражада жойлашган ҳоллари ҳам кузатилади (1-расмнинг 14-чи секундадан кейинги ҳолатга қаранг). Бу жинлаш жараёнининг кейинги бузилиши амалга ошаётган режимга мос келади. Бу ҳолда жин таъминоти тўхтатилиши лозим ва хом ашё валигини силкитиш керак (1-расмнинг 15-чи дан 18-чи секундагча қаранг). Кўпинча ҳолларда бу оперция жинлаш жараёнини тиклайди.

Хом ашё валигини силкитиш натижасини жиннинг нормал ишида аррали цилиндр юритмаси юкланишни қабул қилиш учун етарли бўлган бир мунча вақтдан сўнг аниқлаш мумкин (1-расм 4-чи босқичга қаранг).

Хом ашё валиги ҳолатини аниқлагандан сўнг бажарувчи механизмларга мос вазифа берилиши керак. Агар жараён тикланган бўлса, у ҳолда ростловчи қурилмалар бошланғич ҳолатга қайтиши мумкин. Агарда силкитиш операцияси жинлаш жараёнини тикламаган бўлса, у ҳолда ростлашнинг учинчи босқичи бошланади, бунда чигит тароғи “охиригача очиш” ҳолатига келади, чигитли пахтани узатилиши тўхтатилади ва хом ашё валигини силкитилиши амалга оширилади. Бу операциялар хом ашё валигини оғдаришга имкон беради.

Жинлаш жараёнидаги асосий белгиловчи омил бўлган хом ашё валиги зичлигининг бундай нисбатан катта диапазонда ўзгариб туриши бир томондан тола ажратиш жараёнини жин конструкцияси имкон берадиганга қараганда анча паст унумдорлик билан амалга

оширишга сабаб бўлса, иккинчи томондан тола ва чигит сифатининг ҳам пасайишига олиб келади.

Пахта тозалаш машиналаридаги технологик жараёнларни автоматик бошқарув тизимлари (АБТ) ёрдамида мақбул бошқариш масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан замонавий ҳал қилиниши нафақат маҳсулотлар сифатини кўтариш ва соҳа хўжалик субъектларининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш, балки мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган технологик машина ва жиҳозларнинг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омилларидан бирилиги шубҳасиздир.

Мақбул бошқариш масалаларини сифатли ҳал қилишда машина ва жиҳозлардаги технологик жараёнларни самарали математик моделларини яратиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Пахта ва толани тозалаш ҳамда тола ажратишни кўрилганда технологик жараёнларнинг тармоқланганлиги, кўпмашиналилиги ва турли жиҳозларда кечиш характери турлича эканлиги мақбуллаштириш ва бошқариш масалаларини ечишни анча мураккаблаштирадиган омиллардир.

Пахта тозалашдаги барча технологик жараёнлар ўз табиатига кўра дискретлик хусусиятига эга ва муайян кетма-кетликда маълум вақт оралиқларида бажарилади, яъни улар кўпқадамли жараёнлардир. Бу жараёнларнинг кўпчилигида охирги натижада таъсир қилувчи асосий омилларнинг катта қисмини аниқлаш, баҳолаш ва ҳисобга олиш имконияти мавжуд. Бу эса биринчи яқинлашувда тасодифий омилларни ҳисобга олмасдан аниқлантирувчи математик моделлар билан чекланиб иш кўришга имкон беради.

Пахта тозалаш жараёнларининг кўрилаётган масалага тааллуқли иккинчи хусусиятлари уларнинг турғун ёки нотурғун содир бўлишларидир. Агар пахта ёки толани тозалаш жараёнларини турғун жараёнлар деб ҳисоблашга етарли асос бўлса, тола ва линт ажратиш жараёнларига нотурғун жараёнлар сифатида қараш учун хам асос етарли.

Турғун технологик жараённинг аниқлантирувчи математик моделини кўрайлик [5]. Пахта ва толани тозалаш жараёни ҳар бир ўтимда маълум “x” миқдордаги хом ашёнинг жараёнга кириши ва ундан маълум “y” миқдордаги маҳсулнинг чиқиши билан тавсифланади.

Жараёнларнинг кечиш тезлиги пахта ва тола массаларининг хусусиятлари ва технологик жиҳозларнинг самарадорлиги билан белгиланади ва уни аналитик тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$v_{ж} = \kappa_1 x - \kappa_2 y \qquad (1)$$

бунда $v_{ж}$ – жараёнларнинг кечиш тезлиги;

κ_1, κ_2 – мос равишда ишлов берилаётган ашё ва жиҳозларнинг самарадорлигига боғлик коэффициентлар.

Чигитли пахтадаги ва ажратиб олинган толанинг физик-механик хусусиятлари қанча яхши бўлса, ҳар бир машинадаги технологик жараёнларнинг кечиш тезлиги шунча юқори бўлади.

Аниқлантирувчи технологик жараёнда ишланувчи ашёнинг келиб қўшилиши ишланган ашё миқдорининг ошишига олиб келади ва бунда уларнинг йиғиндиси доимий бўлади. Айтайлик бу доимий бирга тенг бўлсин, яъни

$$x = 1 - y_x; \quad y = y_x \qquad (2)$$

бунда y_x ишланаётган ашёнинг ишланган ашёга айланишини тавсифлайди.

Бу ҳолда жараённинг кечиш тезлигини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$v_{ж} = \kappa_1(1 - y_x) - \kappa_2 y_x = \kappa_1 - (\kappa_1 + \kappa_2) y_x \qquad (3)$$

Технологик жараён турғунлашган бўлганида одатда ишланувчи ашё, ишланган ашё ва маҳсуллар биргаликда ўзгармас V миқдорга эга бўладилар ва маҳсулнинг чизиқли тезлиги ишланувчи ашёнинг келиш тезлиги v_a га тенг бўлади. Мисол қилиб пахтани йирик ва майда

ифлосликлардан тозалайдиган турли машиналар, турли тузилишдаги тола тозалагичларни кўрсатиш мумкин.

Бу миқдоран

$$\nu_a y = \nu_{ж} V = \left[\kappa_1 - \left(\kappa_1 + \kappa_2\right) y_x\right] V \tag{4}$$

тенглама билан тавсифланади.

Технологик жараён турғунлашган бўлганида ҳар бир ўтим ёки бутун ишлаб чиқаришда пахта ва толани ишлов вақти қуйидагича аниқланиши мумкин:

$$t = \frac{V}{\nu_a} \tag{5}$$

Олинган (2), (4) ва (5) ларни биргаликда кўрсак, ишланувчи ашёнинг тайёр маҳсулотга айланиш тенгламасини оламиз:

$$y_x = \frac{\kappa_1 t}{1 + \left(\kappa_1 + \kappa_2\right) t} \tag{6}$$

Олинган ифоданинг таҳлили шуни кўрсатадики y_x анча катта вақт t ўтганидан кейингина турғун қиймат y_{x0} га эришади:

$$y_{x0} = \frac{\kappa_1}{\kappa_1 + \kappa_2} \tag{7}$$

Энди нотурғун технологик жараённинг аниқлантирувчи математик моделини кўрайлик [5]. Бундай жараёнлар пахта толасини ва линт ажратишда кузатилади, яъни жин ва линтерда ва улар моддий ва энергетик баланс асосидаги интеграл-дифференциал тенгламалар билан тавсифланадилар. Бу технологик жараёнлар амалга ошириладиган машина ва жиҳозлар одатда, кўпинча ишчи камера кўринишидаги ҳажмга ва махсус таъминловчи қурилмага эга бўладилар.

Ишчи камерадаги хом ашё валиги кўринишидаги ашё захирасининг ўзгариш жараёни ашёвий баланс тенгламаси ёрдамида қуйидагича ифодаланиши мумкин:

$$\frac{dM(t)}{d(t)} = Q_{кл}(t) - Q_{км}(t) \tag{8}$$

бунда $M(t)$ – камерадаги ашё захираси катталиги; $Q_{кл}(t)$ – келаётган ашё оқими; $Q_{км}(t)$ – кетаётган маҳсулот (тола ва чигит).

Ашё захирасининг ўзгариши нулли бошланғич шартларда (8) ифода асосида оператор шаклида қуйидагича ифодаланади:

$$M(p) = \frac{1}{p}\left[Q_{кл}(p) - Q_{км}(p)\right] \tag{9}$$

Олинган ифодага интегралловчи бўғин мос келади.

Аррали жин унумдорлигининг хар қандай ўзгаришида ашё оқимини ўзгартириш керак бўлади. Ашё оқими ўзгармас бўлганида жин ва линтер кам ёки ортиқча юклама билан ишлайдики, бу жиҳозда технологик жараён самарадорлигини пасайтиради. Шунинг учун технологик жараёндаги ашё оқимлари ёки заҳираси ростланиши лозим. Бунда агар ашё захираси ростланса оқимлар ўзгарувчан бўлади ва аксинча.

Хом ашё валиги зичлигини ростлаш тизимли аррали жин [6] маълум бўлиб, у аррали цилиндр, олд тўсинда қотирилган колосникли панжара, ўқда ўрнатилган кўчишга имкони бор олд фартук, чигит тароғи ва қуйи фартукдан иборат. Қуйи фартук ўқда буралиши мумкин қилиб ўрнатилган. Камера фартук кўчишини назорат қурилмаси билан таъминланган. Қурилма камеранинг ташқи томонидан ўрнатилган ва қайишқоқ элементлар ва хом ашё валиги зичлигининг механик датчиги билан боғланган кўчиш чегараловчисидан иборат.

Лекин ушбу ростлаш тизимли аррали жин хом ашё валигини оғирлик ва ҳажмини ортишида, айниқса паст навли чигитли пахтани ишлашда, уни ортиқча зичланиши

мумкинлиги билан фарқланади. Бу эса олинаётган маҳсулот ҳажмига таъсир этади ва тиқилишлар ҳосил бўлишини олдини олмайди.

Хом ашё валиги зичлигини ростлаш тизимли аррали жин мавжуд тизимга асосланган бўлиб [7], у олд фартук, олд тўсин, унда ўрнатилган колосникли панжара, аррали цилиндр, чигит тароғи ва қуйи фартукдан иборат. Аррали цилиндрнинг вали, таъминлагич ишини автоматик ростловчи частота ўзгартиргичга аррали цилиндр мотори юкланиш токи тўғрисидаги сигнал берувчи датчик билан таъминланган, электромотор вали билан боғланган.

Ушбу тизимнинг камчилиги – ишчи камерага узатилаётган чигитли пахта миқдорининг ўзгаришини кеч қолишидир.

Мазкур камчиликни бартараф қилишн хом ашё валиги зичлигини ўзгаришига боғлиқ ҳолда, аррали цилиндр ва таъминловчи валикларнинг айланиш частотасини автоматик ростлайдиган тизимли аррали жинни яратиш асосида бартараф қилиш таклиф қилинди.

Таклиф қилинган ечимнинг моҳияти қуйидагича (2-расм). Хом ашё валиги зичлигини ростлаш тизимли аррали жин олд фартук, олд тўсин, унда ўрнатилган колосникли панжара, аррали цилиндр, чигит тароғи ва қуйи фартукдан иборат. Аррали цилиндрнинг вали жиннинг электромотор валига бириктирилган. Аррали цилиндр ва таъминловчи валиклар электромоторлари алоҳида частота ўзгартиргичлар билан таъминланган. Аррали цилиндр электромоторининг частота ўзгартиргичи юкланиш токига мос равишда унинг тезлигини ўзгартиради ва таъминловчи валиклар электромотори частота ўзгартиргичига сигнал узатади.

Аррали жинни частота ўзгартиргичлар билан жиҳозланиши, таъминловчи валиклар ва аррали цилиндр тезлигини ростлаш ҳамда ишчи камерадаги хом ашё валиги зичлигини назорат қилиш имконини беради.

Хом ашё валиги зичлигини ростлаш тизимли аррали жин қуйидагича ишлайди.

Келаётган чигитли пахта 8 аррали цилиндр 4 билан контактга кирувчи хом ашё валиги 7 ни ҳосил қилади. Хом ашё валиги 7 дан колосникли панжара 3 орқали аррали цилиндр 4 ёрдамида тола ишчи камерасидан чиқарилади, бунда чигитни чиқарилиши чигит тароғи 5 нинг ҳолати билан ростланади.



2-расм. Хом ашё валиги зичлигини ростлаш тизимли аррали жин. 1 – олд фартук; 2 – олд тўсин; 3 – колосникли панжара; 4 – аррали цилиндр; 5 – чигит тароғи; 6 – қуйи фартук; 9 – аррали цилиндр электромотори; 10, 11 – частота ўзгартиргичлар, 12 – таъминловчи валиклар электромотори; 13 – қозиқли барабан; 14 – таъминловчи валиклар; 15 – қозиқли барабан электромотори.

Хом ашё валиги 7 нинг зичлиги ўзгаришида, унга мос равишда, аррали цилиндр 4 электромотори 9 да юкланиш токи ўзгаради, ҳамда частота ўзгартиргич 10 таъсирланади. Частота ўзгартиргич 10 ва 11 лар мос равишда аррали цилиндр электромотори 9 ва таъминловчи валиклар электромотори 12 айланиш тезлигини ростлаш орқали ишчи камераси 8 дан чиқаётган тола ва чигитни, ҳамда унга кираётган чигитли пахта ҳажмини шундай ўзгартирадики, хом ашё валиги зичлигининг ўрнатилган катталиги тикланади.

Шу билан бирга, электромоторларни частота ўзгартиргичлар билан таъминланиши машина унумдорлигини ошишига олиб келади.

Адабиётлар:

[1] Anthony W.S. and William D. Mayfield, eds. Cotton Ginners Handbook, 1994. rev. U.S. Department of Agriculture, Agricultural Handbook 503. pp. 90.

[2] Бекмирзаев Б.И. Разработка способа регулирования питания пильного джина по воздухопроницаемости сырцового валика в целях улучшения качества волокна и семян: Дисс. канд. техн. наук – Ташкент. 1989 – с.6-58.

[3] Каттаходжаев Р.М., Фазилдинов С. Самовыравнивание плотности сырцового валика. // Хлопковая промышленность. 1981, №2 с. 4.

[4] Джаббаров Г.Д. и др. Первичная обработка хлопка. Учебник для вузов. М., «Легкая индустрия», 1978. 430 с.

[5] Ахмедходжаев Х.Т., Абдувахидов М., Умаров А. Пахта тозалаш жиҳозларидаги технологик жараёнларни математик моделлаштириш ҳақида // Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида назарияни амалиётга тадбиқ этишда иқтисодчилар ва муҳандисларнинг ўрни: Илмий-амалий конференциянинг тезислар тўплами. – Наманган, 2006. – Б. 193-194.

[6] Усманов Х.С., Якубов Д. Рабочая камера пильного джина. Патент РУз №3819. РА №3. – Ташкент. 1996.

[7] Ахмедходжаев Х.Т., Абдувахидов М., Умаров А., Кшивицкий О.О. Рабочая камера пильного джина. Патент РУз № FAP 00599 / Официальный бюллетень. – №2 (118). – Ташкент, 2011.

О ВЛИЯНИИ ПЛЁНКООБРАЗУЮЩЕГО МАТЕРИАЛА НА ПРИПОВЕРХНОСТНУЮ ГИДРАТАЦИЮ ЦЕМЕНТА В БЕТОНЕ

И.М. Махаматалиев, Ж.Р. Тургунбаева, Ф.Ш. Рузметов

Ташкентского института инженеров железнодорожного транспорта
(Получена 16.05.2016 г.)

Ушбу мақолада муаллифлар томонидан маҳаллий плёнка ҳосил қилувчи материал асосидаги бетон қопламасининг унинг сиртки қатламларидаги цементли боғловчи гидратациясига таъсирини ўрганиш бўйича бажарган тадқиқотлари натижалари келтирилган. Тадқиқотларда аниқланишича, плёнка ҳосил қилувчи материал асосидаги қоплама бетондаги цементли боғловчи гидратацияси учун мавжуд бўлган шароитларни яхшилайди ва бетоннинг қотиши учун қулай шароитлар яратади. Маҳаллий плёнка ҳосил қилувчи материал асосидаги ҳимояловчи қатлам бетондан намлик йўқотилишини сезиларли секинлаштиради ва унинг барвақт сувчсизланиш жараёнидан сақлайди.

Таянч сўзлар: *гидратация, плёнка ҳосил қилувчи материал , бетон қопламаси, бугланиш, кучланиш, рентгенографик таҳлил, портландит.*

В данной статье приведены результаты исследований авторов по изучению влияния покрытия из местного плёнкообразующего материала на приповерхностную гидратацию цементного вяжущего в бетоне. В исследованиях установлено, что плёнкообразующее покрытие заметно улучшает условия гидратации цементного вяжущего в бетоне и создает благоприятные условия для его твердения. Защитное покрытие на основе местного плёнкообразующего материала существенно замедляет испарение влаги и исключает процесс преждевременного обезвоживания бетона.

Ключевые слова*: гидратация цемента, плёнкообразующий материал, защитное покрытие, испарение, прочность, рентгенографический анализ, портландит.*

In this paper, we propose a universal mathematical model of stacking methods. This model can be applied to a variety of cargo and containers. The developed model is suitable for the solution of practical engineering problems associated with the improvement of the conditions of transport of perishable goods in refrigerated containers. On the basis of the proposed boxes stacking schemes designed height fruits loading in refrigerated containers.

Keywords: *perishable products, styling, refrigerated container, experienced transportation, fruits, air circulation capacity.*

Введение. При производстве бетонных работ в жаркое время года важное значение имеет повышение долговечности железобетонных конструкций, ибо это наиболее важная и актуальная проблема в монолитном строительстве [1]. В свете рещенния данной проблемы и в рамках выполнения ГНТП №А-14-008, авторами были проведены исследования по изучению влияния покрытия из местного плёнкообразующего материала на приповерхностную гидратацию бетона.

Основная часть. Исследования проводились на трех образцах бетона: № 1 - образец, твердевший в сухих условиях без покрытия; № 2 - образец, твердевший в нормальных условиях без покрытия; № 3 - образец, твердевший в сухих условиях с пленкообразующим покрытием (покрытие нанесено по всем граням). Проводился рентгенографический анализ проб отобранных из вышеуказанных образцов. Отбор частных проб осуществлялся путем последовательного по глубине высверливания проб в центре образца. Всего из каждого образца отбиралось по 3 г проб, отобранных в интервалах глубин 0-10 мм, 10-20 и 20-30 мм. Такой отбор был обусловлен необходимостью устранения неоднородности проб, возникающих при формировании образца. Рентгенографический анализ проводился на автоматизированном дифрактометре ДРОН-3 с использованием автоматической регистрации спектра. Рентгенограммы проб с разной глубины от поверхности образцов, твердевших в различных условиях, приведены на рис. 1 - 3.

В качестве частного критерия уровня гидратации цемента было выбрано содержание портландита $Ca(OH)_2$ в образцах.

А)



Б)



В)



Рис. 1.Рентгенограмма образца естественного твердения



Рис. 2. Рентгенограмма образца естественного твердения

Установлено, что содержание портландита в слое 0-10 мм в образце без покрытия, твердевшим в сухих условиях (рис.1), в интервале глубины от поверхности 0-10 мм присутствует 2,0% портландита и отмечается незначительная карбонизация с образованием одного-двух процентов $CaCO_3$; в том же образце в интервале глубин 10-20 мм отмечается рост содержания портландита до 2,5-3%, а в интервале 20-30 мм глубины от поверхности образца содержание портландита увеличивается до 8,0% . Для образца с покрытием, твердеющим в таких же условиях (рис.3), содержание портландита в интервале 0-10 мм составляет 6,5%, а начиная с интервала 10-20 мм колеблется около 8,2%.

Для образцов, твердевших в нормальных условиях (рис.2), содержание портландита на всех анализируемых глубинах изменялось в пределах 8-8,5%. Следовательно, пленкообразующее покрытие обеспечивает гидратацию цемента в поверхностном слое близком к нормальным условиям хранения. Степень гидратации цемента в поверхностном слое бетона без покрытия резко снижается (рис.1).



Рис. 3. Рентгенограмма образца с плёнкообразующим покрытием

Выводы. Таким образом установлено, что плёнкообразующее покрытие существенно улучшает условия гидратации цемента в бетоне и создает благоприятные условия для его твердения. Защитное покрытие сильно замедляет испарение влаги и исключает процесс преждевременного обезвоживания бетона. Обезвоживание главным образом происходит в поверхностном слое толщиной 2 см, т.е. соизмеримом с толщиной защитного слоя, который в первую очередь подвергается морозной деструкции.

Список литературы

[1] Хаютин Ю.Г. Монолитный бетон. М.: Стройиздат, 1991г.

ЧЕГАРА БЕЛГИЛАРИ ЕР КАДАСТРИ АХБОРОТ ТАЪМИНОТИДА МУҲИМ ОМИЛ

Қ. Рахмонов[1], А.А. Марупов[2]

[1]Тошкент ирригация ва қишлоқ хужалигини механизациялаш муҳандислари институти,
[2]Фарғона политехника институти
(Қабул қилинди 15.08.2017 й.)

Ер кадастри ҳужжатларини шакллантириш натижасида янги ердан фойдаланувчилар таркиб топади ёки мавжудлари тартибга солинади, ер участкасининг чегаралари жойида белгиланади. Фойдаланиш учун берилган ер участкасининг чегараларини тегишли ер тузиш хизмати натурада яъни, жойнинг ўзида қайд этиб, ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатлар берилгунига қадар ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш тақиқланади. Мақолада ер участкаларининг чегара белгилари ер кадастри ахборот таъминотида муҳим омил эканлиги тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: *ер участкалари чегаралари, ер тузиш хизматлари, ер участкасига бўлган ҳуқуқлар, ахборот таъминоти.*

Для использования земель, принадлежащих к земле по месту службы в натуральном выражении, документы подтверждающие право на землю, запрешается к использванию до тех пор пока права на пользвание не выдано местным службам кадастра и хакимиятов. В статье выражается смысл о том что, местные службы кадастра имеют ключевую роль по определению подтверждающие право на землю.

Ключевые слова: *границы земельных участков, услуги по управлению земельными участками, права на использованию земельными участками, поддержка информации.*

Studying of cadastre documents in connection with definition of border of the ground areas of citizens. For the use of lands belonging to the land at the place of service in kind, documents confirming the right to land are prohibited to be used until the rights to use are issued to local cadastre and hakimiyat services. The article expresses the sense that, local cadastre services have a key role by definition that confirms the right to land.

Keywords: *borders of land plots, land management services, rights to use land plots, support information.*

Вилоят, туман ва шаҳар ер тузиш хизматлари тегишли ҳудуд бўйича қурилган ва чала қурилган ер майдонларининг чегараларини натура тарзида белгилайдилар шу ер участкасининг ўлчамларини тасдиқловчи ҳужжатларни берадилар. Масалан, амалдаги Ер кодексининг 31-моддасида қайд этилганидек ер участкасига бўлган ҳуқуқининг вужудга келиши, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойнинг ўзида чегаралари белгиланиб, ер участкасининг плани ва тавсифлари тузилиб, давлат рўйхатига олинганидан кейин вужудга келади [1].

Ер участкаси - ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, кадастр рақамига ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисмидир. Ер участкасининг чегараси план чизмаларда қайд

этилади ва жойнинг ўзида белгиланади. Унинг майдони жойнинг ўзида чегара белгиланганидан кейин аниқланади.

Ваколатли давлат органлари томонидан қонунда белгиланган тартибда ажратилган, чегараланган ер участкаси тегишли шахсга юридик жиҳатдан бириктирилади. Ер участкасининг мулк ҳуқуқи объекти сифатидаги тавсифи Ўзбекистон Республикаси Фукаролик Кодексининг 169-моддасида ифодаланган [2]. Хусусан, ер участкасининг ҳудудий чегаралари ер қонунчилигида ўрнатилган тартибда, ер ресурслари бўйича ваколатли давлат органи томонидан мулкдорга берилган ҳужжатлар асосида белгиланади.

Қонунчиликда ер участкаси ҳуқуқий муносабатларнинг тўлақонли объекти бўлишини таъминлаш учун уни расмийлаштириш бўйича бир қатор муҳим талаблар белгиланган. Ер участкаси ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида ҳар бир холатда алоҳида тарзда белгиланган бўлиши зарур. Бу шуни англатадики, ер участкаси қонунчилик ва ҳуқуқни белгиловчи бошқа ҳужжатларга мувофиқ ўзининг аниқ чегараларига эга бўлиши лозим. Шунингдек, ер участкасининг жойлашган манзили, майдони, кадастр рақами, мақсади ва фойдаланиш даражаси ҳам маълум бўлиши керак.

Ер участкасини шакллантириш бўйича айрим шартлар ер кодексининг тегишли моддаларида баён этилган. Хусусан, ер участкасини шакллантириш бўйича ишларни амалга ошириш чегара лойиҳаларини тайёрлаш, жойларда чегара белгиларини ўрнатиш, ер участкасидан фойдаланиш даражасини белгилаш ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширишдан иборатдир.

Ер участкасининг кадастр рақамини шакллантириш ер участкаси кўчмас мулк объекти сифатида шакллантирилган ва унинг чегаралари туман (шаҳар) навбатчи индексли электрон кадастр харитасига киритилганидан кейин бошланади. Ер участкалари чегараларининг ўзгариши, янги участкаларни шакллантириш мақсадида мавжуд участкани бўлиш ёки унинг бошқа ер участкалари билан қўшилиб кетишини келтириб чиқарувчи ҳаракатларни амалга ошириш вақтида уларга белгиланган тартибда янги кадастр рақамлари берилади.

Ердан фойдаланиш жараёнида сервитутларни белгилаш ва ер сервитутларига амал қилинадиган ерларнинг жойлардаги чегараларни белгилаш ҳам муҳим тадбирлардан бири хисобланади.

Хўжаликлараро ер тузишда чегара белгиларига оид қуйидаги ишларни бажариш тавсия этилади:

-жойнинг ўзида овуллар, қишлоқлар, посёлкалар, туманлар, шаҳарлар, вилоятларнинг чегараларини белгилаш;

- хўжаликлараро ер тузиш туманлар ёки бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари гуруҳларининг маъмурий чегаралари доирасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириш;

- ер тузиш лойиҳалари бошқа туманлар ёки шаҳар ва посёлкалар ҳудудига тегишли бўлган ҳолларда, уларнинг чегараларини ўзгартириш масалалари маъмурий-ҳудудий бирликларнинг чегараларини жойнинг ўзида белгилаш тартибида ҳал қилиш;

- ер тузиш лойиҳалари тасдиқланганидан кейин жойнинг ўзига кўчирилиб, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар ер участкаларининг чегаралари белгиланган намунадаги марза белгилари билан ажратиш.

Истиқболга мўлжалланган ер тузишда ҳам туманлар ва вилоятларнинг ер тузиш чизмалари ёки алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг жойлашиши ва чегаралари белгиланишини асослаш тадбирлари бажарилиши мумкин.

Ер тузиш лойиҳасини ушбу иборанинг маъносига қараб, фақат хўжалик юритувчи субъектлар, яъни хўжаликлараро ер тузиш деб, тушинмаслик керак. Чунки, у биргина ердан фойдаланувчилар ўртасида эмас, балки овул, қишлоқ, қўрғон, туман, шаҳар ва вилоятлар чегараларини амалда белгилаш ишларини ҳам ўз ичига қамраб олади. Демак, хўжаликлараро ер тузишда бажариладиган ишлартаркибида чегара белгиларини лойиҳага мос ҳолда ўрнатиш асосида ер кадастри ҳужжатларини амалда жорий этиш ва ахборотлар ишончлилигини таъминлашга хизмат қилади.

Маъмурий-ҳудудий бирликларнинг чегараларини жойнинг ўзида белгилашга доир материаллар, шунингдек истиқболга мўлжалланган ҳамда лойиҳалаш олдидан ер тузиш ишларига доир бошқа материаллар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Ер тузиш лойиҳалари тегишли ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар иштирокида ва ваколатли давлат органларининг тасдиғидан сўнг белгиланган намунадаги чегара белгилари билан ер участкаси чегаралари кўрсатилган жойнинг ўзига ўтказилади.
Тасдиқланган ер тузиш лойиҳаси чегараларини белгилаш орқали жойнинг ўзига кўчирилади. Ер тузиш лойиҳасини натурага кўчиришда манфаатдор мулк эгаларининг вакиллари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар қатнашадилар. Бажарилган иш белгиланган тартибдаги акт ва кўчириш чегараларининг иш чизмалари илова қилинган ҳолда расмийлаштирилади.

Ерларни ҳисобга олиш жойнинг ўзида ер участкалари ва майдонларининг чегаралари, жойлашган ўрни, ҳолати ва улардан фойдаланиш хусусиятига доир ўзгаришлар талайгина тўпланганлигига қараб, даврий равишда ўтказилади, бунда ерларнинг план-картографик асоси тегишли масштабларда янгиланиши, тупроқ, геоботаник ва бошқа хил текширувлар ўтказилиши шарт.Доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ер участкаси берилган шахс ер қонунчилигида белгиланган чегараларда унга эгалик қилиш ва фойдаланишни амалга оширади.

Туманлар, шаҳарлар ҳокимлари ер участкалари берилаётганда буюртмачиларга ер участкаларидан фойдаланишга доир қуйидагилардан иборат бўлган ахборот тақдим этадилар: ер участкаларидан фойдаланишдан кўзланган мақсад; ер участкаларининг жойлашган манзили; ер участкаларининг лойиҳа бўйича чегаралари; ер участкаларининг муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмалар объектлари билан таъминланганлиги.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатларда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак: ҳудудий зонанинг қуриш қоидаларида белгиланган коди; ер участкаси жойлашган ҳудудий зонанинг функционал мақсади; ер участкаси ёки унинг бир қисми маданий мерос объектларининг, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг муҳофаза зоналари, сувни муҳофаза қилиш зоналари чегараларида, шунингдек табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятларнинг таъсирига учраган ҳудудлар ва аҳоли пунктларининг ҳамда фойдаланилишига қонун ҳужжатларида чеклашлар белгиланувчи бошқа ҳудудларнинг чегараларида жойлашганлиги; ер участкаси чегараларида муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмалар объектларининг мавжудлиги, мазкур объектлар кўрсаткичлари ва улардан фойдаланишдаги чеклашларни ҳам кўрсатган ҳолда; ер участкаси чегараларида ер участкаси мулкдорига, эгасига ёки бу участкадан фойдаланувчига тегишли бўлмаган бино ва иншоотларнинг мавжудлиги, мазкур ер участкасида кўрсатиб ўтилган объектлар жойлашгани муносабати билан ундан фойдаланишдаги чеклашлар ҳам кўрсатилиши керак.

Шунингдек, шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалик аҳамиятига молик ерлар учун ер солиғи қишлоқ хўжалик ерларига белгиланган ставкаларнинг икки баравари миқдорида ундирилади. Ердан фойдаланувчилар ер тузиш тартибида ўрнатилган марза белгилари ва бошқа чегара белгиларини сақлашлари ва тегишли ҳолда ҳамда бут тутишлари шарт бўлиб ҳисобланади.

Ер участкасининг чегараларини жойнинг ўзида ва хариталарда дастлабки тарзда белгилаш ажратиб бериш учун ер участкаси танланган вақтда уни бериш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар амалга оширилади. Ер участкасининг планини ва тавсифини тузиш, жойнинг ўзида унинг чегараларини белгилаш ишлари ер тузиш хизмати органлари томонидан бажарилади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

Ер участкасининг плани ва тавсифини тайёрлаш, марза белгиларини ўрнатиш, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, ер участкаси олувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойнинг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкаларининг

планлари ва тавсифлари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар давлат рўйхатига олинганидан кейин вужудга келади.

Гувоҳномага ер участкасининг чегаралари чизмаси илова қилинади. Унда қуйидагилар кўрсатилади: чегараларинг бурилиш нуқталари, уларнинг тартиб рақамлари, чизиқлар узунликлари;

гидрография тармоқлари элементлари ва участканинг чегаралари ҳисобланган чизиқли объектлар (йўллар, каналлар ва бошқ.); берилаётган ер участкасининг чегараси қамровидаги (бегона ердан фойдаланишлар) бошқа мулкдорлар, эгалар ва фойдаланувчилар ер участкаларининг чегаралари ва кадастр тартиб рақамлари; ерлардан фойдаланиш чекланган ёки махсус фойдаланиш тартиби ўрнатилган ҳудудлар чегаралари ва тартиб рақамлари; участка қисмларидан фойдаланиш бўйича ер сервитути шартномалари, бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари билан чекланган худудлар чегаралари.

Чизма масштаби ер участкасининг шаклидан келиб чиқиб, унда чегараларнинг бурилиш нуқталарини кўрсатиш мумкинлигини ҳисобга олиб, танланади. Чизма икки нусхада тайёрланади. Асосий нусха гувоҳнома рўйхатга олинган жойда сақланади. Гувоҳномадаги барча маълумотлар тушда ёки компьютерда ёзилади.Қишлоқ хўжалик корхона ва ташкилотларини ер билан таъминлаш амалда хўжаликлараро ер тузиш усули билан ўтказилади. Бундай ер тузиш ишлари бажараётганда ер участкаси чегараланади ва унинг чегаралари марзалар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 32-моддасида, ер участкаси ажратиб берилганда бу участка чегараси натура ҳолида (ернинг ўзида) аниқланиб, ўзга участкалардан марза ва бошқа хил чегара белгилари билан ажратиб қўйилади дейилган[1].

Суғориладиган ерларнинг чегараси унинг сифат маълумотлари ва суғориш мақоми бўйича, шунингдек хўжалик юритишнинг таркиб топган шакллари ва бошқа шароитлари асосида табиий кўринишда белгиланади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бериш хўжалик фаолияти учун қулай чегараларда амалга оширилади.

Шуни инобатга олиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси, катта ва кичик дарёлар, сув ҳавзалари бўйлаб жойлашган ер участкалари фермер хўжалиги юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади. Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси бўйлаб беш юз метрли минтақада фаолияти ҳайвонларни (чорва моллар, паррандалар, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни, балиқлар, асалариларни, ҳайвонот боғлари ҳамда виварийларнинг ҳайвонларини ва бошқа жониворларни) кўпайтириш, ўтлатиш ва боқиш билан боғлиқ бўлган чорвачилик, паррандачилик ҳамда бошқа йўналишдаги фермер хўжаликларига ер участкалари бериш тақиқланади, шунингдек, фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасини олишда фермер хўжалиги ташкил этилаётган жойда яшовчи шахслар устун ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Ер участкаси фермер хўжалигига имкони борича ягона мавзе бўйича, контурлар яхлитлиги сақлаб қолинган ҳолда берилади, участка чегаралари суғориш тармоқлари, коллекторлар, йўллар ва бошқа топографик элементлар бўйича белгиланади. Хўжаликлараро ер тузиш ишлари натижасида янги объектлар ҳосил бўлади ёки мавжудлари тартибга солинади, уларнинг чегаралари жойида белгиланади.Шунга кўра шаҳар ва посёлкаларнинг ерлари деганда, тасдиқланган шаҳарсозлик ва ер тузиш ҳужжатлари асосида чегаралари белгиланган аҳоли яшайдиган, маъмурий, иқтисодий-ижтимоий, маданий-маиший бино-иншоотлар жойлашган, шунингдек шаҳар ва посёлкаларнинг бошқа мақсадлар учун белгиланган маъмурий чегаралар доирасидаги барча ерлар тушунилади.

Аҳоли пунктларининг чегараси - шаҳар, посёлка, қишлоқ аҳоли пункти ерларининг ташқи чегаралари бўлиб, улар ана шу ерларни бошқа ерлардан ажратиб туради. Аҳоли пунктларининг чегарасини белгилаш тасдиқланган шаҳарсозлик ва ер тузиш ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Аҳоли пунктларининг чегараси юридик ва жисмоний шахслар ер участкаларининг чегаралари бўйича белгиланиши лозим.

Вилоят ва туманларнинг чегараларини ўзгартириш тегишли вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.Қишлоқ ва овуллар чегарасини ўзгартириш, аҳоли пунктларини бирлаштириш тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса - Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида"ги қонунининг V бобида шаҳарлар, шаҳарчаларнинг чегараларини белгилаш ва кенгайтириш тартиби белгиланган [3].

Шаҳарларнинг чегараларини белгилаш ва кенгайтириш тегишли вилоят, Тошкент шаҳри ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади. Шаҳарчаларнинг чегараларини белгилаш ва кенгайтириш тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса - Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Аҳоли пунктлари чегараларидаги ерлар тасдиқланган бош режаларга мувофиқ улардан фойдаланишнинг тартибга солинишини амалга оширувчи маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тасарруфида бўлади. Аҳоли пунктлари ҳудудида хўжаликлараро ер тузиш ва режалаштириш ўтказилаётганда сувни муҳофаза қилиш зоналарининг, соҳил бўйи минтақаларининг ва сув объектлари санитария муҳофазаси зоналарининг чегараларини ўзгартириш табиатни муҳофаза қилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги органлари ҳамда санитария назорати органлари билан келишиб олиниши лозим.

Ерларни функционал муҳофаза қилиш унда ҳудудий-чегаравий база сифатида конкрет объектларни жойлаштиришини назарда тутади. Бугунги кунда давлатимизда аграр муносабатлар соҳасида ислоҳотлар амалга оширилаётган шароитда ер ресурсларини муҳофаза қилиш муаммосига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Биргаликда эгалик қилинадиган ёки фойдаланиладиган ер участкаларини бўлиш ва ундан фойдаланиш тартибини белгилаш, шунингдек ер участкаси чегарасини белгилаш тўғрисидаги низоларни ҳал қилишда Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 22-моддасининг 4-қисмига асосан давлат ер кадастри ва ер экспертизаларининг ер участкасини бўлиш имконияти тўғрисидаги хулосаси ва ер участкасидан илгаридан фойдаланиш тартиби ўрнатилганлиги ҳолатидан келиб чиқилади [1].

Шуни назарда тутиш лозимки, ер участкаси фермер хўжалигига имкони борича ягона мавзе бўйича, контурлар яхлитлиги сақлаб қолинган ҳолда берилиши, участка чегаралари суғориш тармоқлари, коллекторлар, йўллар ва бошқа топографик элементлар бўйича белгиланиши, фермерларга узоқ муддатга ижарага бериладиган бу ер участкалари қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжаликлари) балансидан чиқарилиши шарт.

Агар қонунга қарши битимлар, ер учуасткаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, ер участкаларини ишдан чиқариш, ифлослантириш , ер чегараси марзаларини бузиб ташлаш ва шунга ухшаш ҳуқуқбузарликлар ҳаракат билан содир этилса, вақтинча эгаллаб турган ерни қайтариб бериш муддатини бузиш ёки шу ерларни белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириб бериш мажбуриятларини бажармаслик , ёввойи ўтларга қарши кураш чораларини кўрмаслик, тўпроқни шамол, сув таьсирида нурашдан сақлаш мажбуриятларини бажармаслик каби ҳуқуқбузарликлар ҳаракатсизлик орқасидан содир бўлади.

Ердан фойдаланиш жараёнидаги ҳуқуқбузарликлардан яна бири - ер чегара-ларининг марза белгиларини йўқ қилиб ташлашдир. Бу хилдаги ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат ер участкаларидан мақсадга мувофиқ, самарали, тўғри фойдаланишни қийинлаштиради, ердан фойдаланувчиларни ўз ҳуқуқларидан етарли равишда, тўғри фойдаланишларига халақит беради. Юридик шахслар ҳам, жисмоний шахслар ҳам давлат ёки бошқалар эгалигида бўлган, айниқса ўз эгалигида бўлган ерларга чегарадош бўлган ерларни қўшиб олиш ҳоллари кўплаб учраб туради.

Қишлоқ аҳоли пункти ерлари деганда ички хўжалик ер тузилиши режаларига мувофиқ равишда тасдиқланган ва белгиланган чегара доираларида жойлашган, аҳолининг турар-жой, бошқа маданий-маиший эҳтиёжларига керакли бинолар, шунингдек деҳқон хўжалиги учун бериладиган ер участкалари тушунилади. Қишлоқ аҳоли пункти ерлари асосан қишлоқ хўжалик корхоналари эгаллаб турган ерларда жойлашган бўлиб, улар жамоат ерларидан натура тарзида ажратиб қўйилади. Лекин, бу иккала ер фонди ўртасида ўтиб бўлмайдиган чегара бўлмайди. Аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини эътиборга олиб аҳоли пункти ерларини тегишли идоралар қарорига мувофиқ кенгайтириш мумкин.

Адабиётлар:

[1] Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. Т.: 1998 й.
[2] Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодекси.Т.: 1996 й.
[3] Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги қонуни.Т.: 2013 й.
[4] Lex.uz
[5] Ziyonet.uz

УДК 519.681.5

ТИМСОЛЛАРНИ ТАНИБ ОЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ АЛГОРИТМЛАРИ

З.Б. Минглиқулов[1], Д.М. Сотволдиев[2], М.У. Норинов[2]

[1]Муҳаммад ал Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети,
[2]Муҳаммад ал Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети
Фарғона филиали mnorinov@umail.uz
(Қабул қилинди 5.09.2017 й.)

Ушбу мақолада маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш масаласидан бири бўлган синфлаштириш масаласи кўриб ўтилган. Бунда норавшан синфлаштириш мантиқий моделини қуриш алгоритми ва k яқин қўшнилар алгоритмларидан фойдаланилди. Норавшан мантиқий модел қуриш жараёнида аксарият ҳолларда норавшан қоидалар базаси мавжуд бўлган бир қатор усуллардан фойдаланилади, жумладан кластерлашнинг тоғли усулидан. Ушбу усулдан фарқли равишда, ишда норавшан қоидалар базасини норавшан кластеризация усули ёрдамида қуришнинг янгича усули таклиф этилган. Шу билан бирга, ушбу мақолада ирис гулини синфлаштириш масаласи бир қатор алгоритмлар асосида ечилган ва уларнинг натижалари ўзаро солиштирилган.

***Таянч сўзлар**: маълумотларни интеллектуал таҳлили, юмшоқ ҳисоблаш, kNN, параметрларни оптималлаштириш, норавшан модел, норавшан кластерлаш алгоритми, фаззификация, дефаззификация, норавшан синфлаштириш мантиқий модели.*

В данной работе рассмотрена одна из задач интеллектуального анализа данных, задача классификации. В нем использованы алгоритмы логическая модель нечеткой классификации и алгоритмы k ближайших соседей. В процессе построение нечеткой логической модели в некоторых случаях использованы некоторые методы из базы нечетких правил методом горной кластеризации. Кроме этого, в статье предложен новый метод построения базы нечетких правил, с использованием метода нечеткой кластеризации. Так же, в статье задача классификации цветка Ирис решено на основе некоторых алгоритмов классификации и проведено сравнение результатов.

***Ключевые слова**: интеллектуальный анализ данных, мягкое вычисление, kNN, оптимизация параметров, неясная модель, алгоритм неясной кластеризации, дефазификация, логическая модель неясной классификации.*

In this work, we consider one of the tasks of data mining, the problem of classification. It uses algorithms of the logical model of fuzzy classification and algorithms of k nearest neighbors. In the process of building a fuzzy logic model, in some cases, some methods from the base of fuzzy rules were used by the method of mountain clustering. In addition, the article proposes a new method for constructing a base of fuzzy rules, using the method of fuzzy clustering. Also, in the article the problem of classifying the Iris flower was solved on the basis of some classification algorithms and the results were compared.

***Keywords:** data mining, soft computing, kNN, optimization of parameters, fuzzy model, algorithm of fuzzy clustering, defazzification, logic model of fuzzy classification.*

1. Кириш

Табиий шароитда инсон томонидан ечилиши мумкин бўлган синфлаштириш масалаларини шартли равишда икки гуруҳга ажратишимиз мумкин [1].

1. Шартлари, белгилар қиймати аниқ, равшан, тўлиқ шакллантирилган, ҳолда тақдим этиллувчи масалалар.

2. Объект параметрлари тўла шакллантирилмаган, яъни параметрлари норавшанлик билан тақдим этиладиган масалалар.

Биринчи турдаги масалаларни ечишда анъанавий математик аппарат ва компьютер дастурларидан фойдаланиш самарали натижа бериши мумкин.

Аммо, кейинги гуруҳ масалаларини ечишда одатда, анъанавий математик моделлаштириш аппарати самара бермаслиги мумкин ва бундай масалаларни ечишда юмшоқ ҳисоблаш (*Soft Computing*) технологиялари воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Синфлаштириш масаласи – бу, жорий объектни параметрларининг қийматларига боғлиқ ҳолда олдиндан маълум бўлган синфлардан бирига киритиш демакдир. Ушбу масалада ҳар бир объект ўзининг белгилари сонидан келиб чиққан ҳолда N-ўлчамли вектор кўринишида тавсифланади. Синфлаштириш масаласини ечишда кўплаб равшан ва норавшан алгоритмлардан фойдаланиш мумкин. Ушбу мақолада равшан алгоритмлар сирасидан k яқин қўшнилар алгоритмини ва норавшан синфлаштириш алгоритми сифатида норавшан мантиқий хулосалаш моделларини кўриб ўтамиз.

2. К яқин қўшнилар алгоритми (kNN - k Nearest Neighbor)

Ушбу алгоритм янги объектни олдиндан маълум бўлган объектлар билан яқинлик даражасига кўра синфлаштиришга қаратилган алгоритмдир. Яъни, объектга яқин бўлган K-та қўшни объктлар қайси синфга тегишли бўлса, ушбу объект ҳам шу синфга тегишли деб баҳоланади. Алгоритмнинг асосий масаласи сифатида яқин қўшнилар сонини кўрсатувчи K-сонни аниқлашдан иборатдир. Чунки ушбу коэффициентнинг қиймати синфлаштириш сифатига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Олайлик, **m объектдан** иборат бўлган ўқув танланма жадвал кўринишида берилган. Ҳар бир объект қайсидир бир синфга тегишли. Янги объект қайси синфга тегишли эканлигини ушбу ўқув танланмадан фойдаланган ҳолда аниқлаш талаб этилади.

Алгоритмнинг дастлабки қадамида яқин қўшнилар сонини ифодаловчи K сони аниқланади. Агарда K=1 қийматни олса, алгоритм ўз моҳиятини йўқотади ва у жорий объектни ўзига энг яқин бўлган объект қайси синфга тегишли бўлса, ўша синфга киритади. Агар жуда катта қиймат белгиланган тақдирда ҳам алгоритм синфлаштириш масаласини нотўғри ечиши мумкин.

Иккинчи қадамда жорий объектга энг яқин бўлган k объект аниқланади (қўшнилар қидирилади). Масофани ҳисоблаш функцияси қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

$d(x,y) \geq 0$, $d(x,y) = 0$ шарт бажарилади, қачонки $x = y$ бўлганда;

$d(x,y) = d(y,x)$;

$d(x,z) \leq d(x,y) + d(y,z)$, шарт бажарилади, қачонки x,y,z нуқталар бир-бирининг устида ётмаса.

Бу ерда X, Y, Z – солиштирилаётган объектларнинг белгилари векторлари.

Ушбу алгоритмда белгилар қиймати ҳақиқий сонлардан ташкил топган бўлса объектлар яқинлиги Евклид метрикаси асосида аниқланади:

$$D_E = \sqrt{\sum_i^n (x_i - y_i)^2},$$

бунда **n** – белгилар сони.

Агар белгилар қиймати бинар кўринишда бўлса, Хеминг метрикасидан фойдаланилади ва объектлар орасидаги фарқ функцияси қуйидагича бўлади:

$$dd(x,y) = \begin{cases} 0, & x = y, \\ 1, & x \neq y. \end{cases}$$

Одатда, ушбу алгоритмни қўллаш жараёнида белгилар қийматлари устида нормаллаштириш жараёни амалга оширилади. Нормаллаштиришнинг кўплаб усуллари ва алгоритмларини кузатиш мумкин. Кенг қўлланилаётган нормаллаштириш алгоритми сифатида минимаксли нормаллаштириш формуласини келтириш мумкин:

$$X^* = \frac{X - \min(X)}{\max(X) - \min(X)}.$$

бунда $\min(X)$ ва $\max(X)$ X белгининг минимум ва максимум қийматлари ҳисобланади.

непредельные жирные кислоты – олеиновая кислота $CH_3\ (CH_2)_7CH = CH\ (CH_2)_7COOH$ распространена в жидких жирах растительного и животного происхождения; гадолеиновая кислота $CH_2(CH_2)_7CH = CH(CH_2)_9COOH$ и ее изомер эколеиновая кислота; клупанодоновая кислота с пятью двойными связями:

$$CH_3CH_2CH{=}CHCH_2CH_2CH{=}CHCH_2CH_2CH{=}$$
$$CHCH_2CH{=}CHCH_2CH_2CH = CHCH_2CH_2COOH.$$

Три последние непредельные жирные кислоты входят в состав жира рыб и морских животных, придавая ему специфический запах.

Наряду с высокомолекулярными в жирах могут присутствовать низкомолекулярные алифатические кислоты (масляная и др.).

Свойства жиров и жироподобных веществ зависят от строения их как эфиров и от природы входящих в их состав кислотных и спиртовых остатков.

К свойствам жиров, определяемых природой их как эфиров, относятся нерастворимость в воде и, наоборот, растворимость в органических растворителях, что связано с отсутствием у этих соединений активных полярных групп. Этим обстоятельством определяется выбор методов обезжиривания шкур.

Жиры способны гидролизоватся (омыляться) путем присоединения воды по месту разрыва эфирной связи:

$$R - \underset{\underset{O}{\|}}{C} - O - CH_2R` + H_2O \longrightarrow R - COOH + R`CH_2 - OH$$

Гидролиз ускоряется в присутствии щелочей, кислот, жирорасщепляющих (липолитических) ферментов. В результате щелочного гидролиза образуются спирт и соль жирной кислоты, называемая мылом.

Одним из существенных свойств жиров является степень их предельности. Предельные спирты и кислоты инертны; единственные реакционные группы их – карбоксил кислоты и гидроксил спирта – образуют в жирах эфирную связь. Присутствие двойных связей

повышает способность жиров к присоединению водорода, кислорода, галлоидов, кислот. Прогоркание жиров связано с присоединением кислорода. Этим же объясняется образование жировой гари на жирном сырье.

Окислительные процессы в жирах являются основной при замшевом дублении шкур. Присоединение водорода (гидрогенизация) используется при производстве твердых жиров из непредельных растительных масел.

Присоединение к непредельным жирам серной кислоты приводит к образованию сульфированных продуктов, обладающих отличными от жиров свойствами, например способностью образовывать водные растворы. Они используются в жировых эмульсиях, а также употребляется в качестве моющих средств.

Степень непредельности жиров оценивается по количеству присоединившегося йода в определенной навеске жира. Количество граммов йода, способного присоединяться к 100 г жира, называется йодным числом. Йодное число жиров наземных животных менее 100, жиров рыб и морских животных достигает 200.

Жиры и жироподобные вещества классифицируются следующим образом.

Собственно жиры – триглицериды жирных кислот: пальмитиновой, стеариновой, олеиновой и др.

$$\begin{array}{l} CH_2 - OOCR \\ | \\ CH - OOCR \\ | \\ CH_2 - OOCR \end{array}$$

Они образуют жиры наземных животных – баранье и свиное сало, жиры рыб и морских животных; содержатся в подкожных слоях и жировых клетках дермы шкур.

Воска – сложные эфиры жирных кислот и одноатомных жирных спиртов или холестерина. В природе они играют защитную роль (например, шерстный жир, пчелиный воск); в эпидермисе содержатся эфиры холестерина и масляной кислоты. Чистый шерстный жир овцы носит название ланолина; он содержит одноатомные высокомолекулярные спирты, холестерин и кислоты – ланопальмовую, ланоцериновую и др.

Фосфатиды – триглицериды, содержащие наряду с жирными кислотами фосфорную кислоту и сложное азотсодержащее соединение – холин. Они имеют важное физиологическое значение при обмене веществ в организме; содержатся в нервной ткани, крови, лимфе, а также сосочковом слое дермы.

Представителем фосфатидов может быть лецитин яичного желтка.

Цереброзиды - соединения жирных кислот с углеводом галатозой и двухатомными аминоспиртами.

Липопротеиды – соединения жиров с белками.

Жировые компоненты шкуры представляют собой балласт, который удаляется в процессах обработки.

Минеральные вещества парной шкуры состоят из поваренной соли, а также из хлористых, сернокислых и фосфорных солей кальция, магния, железа. Содержание минеральных веществ определяется путем сжигания по весу золы, количество которой составляет около 0,5%.

Волосяной покров некоторых животных, например тонкорунных овец, содержит значительное количество жиропота, в состав которого входят поташ и различные минеральные соли.

Список литературы

[1]. Химия и технология кожи и меха. Под ред. проф. И.П.Страхова, М., «Легкая промышленность и бытовое обслуживание», 1985.
[2]. Мендельсон Д.А. Химия облагораживания, отбеливания и крашения меха, М., «Легкая индустрия», 1965.
[3]. Кузнецов Б.А. Каракуль и смушка, М., «Заготиздат», 1956.
[4]. Стефанович И.П. Технология меха, М., «Легкая индустрия», 1967.

ФАВҚУЛОТДА ВАЗИЯТЛАР СОДИР БЎЛГАНДА ЎТА ХАВФЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА УЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

М.Р. Дадақўзиев, Ж.А. Ғуломов

Фарғона политехника институти
(Қабул қилинди 01.06.2017 й.)

Ушбу мақолада фавқулотда вазиятларда содир бўлган касалликларнинг тарқалишини ва уларни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: *эпидемиологик вазиятлар, шикастланиш учоги, офат, зилзила, сув тошқини, инфекция, кузатиш, карантин*

В данной статье указаны основные меры и способы предотвращения распространения болезней возникших при чрезвычайных ситуациях.

Ключевые слова: *эпидемиологические обстоятельства, очаг поражения, катастрофа, землетрясение, наводнение, инфекция, обсервация,*
карантин.

This article describes the main measures and ways to prevent the spread of diseases that occurred in emergency situations.

Keywords: *epidemiologic circumstances, the centre of the defeat name the limited*
catastrophe, earthquake, flood, infection, observation,quarantine

Ўзбекистон Республикасининг иқлимий ва жўғрофий хусусиятлари, шунингдек халқ хўжалиги тармоқлари инфраструктураси, айрим минтақаларда юқумли (айниқса ўта хавфли) касалликларнинг эпидемик ўчоқлари борлиги, сув ҳавзаларининг камайиб кетиши ва ифлосланиши мамлакатда жуда катта қисми қайта тикланмайдиган ўзига хос санитария талофотлари келтирадиган ҳалокатлар юзага келиши, ёки бошқа тур шикаст (зилзила сув тошқинлари, сел оқимлари кўчкилар ёки техноген хусусиятли офатлар) ўчоқлари мураккаблашиб кетишига сабаб бўлади.

Касалликларнинг инсонга таъсирини ўрганиш ва уни бартараф этишнинг бугунги кундаги актуал муаммолари.

Юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши хавфини кучайтирадиган омиллар:

1. ***Аҳоли зичлиги***. Аҳолининг зич яшаши оқибатида бир-бирига жуда яқин боғланиш мавжудлиги заррачалари ҳаводан ўтадиган инфектсиялар пайдо бўлиши ва тарқалиши хавфини оширади.
2. ***Аҳолининг кўчиб юриши***. Аҳолининг энг хавфсиз зонага ўтиши кўчириладиган аҳоли ўртасида ҳам, маҳаллий аҳоли ўртасида ҳам инфектсия тарқалишига олиб келиши мумкин.
3. ***Мавжуд коммуникатсия тармоқларининг ишдан чиқиши***. Офат вақтида кўпинча мавжуд коммуникатсия тизимлари шикастланиб қолади. Сув таъминоти, канализатсия, электр таъминоти тизимлари энг нозик тизимлар ҳисобланади.
4. ***Жамият соғлиқни сақлаш дастурлари бажарилишининг сустлиги.*** Офат содир бўлгандан кейин, одатда, ходимлар ва ижтимоий жамғармалар офат оқибатларини бартараф этишга киришадилар. Бироқ белгиланган режага мувофиқ жамиятни соғломлаштириш Давлат дастури узлуксиз қўллаб қуватлаб турилмас экан, етарли муҳофаза қилинмаган аҳоли ўртасида юқумли касалликларнинг тарқалиш даражаси тобора ортиб кетиши мумкин.

Инфекциялар тарқатадиган энг йирик манба – бу ичимлик сув, овқат маҳсулотлари, ҳўл мева забзавотдир. Инфектсия ташувчилар – пашша, чивин, бургалар касалликлар тарқалишида жуда катта рўл ўйнайди. Кемирувчилар (каламуш, сичқонлар) ҳам юқумли касалликларни тарқатиш манбаълари ҳисобланади. Офат юз бериши натижасида аҳолининг кўчирилиши қайси бир жойда одамлар ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши, сув, овқат етишмай қолиши ҳамда ҳаёт кечириш шароити ёмонлашиб кетишига олиб келиши мумкин. Илгарилар бундай вазиятлар оқибатида касалланиш ва ўлим даражаси ортиб, одамлар сиҳат – саломатлигига салбий таъсир кўрсатадиган тўртта асосий муаммо кўндаланг бўлар эди. Улар:

- юқумли (емланганлар сони анча кам бўладиган қизамиқ сингари) касалликлар тарқалиши;
- ўткир ичак инфекцияси (ичбуруғ, салмолеллёз, ич терлама, вабо) тарқалиши;
- ўткир респиратор касалликлар, грипп тарқалиши;
- маҳаллий хусусиятлар билан боғлиқ касалликлар тарқалиши;
- озиқ-овқат танқислиги, кам овқатлик.

Муайян макон ва замон чегараларида аҳоли юқумли касаллик қўзғатувчиларидан заҳарланиб, касаллик эпидемияга айланиб кетган ҳудуд фалокат жойидаги *эпидемия ўчоғи* ҳисобланади. Бу чегаралар эпидемия ўчоғининг учта элементи тавсифи билан белгиланади. Булар:

1. Юқумли касалликка чалинганлар ва уларнинг қўзғатувчиларни тарқатиш эҳтимоли борлиги.

2. Юқиш хавфи нуқтаи назаридан баҳо бериладиган соғ саломат аҳоли ва госпиталга ётқизиш эҳтимоли бор шикастланганлар.

3. Одамларга касал юқтириш эҳтимоли бор ташқи муҳит.

Епидемия ўчоғининг вақтинчалик чегараларини аниқлашда касал ташувчилар борлигини ҳисобга олиш керак.

Фавқулодда вазиятнинг кўлами ва касаллик тури қандайлигига қараб, кузатиш *(обсерватсия)* ёки *карантин* ана шундай чоралардан бўлиши мумкин.

Кузатиш вақтидаги тадбирлар чеклаш хусусиятли бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади: фавқулодда вазият юзага келган аҳоли пункитидан чиқиш, унга кириш, транзит тарзида ўтишини чеклаш, бундай жойдаги аҳолининг фалокат ўчоғидан ташқаридаги аҳоли билан учрашишини чеклаш.

Карантин режими булардан жиддийроқ: бундай режим юқиш хусусияти (контагиозлиги) жуда юқори бўлган ўта хавфли касалликлар (ўлат, табиий чечак, вабо) пайдо бўлганида белгиланади. Карантин режими ҳудуддан асосий чиқиш жойларини қуролли соқчилар қўйиб, айланаси бўйлаб қуршаб, фалокат ўчоғини батомом ажратиб (изолятсия қилиб) қўйиш кўзда тутилади.

Обсерватсия ёки карантин зонасида қолган аҳоли уларнинг олдига қўйилган ҳамма талабларни қатъият бажариши ҳамда ваҳимага тушмаслиги керак. Бу айниқса вақтинчалик келиб қолган кишиларга тегишлидир. Режим зонасидан шошилинч чиқиб кетиш зарур бўлиб қолганда улар инкубатсион даври мобайнида изоляторга қўйилиб, назорат остида бўлганларидан кейин зонадан ташқарига чиқишлари учун рухсат берилиши мумкин.

Қуйидаги бўлимлардан иборат санитар-епидемиологик разветка ҳалокат жойларидаги эпидемик шароитга баҳо беришнинг асосий усули ҳисобланади:

- эпидемиологик кўрсатгичларга биноан касалланиш динамикаси ва структурасини таҳлил қилиш;
- офат жойларида қолган, кўчириб олиб бориладиган жойлардаги аҳоли ўртасидаги эпидемик шароитга аниқлик киртиш;
- касалларни, шикастланган ва соғлом кишиларнинг соғ-саломатлигини сўраб суриштириш ва текшириб кўриш;
- ташқи муҳитни кўз ташлаб, шунингдек лабораторияда текшириш
- ишлаб чиқариш бинолари, сув таъминоти ва канализатсия тизимлари вайрон бўлиши натижасида офат ўчоғидаги санитария–гигиена ва эпидемиологик шароитнинг ёмонлашуви, атроф муҳит ифлосланишига олиб келаётган халқ хўжалиги объектларини аниқлаш ва текшириб чиқиш;
- тиббиёт ва ветеринария ходимларидан, маҳаллий аҳолидан сўраб билиш;
- аҳоли пунктлари ва сув таъминоти манбаълари, коммунал ва озиқ-овқат объектлари ва бошқаларни кўриб чиқиш;
- тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш ва ишлаш ҳамда айнан шу юқумли шаклдаги эпидемия тури ҳақидаги мавжуд материалларга мувофиқ сабаб-оқибатнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш.

Табиий офат ва ҳалокат зоналаридаги эпидемия ўчоқларининг тавсифи қандайлигига қараб, юқумли касалликлар ўчоғида аҳоли орасидаги талафотлар микроорганизмлар ҳаво-томчи йўли билан организмга бевосита тушиши, организмга сув ва овқат маҳсулотларидан юқишидан ҳам пайдо бўлади.

Талафотлар қанча бўлиши санитария гигиена чоралари, шунингдек эпидемияга қарши тадбирлар мажмуйи ўз вақтида ва қанчалик тўлиқ ўтказилишига боғлиқ. Оператив

ҳисоблашларда табиий офат ва ҳалокат жойларида аҳоли ўртасидаги талафотларни қуйидаги формуладан топилса бўлади:

Ст = К * И * Б * Х * Е , бунда:

Ст – санитария талафотлари (киши ҳисобида);

К – касал юққанлар сони (учрашганларни ҳам қўшиб);

И – контагиозлик индекси;

Б – хос бўлмаган муҳофаза коеффитсиенти;

Х – хос муҳофаза коеффитсиенти (иммунитетлик коеффитсиенти);

Е – шошилинч муҳофаза коеффитсиенти (антибиотиклар билан муҳофазаланганлик)

"К" миқдори эпидемия ўчоғи инфектсия шаклига боғлиқ тарзда аниқланади. Контагиоз инфектсияларда офат зонасидаги аҳоли умумий сонининг 50% га, кам контагиоз инфектсияларда эса 10-20 % га касаллик юқади, деб қабул қилинади.

Контагиозлик индекси "И" – бу қандайдир аниқ бир қўзғатувчи бирламчи юқтирганда касал бўлишга тайёр эканликни сон ҳисобида ифодаланишдир. Бу индкес одамнинг касал юққандан (касал билан учрашгандан) кейин касалланиши эҳтимол экани даражасини кўрсатади. Контагиозлик индекси муайян касалликлар учун қуйидагича белгиланган:

- иситма безгак, ботулизм, менингококк, инфектсияси, брутселлёз – 0,2;
- туляремия, ку-иситма, тепкили терлама 0,5;
- манқа, мелиоидоз, вабо – 0,6;
- геморрагик терлама – 0,7;
- америка энтсефаломиелити, қизамиқ, чечак – 0,95;
- ўпка ўлати – 1,0;

*Контагиозлик индекси*нинг 1,0 га тенглиги касал киши билан учрашган шахснинг юз фоиз касал бўлишини билдиради.

Хос бўлмаган муҳофаза коэффициенти "Б" санитария гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар вақтида ўтказилишига, ичимлик суви ва овқат маҳсулотлари касаллик қўзғатувчиларидан қанчалик муҳофазаланганлигига, ҳаво-томчи инфектсиялари вақтида аҳоли кичик-кичик гуруҳларга бўлиб сийраклатиб қўйилишига, ҳашоратлардан муҳофазаланиш шахсий воситалари бор йўқлигига ва ҳакозоларга боғлиқ бўлади. Бу коеффитсиент аҳолининг эпидемияга қарши санитария тайёргарлиги аъло даражада бўлса – 0,1 га, яхши даражада бўлса – 0,2 га, қониқарли даражада бўлса – 0,3 га, қониқарсиз даражада бўлса – 0,6 га тенг бўлиши мумкин. Агар аҳоли биологик хавфли объектнинг ҳалокат зонасида қолса, унда ҳар қандай ҳолда ҳам "Б" коеффитсиенти 0,9 – 1,0 га тенг бўлади.

Хос муҳофаза коэффициенти "Х"да юқумли касалликларнинг ўзига хос муҳофазаси учун ҳозирги вақтда тавсия этилаётган ҳар хил вактсиналарнинг самарадорлиги ҳисобга олинади. Агар аҳоли маълум бир инфектсияга қарши иммунизатсия қилинган бўлса, иммунитетлилик иситма – безгак, ботулизмда – 0,25 ни; Ку-безгак, туляримея, чечак, тепкили терлама, менингококк инфектсияси, ич терламада - 0,5 ни; брутселлёзда - 0,75 ни; манқа, мелиоидоз, америка энтсефаломиелитида - 0,9-1,0 ни ташкил этади.

Агар авж олган эпидемия тури ва аниқланмаган эпидемия ўчоғидаги аҳоли иммунизатсия қилинмаган бўлса иммунитетлилик коеффитсиентини озроқ тақрибий тарзда 0,5га тенг деб ҳисоблаш мумкин.

Шошилинч муҳофаза (антибиотиклар билан муҳофазаланганлик) коэффитциенти "Е" муайян касаллик қўзғатувчисидан аҳолининг ўзига хос антибиотиклар билан муҳофаза қилиш таъсир этмайдиган қисмига тенг бўлади. Бу коеффитсентнинг қиймати қуйидагича: ўлат, туляремия, Ку-безгак, менингококк инфектсияси, куйдирги вақтида 0,5, вабо вақтида - 0,85, табиий чечак, манқа, ботулизм вақтида - 1,0 ни ташкил этади.

Бундай ҳолда ҳалокат зонасининг эпидемия ўчоғидаги санитария талафотларини ҳисоблаш қўйидагича бўлиши мумкин. Айтайлик, зилзила жойида туляремия табиий ўчоғи пайдо бўлган.

Туляремия чалинган касаллар мавжуд бўлган юз минг аҳолиси бор шаҳарда аҳолининг 15%, яъни 15 минг киши туляремия касаллигини юқтирган. Тулярмия вақтида эпидимия ўчоғидан контагиозлик индекси 0,4 ни ташкил этади, аҳолининг санитария – эпидемик тайёргарлиги қониқарли бўлган, аҳоли худди шу инфекцияга қарши иммунизатсия қилинган, шошилинч профилактика ўтказилмаган. Бу шаҳардаги аҳолининг санитария талофати формулага мувофиқ ҳисобланганда қуйдагича бўлади:

$$Ст = 15000 \times 0,4 \times 0,3 \times 0,35 \times 1,0 = 630$$

Шундай қилиб, фавқулодда 100 минг аҳолиси бўлган шаҳардаги 630 киши туляремия касалига дучор бўлади. Қолган пунктларда ёки жойлардаги санитария талафотлари ҳам шунга ўхшаш ҳисоблаб топилади.

Албатта, юқоридаги муамоларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун тавсифли бўлган табиий офатларни, ишлаб чиқариш аварияларни ва юзага келадиган экологик вазиятларни чуқур тахлил қилиш натижасидагина (хар бир вазиятнинг келиб чиқиш сабабини, кучини, таъсир доирасини, одамларга, атроф-муҳитга кўрсатадиган оқибатларини оўрганиш) уларга қарши энг қулай чора-тадбирлар белгиланадики, натижада ҳар қандай фавқулодда вазиятлардаги ҳам моддий, ҳам маънавий йўқотишлар миқёсида шунчалик қисқартиришга эришиш мумкин.

Адабиётлар

[1] И.А. Каримов “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдеворидир.” Тошкент 1998.
[2] Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг “Фуқаро муҳофазаси” ижтомоий-оммавий ва илмий-амалий журнали, 2001.
[3] В.Н. Завялов “Тиббий санитария тайёргарлиги”
[4] И.И. Маматов “Ҳарбий токсикология ва тиббий муҳофаза” Тошкент 1997.

УДК: 632.911.2; 632.911.4.

МУМ КУЯСИ ҚУРТИНИ ОЗИҚЛАНТИРИШДА ЭЛЕКТРОКИМЁВИЙ ФАОЛЛАШГАН СУВДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ САМАРАДОРЛИГИ

Б. Хайитов, М. Абдуллаев, А. Пўлатов

Наманган муҳандислик – қурилиш институти

(Қабул қилинди 17.10.2017 й.)

Мақолада мум куяси қуртини электрокимёвий фаоллашган сув асосида озиқлантириш ва ундан габробракон кўпайтириш технологияси бўйича ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган тажрибалар натижалари ва янги усулнинг самарадорлиги келтирлган.

Таянч сўзлар: *мева қоқиси, асалари мерваси, биологик усул, габробракон, мум куяси қурти, электрокимёвий фаоллашган сув, электроактиватор, диафрагма, pH, электрод.*

В статье приведена разработка технологии выкормки восковой моли и выращивания на её основе габробракона, а также определена эффективность использования электрохимической активированной воды в процессе разведения восковой моли в биолабораториях.

Ключевые слова*: хлопководство, биологический метод, габробракон, гусеницы восковой моли, электрохимическая активированная вода, электроактиватор, диафрагма, pH, электрод.*

The article shows the development of the technology Rearing wax moth and growing on its basis gabrobrakona and efficiency of electrochemical activated water in the process of breeding wax moth in biological laboratories.

Keywords: *cotton, biological method, gabrobrakon, waxy mole, electrochemically activated water, elektroaktivator, diaphragm pH electrode*

Тирик организмларни ҳаёт фаолиятида электр жараёнлар белгиловчи рол ўйнайди, шунинг учун улардаги биологик жараёнларни ташқи электромагнит майдонлар ёрдамида ростлашни мақсадга мувофиқлиги ва истиқболга эгалиги шубха туғдирмайди.

Тирик организмлардан кўпининг таркибида сув кўп, шунинг учун уларга сув билан таъсир этиш мантиққа тўғридир. Бунга қўшимча топилганки, турли физик факторлар таъсирида сув қатор физик-кимё хусусиятларини ўзгартиради, шунинг ичида биологик фаоллик хусусиятига эга бўлади [1, 2, 3].

Сувни электрокимёвий усулда фаоллаштирилганда унинг таркбидаги ионлар орасидаги ўзоро энергетик таъсирлар, ионларнинг концентрацияси эса уларнинг фаоллик коэффициенти қийматларига мутаносиб равишда ўзгаради.

Тадқиқотлар сувни электрокимёвий фаоллаштириш натижасида унинг қаттиқлиги, таркибидаги юқори заҳарли моддалар ва оғир металлар миқдори камайишини исботламоқда. [4,5].

Юқорида келтирилган маълумотлар туфайли сувни электр билан фаоллаштириш жараёнларини саноатда ва қишлоқ хўжалигида экологик тоза электр технологияларда қўллаш учун ишлаб чиқиш ва ўрганишга қаратилган илмий изланишлар, шубҳасиз долзарб бўлиб, муҳим хўжалик аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи-назардан биз 2016-2017 йиллар давомида биофабрика шароитида электрокимёвий фаоллаштирилган сув асосида мум куяси қуртини озиқлантириш ва ундан габроброкон кўпайтириш технологиясини такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотларни олиб бормоқдамиз. Тадқиқотлар Наманган муҳандислик-қурилиш институти Касб таълими (Кимёвий технология) кафедраси қошидаги илмий текшириш синов лабораторияси, Наманган “Сувоқава” ДК марказий лабораторияси ҳамда Наманган “БИОСЕРВИС” МЧЖларида ўтказилган.

Тажрибалар 4 та вариантдан иборат бўлиб, 2016 йилда ўтказилган дастлабки тажрибаларнинг давомини 2017 йилни январь-июнь ойларида 5 вариант такрорийлигида ўтказилди. 1-вариантда (назорат) намлаш ишларида оддий водопровод сувидан, 2-вариантда мухити pH=-9 га тенг бўлган электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод сувидан, 3-вариантда pH=-10 га тенг бўлган электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод сувидан ва 4-вариантда pH=-11 га тенг бўлган электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод сувидан фойдаланилди.

Тадқиқот учун ишлатилган сувни электрокимёвий фаоллаштириш Россия федерациясида ишлаб чиқарилган МЕЛЕСТА (ТУ 5156-002-32064511-07, сертификат № РОСС RU.АЯ36.В29156) қурилмасида амалга оширилди (6).

Мум куяси қуртини кўпайтиришда Тошкент давлат аграр унверситетининг “Биомарказ” лабораторияси олимлари томонидан ишлаб чиқилган технология асосида озиқаларни таркибий нисбатларидан фойдаланилди. Уларни мукдорий жихатлари ва тайёрлаш технологиялари 1 жадвалда келтирилди:

Тажрибалар 2017 йилнинг январь ва март ойларида Наманган “БИОСЕРВИС” МЧЖ қошида институт билан хамкорликда илмий ишлаб чиқариш лабораторияси ташкил этиш билан бошланган эди. Дастлаб шишали банка-идишлар (назорат вариантидан ташқари) электрокимёвий фаоллаштирилган сувнинг анолит (кислотали муҳитга эга бўлган сув, pH=3,5-4,0) қисми билан стерилланди. 03.03.2017 йил кунидан 1-вариантда 5 та уч литрли банкага 150 донадан, етилган, охирги ёшдаги мум куяси қурти териб солиниб, 150 г дан озуқа (олма қоқи) қуруқ ҳолда озиқлантириш учун қўшилди, 2-вариантда 5 та уч литрли банкага эса ўша 150 донадан етилган, охирги ёшдаги мум куяси қурти териб солинган ва 150г дан озуқа (олма қоқи) электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод суви (ишқорий

муҳитга эга бўлган pH=9) билан намланган ҳолда озиқлантириш учун солинган, 3-вариантда 5 та уч литрли банкага 150 донадан етилган, охирги ёшдаги мум куяси қурти териб солинган ва 150 г дан озуқа (олма қоқи) электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод суви (ишқорий муҳитга эга бўлган pH=10) билан намланган ҳолда озиқлантириш учун солинган ва 4-вариантда эса 5 та уч литрли банкага 150 донадан етилган, охирги ёшдаги мум куяси қурти териб солинган ва 150 г дан озуқа (олма қоқи) электрокимёвий фаоллаштирилган сув (ишқорий муҳитга эга бўлган pH=11) билан намланган ҳолда озиқлантириш учун солинган. 10.03.2017 йил куни 3 вариантдаги банкаларда капалакларнинг

бирламчи учиб чиқиши кузатилди, 12.03.2017 йил кунидан 4 вариантда ҳам капалакларнинг бирламчи учишлари кузатилди.

1-жадвал

Асалари мум куясини кўпайтириш ва унга ишлатиладиган озуқалар

Тухумдан қурт олиш Бунинг учун №1 овқатдан 3 литрлик банкаларга 1 кг солиниб устига 1гр мум куяси тухуми солинади. Банкалар 15-17 кун 33-35°С да сақланади. Ҳар бир банкада 13000-14000 қурт пайдо бўлади.	**№1 озиқ тайёрлаш:** 20 кг буғдой уни (ёки 10 кг буғдой уни+10 кг маккажўхори уни): 4 кг шакар, 1 кг мерва, 2,5 кг маргарин, 4 кг мева қоки (олма, унаби, шафтоли), 4,5 л сут (ачиган сут). Жами 36 кг. Компонентлар яхшилаб аралаштирилиб 1 кун қўйилади. Эртасига 120 °С ҳароратда 45 минут пиширилади. Сўнгра совутилиб 3,0 л банкаларга солинади
Қуртлардан капалак ва тухум олиш Бунинг учун тайёр банкадаги қуртлар озуқаси билан ҳар бир банка 10 га бўлинади. Унга №2 овқатдан 100-150 граммдан солинади. Сўнгра ҳар 3-5 кунда ҳар бир банкага 50 граммдан озуқа солиб борилади. Бу иш капалак учиб чиққунича давом эттирилади. Сўнгра банкаларга дощечкалар солинади (ҳар бир банкага 4 та). Дощечкаларни тухумдан ҳар куни тозалаб яна қайта банкаларга солинади.	**№2 озиқ тайёрлаш:** 31 кг буғдой уни, ёки 15,5 кг дан буғдой ва маккажўхори уни), 6 кг шакар, 7 л сут (ачиган), 4 кг маргарин, 6 кг мева қоки (олма, унаби, шафтоли). Жами 54 кг. Шу масаллиқлар яхшилаб аралаштирилиб 1 кун қўйилади. Эртасига 120°С ҳароратда 45 минут пиширилиб, совутилади.
Қуртларни садокларда (ёки ванналарда) боқиш Бунинг учун банкаларни садокларга (1 та садокка 3 та банка) ағдарилади ва уни устига юпқарок қилиб №3 озуқадан 10-15 кун давомида ҳар куни 1,5 кг дан солиниб озиқлантирилади. Унинг усти қалин мато билан (қатлам қилиб) ёпиб қўйилади. Ҳарорат +35°С бўлиши лозим. Ҳар куни катта ёшдаги қуртлар териб олиниб габробракон зарарлаш учун, ёки тухум олиш учун ишлатилади.	**№3 озиқ тайёрлаш:** 51,3 кг буғдой ёки маккажўхори уни, 11,4 кг олма қоки, 154 л сув (буғдойни қайнатиш учун), 3,6 кг маргарин, 7,7 кг шакар. Жами 228 кг. Дастлаб буғдой ва олма қоки 60 л сувда пишгунича 5-6 соат қайнатилади, сўнгра унга маргарин ва шакар солиниб димлаб қўйилади. Озуқа совутилиб садокларда қуртларни боқишда ишлатилади.

1 ва 2 вариантларда капалакларнинг бирламчи учиши 13.03.2017 йил кунидан кузатилди. 13.03.2017 йил куни 1 вариантдаги (амалдаги усул) банкаларга 100 грамдан №2 озиқадан (буғдой уни, шакар, ачитилган сут, маргарин, олма қоки – тегишли тартиб билан 7,75:1,5:1,75:1,0:1,5 нисбатда) солинди. Қолган 2, 3 ва 4 тажриба вариантларидаги барча банкаларга 100 грамдан юқоридаги нисбатда тайёрланган озиқадан электрокимёвий фаоллаштирилган сув билан намланган ҳолда (ҳар бир банкага солинган озиқа ҳисобига 15-20 мл дан) солинди. Тажрибалар вақтида лаборатория хонасидаги ҳарорат 32-35^{0}С ни, намлиги эса 80-85% ни ташкил этган. Тажриба давомида олинган банкаларга ҳар 3-5 кунда50 грамдан № 2 озиқадан солиб борилди. Бунда 17.04.2017 йилдаги ҳисоблашларда 1 вариантдаги мум куяси қурти личинкаларининг 1 шартли банка ҳисобидаги ўртача сони тоғораларга тўкишдан аввал- 6200 донани, қолган вариантларда тегишли тартибда 7100, 7600 ва 7300 донани ташкил этди (2-жадвал).

18.04.2017 йил куни барча вариантлардаги банкалар катта тоғораларга олинди. Бунда ҳар бир вариантдаги 5 та банка битта тоғорага солинди ва барча варианлардаги тоғараларга №3 озиқа (буғдой уни, олма қоки, маргарин, шакар ва сув асосида тайёрланган озиқа - тегишли тартиб билан 14.25:3,15:1,0:2,15 нисбатда ҳамда буғдой уни ва олма қокини қайнатиш учун сарфланган сув миқдори – 154 л) аралашмасидан 3 см қалинликда солинди ва намланган қора мато билан беркитилди. 24.04.2016 йил кунидан то 20.05.2016 йил кунигача доимий катта ёшдаги қуртлар териб турилди. Тажрибалар давомида ҳар куни тоғараларнинг ҳар бирига 2-2,5 кг дан №3 озиқадан солиб турилди. Бунда 1 вариантдан ташқари қолган

тажриба вариантларда озиқа электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод суви билан намланган ҳолда (1 кг озиқа ҳисобига 100-150 мл дан) солиб борилди. Тажрибалар вақтида лаборатория хонасидаги харорат ўртача 33-36^{0}С ни, намлиги эса 80-85% ни ташкил этди.

2- жадвал

Электрокимёвий фаоллашган сув асосида мум куяси қуртини кўпайтириш натижалари (1 шартли банка ҳисобига)

Т/р	Тажриба вариантлари	Сувнинг pH қиймати	Қуртларни озиқлан-тиришдаги сарфи, мл	Боқиш учун олинган қуртлар сони, дона	Ривожланган личинкалар сони, дона
1.	Назорат варианти (амалдаги усул)	7	100	150	4200
2.	Электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод суви (pH=9)	9	100	150	4600
3.	Электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод суви (pH=10)	10	100	150	4800
4.	Электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод суви (pH=11)	11	100	150	4500

16.05.2017 йил кунидан тоғаралардан терилаётган қурлар сони озиқа қалинлиги ортиши мунасабати билан кескин камайди. Озиқа тагидан қуртларни ғумбакка айланишини камайтири ва териб олинадиган қуртлар сонини ошириш мақсадида ҳар бир тоғара ҳисобига 250-300 грамдан асалари мерваси сепилди ва 20.05.2017 йил кунигача қуртлар терилди. Натижалар назорат яъни 1-вариантда терилган қуртларнинг умумий сони 13600 донани, 2-вариантда эса 14500 донани, 3- вариантда эса 15200 донани 4-вариантда эса 14300 донани ташкил этди.

3-жадвал

Банкаларда етиштирилган мум куяси қурти личинкаларидан етилган қуртларни қайта кўпайтириш натижалари

Т/р	Тажриба вариантлари	pH қиймати	Қуртларни озиқлан-тиришдаги ўртача сарфи, мл	Тоғорачага тўкилган банкалар сони, дона	Жами териб олинган етилган қуртлар сони, дона
1.	Назорат варианти (амалдаги усул)	7	5000	5	13600
2.	Электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод суви (pH=9)	9	5000	5	14500
3.	Электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод суви (pH=10)	10	5000	5	15200
4.	Электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод суви (pH=11)	11	5000	5	14300

Натижалар шуни кўрсатдики, назорат яъни 1-вариантда терилган қуртларнинг умумий сони 13200 донани, 2-вариантда эса 14500 донани, 3- вариантда эса 15200 донани 4-

вариантда эса 14300 донани ташкил этди. Бундан шундай хулоса қилиш керакки электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод суви (pH=10) ишлатилган 3 вариант бошқа вариантларга нисбатан энг самарали натижа беришини исботлайди (3-жадвал).

Тадқиқотлар давомида олинган катта ёшдаги етилган мум куяси қуртларининг айрим сифат кўрсаткичлари ҳам аниқланди. Бунда 1-вариант (назорат) асосида етиштирилган катта ёшдаги қуртларнинг ўртача узунлиги 2,1 см, оғирлиги 2,2 г, учиб чиққан капалакларнинг урғочи ва эркак ўртача нисбати 45:55, 1 дона қуртдан кўпайтирилган габробраконларнинг ўртача сони 4,8 донани, 2-вариантда етиштирилган катта ёшдаги қуртларнинг ўртача узунлиги 2,4 см, оғирлиги 2,4 г, учиб чиққан капалакларнинг урғочи ва эркак ўртача нисбати 48:52, 1 дона қуртдан кўпайтирилган габробраконларнинг ўртача сони 5,1 донани, 3-вариантда етиштирилган катта ёшдаги қуртларнинг ўртача узунлиги 2,6 см, оғирлиги 2,5 г, учиб чиққан капалакларнинг урғочи ва эркак ўртача нисбати 51:49, 1 дона қуртдан кўпайтирилган габробраконларнинг ўртача сони 5,2 донани, 4-вариантда эса етиштирилган катта ёшдаги қуртларнинг ўртача узунлиги 2,2 см, оғирлиги 2,2 г, учиб чиққан капалакларнинг урғочи ва эркак ўртача нисбати 48:52, 1 дона қуртдан кўпайтирилган габробраконларнинг ўртача сони 4,9 донани ташкил этди (4-жадвал).

4-жадвал

Тажрибада етиштирилган мум куяси қуртларининг айрим сифат кўрсаткичлари
(100 дона қурт хисобига ўртача олинган натижалар)

Т/р	Тажриба вариантлари	Узунлиги, см	Оғирлиги, гр	Капалакларнинг урғочи ва эркак нисбати, %	1 дона қуртдан кўпайтирилган габробраконларнинг ўртача сони
1.	Назорат варианти (амалдаги усул)	2,1	2,2	45:55	4,8
2.	Электрокимёвий фаоллашти-рилган водопровод суви (pH=9)	2,4	2,4	48:52	5,1
3.	Электрокимёвий фаоллашти-рилган водопровод суви (pH=10)	2,6	2,5	51:49	5,2
4.	Электрокимёвий фаоллашти-рилган водопровод суви (pH=11)	2,2	2,2	48:52	4,9

Агарда натижаларни Наманган “БИОСЕРВИС” МЧЖ корхонаси мисолида 2017 йилдаги нархлар асосида иқтисодий жиҳатдан таҳлил этганимизда, хар бир дона мум куяси қурти ҳисобига кўпайтириладиган габробраконлар сони 1 вариантда 13600x4,8=65280 донани ташкил этиб, унинг қиймати 391680 сўмни, 2 вариантда 14500x5,1=73950 донани ташкил этиб, унинг қиймати 443700 сўмни, 3 вариантда 15200x5,2=79040 донани ташкил этиб, унинг қиймати 474240 сўмни, 4 вариантда эса 14300x4,9=70070 донани ташкил этиб, унинг қиймати 420420 сўмни ташкил этади. Натижалардан кўриниб турибдики, электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод суви (pH=10) ишлатилган 3 вариант бошқа вариантларга нисбатан самарали эканлиги кўринади. Бунда 3 вариант асосида кўпайтирилган габробракон қиймати 5 шартли банка хисобига 474240 сўмни ташкил этиб, нзорат вариантига нисбтан 82560 сўм ортиқ натижадорликка эга. Агарда биофабрикада ишлаб чиқариладиган бир мавсумдаги габробракон сонига ҳисобласак, ишлаб чиқариш самарадорлиги 21% га ошганлиги кўринади.

5-жадвал

Электрокимёвий фаоллаштирилган сув асосида габробракон кўпатириш технологиясининг иқтисодий самарадорлиги

т/р	Тажриба вариантлари	Жами териб олинган қуртлар сони, дона	Қуртлардан кўпайтирилган габробраконларнинг умумий сони	1 дона габробракон нархи, сўм	Жами сумма	Фарқ, сўм +/–
1.	Назорат варианти (амалдаги усул)	13600	65280	6	391680	-
2.	Электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод суви (pH=9)	14500	73950	6	443700	+52020
3.	Электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод суви (pH=10)	15200	79040	6	474240	+82560
4.	Электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод суви (pH=11)	14300	70070	6	420420	+28740

Ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. pH=10 га тенг бўлган электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод сувидан озиқлантиришда фойдаланиш энг мақбул вариант бўлиб, бунда етиштирилган мум куяси қуртлари сони қолган вариантларга нисбатан кўплиги билан самаралидир.
2. Тадқиқотлар катта ёшдаги етилган мум куяси қуртларининг сифат кўрсаткичлари (қуртларнинг ўртача узунлиги 2,6 см, оғирлиги 2,5 г, учиб чиққан капалакларнинг урғочи ва эркак ўртача нисбати 51:49, 1 дона қуртдан кўпайтирилган габробраконларнинг ўртача сони 5,2 донани ташкил этган) pH=10 га тенг бўлган электрокимёвий фаоллаштирилган водопровод сувдан фойдаланилган вариантда яхшилангани кузатилади.
3. Янги технолгия асосида мум куяси қуртини озиқлантириш биофабрика шароитида ишлаб чиқариш самарадорлиги 20% гача ошганлигини исботлайди.

Адабиётлар

[1] Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 мартида “Ўсимликларни ҳимоя қилиш хизмати тузилмасини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғриси”да 148-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 13-сон, 150-модда Тошкент ш.,2004 йил 29 март, 148-сон

[2] Баль-Прилипко Л.В., Леонова Б.И., Науменко Л.В. Применение активированной воды как основной составляющей рассолов для мясных изделий. Сетевой журнал «Научный результат». Серия «Технологии бизнеса и сервиса». – Т.2, №1(7), 2016.

[3] Абезин В.Г., Беспалова О.Н., Сальников А.Л., Сальникова Н.А.Установка для повышения биологической активности воды: пат. на полезную модель: МПК C 02 F 1/46//заявитель и патентообладатель ФГБОУ ВПО «Астраханский государственный университет» (АГУ). – № 2012111561; заявл. 26.03.2012.

[4] Бахир В. М. Электрохимическая активация водных растворов и ее технологическое применение в пищевой промышленности: Обзорная информация [Текст] / В. М. Бахир, Н. Г. Цикоридзе, Л. Е. Спектор. Тбилиси: ГрузНИИНТИ, 1988. 80 С.

[5] Бахир, В. М. Электрохимическая активация [Текст]. Ч.1 / В. М. Бахир. М.: ВНИИИМТ, 1992. С. 189-195.

[6] Прилуцький, В. И. Электрохимически активированная вода: аномальные свойства, механизм биологического действия [Текст] / В. И. Прилуцкий, В.М.Бахир. М. : ВНИИМТ, 1997. 244 С.

[7] Абдуллаев М.Т, Хайитов Б.А, Турсунов М.М. Электрокимёвий фаоллаштирилган сув асосида мум куяси қуртини озиқлантиришнинг меъёрий шароитларини ўрганиш.// «XXI аср-интеллектуал авлод асри» шиори остида ўтказилган ҳудудий илмий-амалий конференция. Наманган 2016.

УДК 371174: 687215

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДАГИ BIQ СИФАТ ТИЗИМИНИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ТАДБИҚ ҚИЛИШ

И.Н. Сайдалиев

Андижон машинасозлик институти

(Қабул қилинди 16.05.2017 й.)

Ушбу мақолада замонавий ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот сифатини бошқариш бўйича BIQ (Built In Quality) сифат тизимини илмий таҳлил қилинган натижалари келтирилган. Бу тизимни олий таълим тизимида сифатли кадрларни тайёрлашда ўқув жараёнига тадбиқ қилиш кўзда тутилган. Бунда асосий эътибор Олийгоҳларда рақобатбардош кадрларни тайёрлаш, кадрлар сифатини оширишга қаратилган.

Таянч сўзлар: *модернизация, диверсификация, инновация, интеграция, глобал, сифат, кадр, махсулот, цех, факультет, кафедра, таъминлаш.*

В статье на основе научного анализа управления качество продукций по системе BIQ в современных производственных предприятиях подготовлены и предложены по внедрении данной системы в учебном процесс для подготовки конкурентоспособных кадров в ВУЗах Республики Узбекистан.

Ключевые слова: *модернизация, диверсификация, инновация, интеграция, глобал, качество, кадр, товар, цех, факультет, кафедра, питания.*

In the article, based on the scientific analysis of management, the quality of products in the BIQ system in modern manufacturing enterprises has been prepared to introduce this system into the educational process for the preparation of competitive personnel in higher education institutions of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: *modernization, diversification, innovation, integration, global, quality, frame, goods, shop, faculty, department, nutrition.*

Кириш. Республикамизда мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда Президентимиз бошчилигида барча соҳада беқиёс ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Айниқса, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, ёшларни баркамол инсон этиб тарбиялашга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Дарҳақиқат, таълим инсон фаолиятининг барча соҳаларига янги технологияларни татбиқ этиш, рақобатбардошлик ва турмуш фаровонлиги даражасини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Долзарблик. Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиб бораётган Ўзбекистон учун меҳнат бозорининг ўзгарувчан талабларига тез мослаша олувчи таълим тизими фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириб бориш долзарб масала ҳисобланади. Мазкур вазифаларнинг ижроси таълим тизими учун замон талаби даражасидаги юқори малакали бошқарувчи кадрларни тайёрлашни тақозо этмоқда. Таъкидлаш жоизки, моҳияти жиҳатидан мутлақо янги бўлган кадрлар тайёрлашнинг миллий модели “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан иборат меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ва жорий этишга асос бўлди. Бундай ҳужжатлар ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий жиҳатдан бой шахсни шакллантириш ҳамда юқори малакали, рақобатбардош кадрларни тайёрлашда белгиланган стратегик мақсадларга эришиш учун назарий ва амалий асос бўлди ва замин яратди.

Республикамизнинг биринчи президенти И.А.Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида таъкидлаганидек, “...ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш – Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлидир”. Мазкур вазифаларнинг ижроси олий таълим тизимида ҳам маълум бир ўзгаришлар амалга оширилишини тақозо қилади. Мамлакат иқтисодиётининг узвий қисми бўлган олий таълим тизимини модернизациялаш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни таълим тизимига ҳам жорий этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Олий таълим тараққиётининг ҳозирги ҳолати интеграциялашган глобал иқтисодий маконнинг узвий бир қисми бўлган республикамиз олдида таълим тизими фаолиятини ҳам жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш, халқаро таълим тизимига интеграциялаштириш, кадрлар тайёрлаш тизимини замонавий халқаро меҳнат бозори талаби даражасида ташкил этишни талаб этилмоқда. Бу ҳолат республика олий таълим муассасаларини халқаро сифат менежменти талабларидан келиб чиққан ҳолда сертификатлаштиришни тақозо этмоқда. Хориждаги етакчи олий таълим муассасаларида сифатни бошқариш тизими ISO ва бошқа шу каби халқаро сертификатлаштириш тизимлари талаблари даражасида ташкил этилган, халқаро сифат сертификатини олиш ОТМнинг халқаро миқёсда тан олинишининг ва фаолият юритишининг зарурий шарти ҳисобланади.



BIQ – сифат тизими ишлаб чиқаришда. 1-расм.

Олий таълим соҳасида сифат кўп қиррали концепция ҳисобланади. У таълим соҳасидаги барча функция ва фаолият турлари - ўқув ва академик дастурлар, илмий тадқиқот ва стипендиялар, мутахассис ходимлар билан тўлиқ таъминланганлик, таълим олувчилар, бинолар, моддий-техника базаси ва жиҳозларни, жамият ва академик муҳим фаровонлиги йўлидаги барча ишларни қамраб олиши керак.

Таълим ва кадрларни касбий тайёрлаш таълим сифатининг асосий якуний сифатидир, бу қуйидагиларни ўз ичига олади:

- инсонлар: профессор-ўқитувчилар таркиби, таълим олувчилар, ўқув-ёрдамчи фаолият ходимлари, маъмурий ходимлар ва б.;
- технологиялар: педагогик, тарбиявий, информациявий, бошқарув, назорат қилувчи ва б.;
- моддий-техникавий таъминот: бинолар, жиҳозлар, лаборатория ва амалиёт базаси ва б.;
- меъёрий-ҳуқуқий ва ўқув-методик таъминот;
- рағбатлантиришлар ва асослар;
- ташқи таъсирлар: бозор иқтисодиёти талаблари, корхоналар, жамият ва давлат.

Таълим тизимининг юқорида келтирилган таркибий унсурлари устунлик қилувчи омиллар мажмуини белгилайди, булар таълим ва ходимларни касбий тайёрлаш сифатига таъсир этади.

Замонавий ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам махсулот сифатига катта эътибор берилади. Сифатни бошқариш, сифатли махсулотни ишлаб чиқариш мақсадида BIQ (Built In Quality) сифат тизими жорий қилинган (1-расм). Бу тизимда режали, этапма-этап махсулот сифатини ошириш асосий мақсад қилиб олинган. BIQ тизимини қўллашда BIQ I дан бошланади. BIQ I тизимни дастлабки холати бўлиб, бунда ишлаб чиқарилаётган махсулот корхонадан сифатли чиқиши инобатга олинади. Сифатсиз махсулотлар эса чиқарилмайди. Бунда ишлаб чиқарилаётган махсулотларда яроқсиз (брак) махсулотлар кўпайиб, тўпланиб қолади. Асосий эътибор корхонадан фақат сифатли махсулот чиқаришга қаратилади. 2 - этап BIQ II хисобланиб, бунда хар бир цех ўзида тайёрлаган махсулот сифатига жавоб беради. Бир цехдан иккинчи цехга яроқсиз махсулотлар ўтказилмайди. Яроқсиз махсулотлар цехни ўзида бартараф қилинади. Цехдан – цехга яроқсиз махсулотлар ўтмаганлиги сабабли BIQ II да BIQ I га қараганда яроқсиз махсулотлар камаяди. 3 – этап BIQ III дир. Цехда бир нечта участкалар мавжуд бўлиб, хар бир участка алоҳида-алоҳида вазифаларни бажаради. Цехдан чиқаётган махсулот сифатли тайёр бўлиши учун участкалар бир – бирига ўтказаётган махсулоти сифатига алоҳида ахамият беришади. Ҳар бир участкадан бир-бирига яроқсиз махсулот ўтказилмаса, умумий ҳолда цехдан яроқсиз махсулот чиқмайди. BIQ IV 4 - этап хисобланиб, бунда участкаларда жойлашган секторларгача эътибор қаратилади.

махсулот ўтказилмаса, умумий ҳолда цехдан яроқсиз махсулот чиқмайди. BIQ IV 4 - этап хисобланиб, бунда участкаларда жойлашган секторларгача эътибор қаратилади. Участкаларда яроқсиз махсулот бўлмаслиги учун ҳар бир секторларда ишлаётган ходим ўзининг бажараётган ишини яхши билиши, малакаси юқори бўлиши, яроқсиз махсулот чиқармаслигиги талаб қилинади. Ҳар бир секторда юзага келган муаммо ўша секторнинг ўзида бартараф этилади. Майда, унча эътибор талаб қилинмайдиган камчиликлар ҳам ўрганилиб, бартараф этиш талаб қилинади. 5 – этап BIQ V бўлиб, бунда цехларга махсулот тайёрлаш учун кираётган деталлар ҳам мувофиқлиги текширилади. Умуман яроқсиз махсулотларсиз ишлаб чиқариш жараёни ташкил қилинади.



BIQ – сифат тизими таълим соҳасида. 2-расм.

Мақсад ва вазифалар. Юқорида келтирилган BIQ сифат тизими жуда ҳам мукаммал ишлаб чиқилган сифат тизимлар қаторига кириб, ишлаб чиқариш жараёнида тўла риоя қилинса, яроқсиз (браксиз) махсулотлар чиқарилиши таъминланади. Ушбу тизимни Олий таълим тизимида кадрлар сифатини оширишда, олийгоҳлардан “яроқсиз” кадрларни чиқаришда қўлланилса самарага эришиш мумкин деб ўйлайман (2-расм).

Олийгоҳларда рақобатбардош кадрларни тайёрлаш, кадрлар сифатини оширишга эътибор қаратамиз BIQ I бўйича. Бунда умумий ҳолда олийгоҳдан малакали кадрлар тайёрлаш асосий вазифа этиб белгиланади. BIQ II этапда факультет кесимида талабаларни сифатли таълим олишига, сифатсиз кадрларни факультетдан чиқармасликка этибор қаратилади. Бунинг учун бир қанча вазафалар қўйилади.

1. Талабаларни ички тартиб интизомга риоя қилишини, дарсларга мунтазам қатнашишини доимий назорат қилиш.
2. Моддий-техникавий таъминот: бинолар, жиҳозлар, лаборатория ва амалиёт базаси ва бошқа жихозларни таъминлаш.
3. Мухандислик йўналишларида 3D форматда чизмаларни чизишда, диплом лойихаларини бажаришда керак бўладиган компьютер техникаси жамланмаси ҳамда керакли дастурлар билан доимимй таъминлаш.
4. Талабалар турар жойларида моддий – техник таъминотини, талабалар дарс қилиши ҳамда бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун зарурий шароитларни яратиб бериш.

Факультетда ҳамда талабалар турар жойларида талабаларни фанлардан дарсликлар балан таъминланганлигини, ахборот ресурслар марказида етарли шароитлар мавжудлини доимий назорат қилади в.б.

BIQ III бўйича кафедралар кесимида кўрилади. Кафедрадаги ўтилаётган фанлардан талабаларни сифатли таълим олишига, фанлардан ўзлаштирмаган билимсиз талабаларга кўпроқ этибор қаратилади. Бунинг учун бир қанча вазифалар қўйилади.

1. Ўтиладиган фанларни ДТС ва ўқув режага мослигини кўриб чиқиш.
2. Йўналишга мос корхоналар билан уларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда ўтиладиган фанларни ҳамда мавзуларни кўриб чиқиш.
3. Шаклланган мавзу ва фанларни ўқув дастурларида шакллантириш.
4. Профессор-ўқитувчиларни малакасини доимий ошириб туришини назорат қилиш.
5. Фанлардан адабиётлар билан таъминланганлигини назорат қилиш.
6. Фанлардан ўзлаштира олмаган талабаларни кейинги семестрга қўймаслик в.б.

BIQ IV бўйича курсдан - курсга билимсиз талабаларни ўтказмаслик. Бунда асосий эътибор талабалар давомати ҳамда факультет бўйича фанлардан ўзлаштириш даражасига қаратилади. Курсдан курсга билимли, ўтилган фанлардан ўзлаштирган талабалар ўтади. Тўрт босқичда асосий истеъмолчи сифатида ишлаб чиқариш корхоналари талабларига жавоб

берадиган сифатли кадрлар етишиб чиқади.

BIQ V да эса умуман сифатсиз кадрлар чиқмайди. Бунда олийгоҳга кирмоқчи бўлган абитуриентлардан фақат билимлиларигина танлаб олинади. Танлаш жараёни тўғри ўтишига катта эътибор қаратилади.

Хулоса. Ўйламанки, танловдан ўтган билимли абитуриентга замонавий техник таъминотларга эга, юқори салоҳиятли профессор-ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқариш корхоналари талабидан келиб чиққан ҳолда билим берилганда "яроқсиз" кадрни ўзи бўлмайди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. **Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов.** – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
2. ИшмухамедовР., МирсолиеваМ.. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари.- Т: Фан ва технология, 2014. – 60 б.
3. Сундарон Э.М. Система менеджмента качества: Учебное пособие. Часть 1. - Улан-Удэ: Изд-во ВСГТУ, 2007. - 180 с.

УДК 330.837

К ПРОБЛЕМЕ КЛАССИФИКАЦИИ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫХ УСЛОВИЙ, ОПРЕДЕЛЯЮЩИХ СТРУКТУРУ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ

А.М. Абдуллаев, К.И. Курпаяниди

Ферганский политехнический институт, w7777@mail.ru

(Получена 14.08.2017 г.)

Мақолада Ўзбекистондаги тадбиркорлик тузилишиниг ташкилий-ҳуқуқий шароитларини классификациялашнинг айрим умумий муаммолари кўриб чиқилган. Тадқиқотлар асосида тадбиркорлик фаолиятига таъсир этувчи омиллар ўрганилган.

Таянч сўзлар: *кичик бизнес, тадбиркорлик, классификация, институционал муҳит, Ўзбекистон иқтисодиёти.*

В статье рассмотрены некоторые типичные проблемы в классификации институциональных условий, являющихся структуроформирующими предпринимательства в Узбекистане. На основе исследований, выявлены факторы, влияющие напредпринимательскую активность.

Ключевые слова: *малый бизнес, предпринимательство, классификация, институциональная среда, экономика Узбекистана.*

The article describes some typical problems in the classification of the institutional environment, is a structure forming entrepreneurship in Uzbekistan. Based on the study, the authors identified factors that influence on entrepreneurial activity.

Keywords: *small business, entrepreneurship, classification, institutional environment, the economy of Uzbekistan.*

Институциональные условия формирования малого предпринимательства следует воспринимать как совокупность правил и механизмов, принуждающих субъекты малого предпринимательства к исполнению этих установленных правил и норм. Даже незначительная динамика институциональной структуры оказывает существенное, если не решающее воздействие на подсистемы, в том числе и на предпринимательские структуры [1]. Институт, правила, специальные гаранты правил - обязательные элементы институциональных условий формирования малого предпринимательства.

В Узбекистане происходят радикальные макроэкономические преобразования, конечная цель которых – осуществление перехода к открытой социально ориентированной рыночной экономике. В связи, с чем структура бизнеса изменяется под воздействием ресурсных, конъюнктурных и институциональных факторов.

В 2016 году принят ряд системных мер, направленных на создание условий для ведения бизнеса, привлечения иностранных инвестиций для субъектов малого и частного предпринимательства, являющихся основой развития экономики Узбекистана.

В октябре 2016 года вышел Указ Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиеева «О дополнительных мерах по обеспечению ускоренного развития предпринимательской деятельности, всемерной защиты частной собственности и качественному улучшению делового климата», направленный на создание еще более благоприятной деловой среды путем отмены всех видов внеплановых, встречных проверок и устранения барьеров. Особое внимание в этом документе уделено принятию действенных мер по обеспечению динамичной модернизации малых и частных предприятий и стимулированию их экспортной деятельности, что должно стать главным направлением экономического роста развития отраслей и регионов, обеспечения занятости населения. Реализация мер по обеспечению надежной защиты интересов частной собственности и малого бизнеса способствовала в 2016 году динамичному развитию этого сектора. Добавленная стоимость продукции малого предпринимательства в общем объеме валового внутреннего продукта страны в течение года росла и составила: 43,1% – в И квартале, 46,0% – во ИИ квартале, 54,6% – в ИИИ квартале и по итогам года она достигла 56,9%, превысив на 0,4п.п. уровень 2015 года. В течение года отмечен рост доли МП в ВРП Джизакской области (с 61,6% в И квартале до 80,3% к концу года), Наманганской(с 68,2 до 80,3%), Самаркандской (с 67,7 до 78,0%), а также в Сурхандарьинской, Хорезмской, Сырдарьинской, Бухарской и Андижанской областях [8].

В 2016 году структурные сдвиги в малом бизнесеусилились в сторону роста доли промышленной продукции, платных услуг ирозничного товарооборота, которая выросла до 72,9%. Снизилась в структуре доля сельского, лесного ирыбного хозяйства и строительных работ до 27,0%, в том числе сельскогос 20,9% (И квартал) до 18,8% (по итогам года) и строительных работ соответственно с 9,4 до 8,2%.

По итогам 2016 года численность занятых в малом предпринимательстве составила 10392,5 тыс. человек против 10178,9 тыс. человек в2015 году (рост на 2,1 п.п.).

На основе проведенных исследований, можно определить характер изменения этих факторов и особенности их влияния на различные структурные характеристики бизнеса (таб.1).

Таблица 1.

Факторы и структурные характеристики бизнеса

Тип фактора	**Тип изменения**	**Структурные характеристики, наиболее сильно зависящие от данного фактора**	**Временной лаг воздействия на структурные характеристики**
Ресурсные	*Медленный*	*Отраслевые*	*Положительный, малый*
Конъюнктурные	*Быстрый*	*Объем кредитов, объем инвестиций, число занятых,*	*Близок к нулю*
Меъёридаги ёниш механизмининг яна бир камчилиги бор. Бу ҳам бўлса, очиқ бўшлиқда ёниши натижасида катта босим ҳосил қилиб бўлмайди. Атмосфера босимига нисбатан катта босим олиш учун ёниш амалга ошаётган жойда берк (ёниш зонасини бир томонлама беркитиш, худди ракета ва реактив двигателлари каби) бўшлиқ ҳосил қилиш керак.

Ёндириш жараёнидаги иссиқлик балансини ҳисоблаш. Ёқилғи ёнишидан ҳосил бўлган иссиқликнинг ҳаммаси ҳам фойдали сарфланмайди. Иссиқликнинг катта миқдори ёқилғининг чала ёниши ва иссиқлик қурилмаларида йўқотилади.

1кг ёқилгини Q^p_H узлуксиз ишлайдиган печда ёниш жараёнини кўриб чиқамиз. Ёқилғини ёндириш учун узатилаётган ҳаво миқдори $V_{хак} = V_{наз} \cdot \alpha$ узатилаётган ҳаво миқдори $V_{хак}$ Q_H иссиқлик миқдорини ўз ичига олади. Ёнишдан $V_{хак} = V_{наз} \cdot \alpha$ миқдорда ёниш маҳсулоти ва Q_H иссиклик ажралади. Ўтхонада ҳосил бўлган иссиқликнинг бир кисмидан атроф муҳитга, бир қисми кул билан, бир қисми белгиланган хароратгача қиздириш учун $Q_{йўқ}$ иссиқлик йўқотилади. Иссиқликнинг яна бир қисми ёқилғини физик ва кимёвий тўлиқ ёнмаслигидан ажралмайди. У ҳолда энергиянинг сақланиш қонунига кўра, 1 кг ёқилғини ёнишидан ҳосил бўлган иссиқлик баланси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$Q^p_н + Q_в = Q_{ём} + Q_{йўк} + Q_з + Q_ф + Q_х$$

Шундай қилиб, ўтхонанинг умумий иссиқлик миқдори $Q_{ум} = Q^P_н + Q_в$, ёниш маҳсулотини қиздиришга $Q_{ёнмаҳ}$, ўтхонадаги иссиқдикнинг йўқотилиши $Q_{пот}$ сарфланади. Агар $Q_{ўт.йўқ} = Q_{йўқ} + Q_з + Q_ф + Q_х$ га тенг бўлса , у ҳолда иссиқлик балансини қуйидагича ёзиш мумкин.

$$\boldsymbol{Q^p_н} = Q_{ён.мах} + Q_{ўт.йўқ}$$

Бу ерда $\boldsymbol{Q^p_н}$ иш бажариш учун сарф бўлган фойдали иссиқлик миқдори. $Q_у$ ўтхонада хосил бўлган умумий иссиқлик миқдори. Бундан ўтхонанинг ФИК η ни топиш мумкин.

$$\eta = Q_{ё.мах} / Q_{йўк}$$

Ёқилғи ёнишидан ҳосил бўлган харорат калориметрик, назарий ва ҳақиқий бўлиши мумкин. Амалда назарий ҳарорат калориметрик ҳароратдан фарқ қилмайди. Бундай ҳолларда назарий ва калориметрик ёниш хароратларининг иссиқлик баланси қуйидаги тенглик кўринишида бўлиши мумкин. $\boldsymbol{Q^p_н} = Q_{пс}$. Бу тенгликни1 кг ёқилғи учун ёйилган кўриншида ёзамиз:

$$1\,\boldsymbol{Q^p_н} + 1\,c_m T_m + 1\,V_T a c_в T_в = 1\,a(V_{Cr}\,c_{Cr} + V_{вп}\,c_{вп})\,T_{тр}$$

Бу ерда Q^p_H – қуйи солиштирма ёниш иссиқлиги, $c_m, c_в, c_{сг}$ $c_{вп}$-мос равишда ёқилғи, ҳаво, **қурук** газ ва сув буғининг иссиқлик сиғими. T_m, $T_в$-мос равишда ёниш учун кираётган ёқилги ва ҳавонинг ҳарорати $T_{наз}$-ёқилғи
ёнишидаги назарий ҳарорат, $V_{наз}$, $V_{кг}$, $V_{сб}$-ёниш учун керакли назарий ҳавонинг, қуруқ газнинг ва сув буғининг хажми. α - маълум ёқилғи тури учун ортиқча ҳаво коэффициента.

Ҳақиқий ёниш харорати $T_{хак}$ назарий ёниш хароратидан ўтхонадаги иссиқликнинг йўқотилиши $Q_{йук}$ билан фарқ қилади.

Ҳақиқий ёниш харорати ва назарий ёниш харорати ўртасидаги боғлиқлик пирометрик коэффициент деб аталади. $\eta_{пр}$.

$$T_{хак} / T_{наз} = \eta_{пр}$$

Паст калорияли ёқилғини хақиқий ёниш харорати $T_д$ ни орттириш учун ёниш учун керакли ҳаво қиздирилади, кислород билан бойитилади, ёқилғи эса қиздирилади.[1]

Биз таклиф этаётган аппарат нисбатан арзон ва катта махаллий захиралари мавжуд бўлган кўмир кукунини уюрма тарзида ёқишга асосланган. Кўмир кукунини уюрма тарзида ёқилганда хосил бўлган олов печнинг бутун юзасини қоплаб олади. Бунда охактошнинг иссиқлик билан контакт юзаси ортиб, ишлаб чикариш самарадорлиги ортади. Бундан ташқари печ зоналарга бўлинган бўлиб, ёниб бўлган газлар ўз йулида давом этиб, киздириш зонасидаги охактошни 700-900° С гача қиздиради. Қисқача айтганда биз таклиф қилаётган аппарат қуйидаги афзалликларга эга.

1.Ёқилғи тури нисбатан арзон ва катта махаллий захиралари мавжуд.

2.Кўмир кукуни ёнганда охакнинг сифати ва рангига таъсир этмайди. Бунга печ камерасига ҳисоблаб топилганидан ортиқча ҳаво миқдори бериш орқали эришилади.

3.Аппарат нисбатан кичик кўринишда бўлиб, уни хом ашёга яқин жойларга кўчириб юриш мумкин.

Адабиётлар

[1] Монастырев А.В. Производство извести. М., «Стройиздат», 1972

ПРОСЕВАЕМОСТЬ РЕШЕТ С КРУГЛЫМИ ОТВЕРСТИЯМИ

Х.Ж. Эркабоев, Ш.З. Халилов

Ферганский политехнический институт
(Получена 29.06.2016 г.)

Мақолада решетони (элакни) узунлиги ва энини, тешикларни диаметрларини ва ургларини ўзаро боғлиқлигини, решетони тешикларини диаметрлари билан ва аралашмани решетони элаш – саралашига таъсири келтирилган. Решето узунлиги унинг ўртача элаш – саралашни камайтиради ва максимал элаш – саралашини ҳар бир ҳолатда решето узунлигини кичайтиришда максимал элаш – саралашга интилади.

Таянч сўзлар: *элак, элаш-саралаш, юмалоқ тешиклар, бошланғич юклама, тешикларни диаметри, солиштирма элаш – саралаш, чиқаришни максимал даражаси.*

В данной статье рассматривается влияние длины и ширины решета, и соотношение между диаметром отверстий и размерами семян, крупной примеси на просеваемость решета с круглыми отверстиями и сделаны выводы, что средняя удельная просеваемость уменьшается с увеличением длины решета, а максимальная удельная просеваемость во всех случаях увеличивается при уменьшении длины решета.

Ключевые слова: *решето, просеваемость, круглые отверстия, начальная нагрузка, диаметр отверстий, удельная просеваемость, полнота выделения.*

In the following article there was observed the effects of height and width of array according to the relationship be tween diamete of holes and size of it, large infusion of array with circular holes, and concluded that medium specific size decreases due to increasing length of array and maximum specific size increases due to decreasing length of array.

Key words: *crible, round halls, starting load, halls diameter, bolt, specific sieve, tatal leakage.*

Влияние длины решета на его просеваемость определяются характером изменения местной удельной просеваемости по длине решета. Рассмотрим вопрос о влиянии решета, сравнивая характеристики, показывающие изменения средней просеваемости в зависимости от удельной начальной нагрузки.

Если местная удельная просеваемость зависит от использования рабочей поверхности решета и от вредного влияния толщины слоя, то влияние длины решета характеризуется соответствующими кривыми, отличные друг от друга

Если местная удельная просеваемость зависит от использования рабочей поверхности решета и от вредного влияния толщины слоя, то влияние длины решета характеризуется сплошными кривыми, схожие друг с другом.

Явление оказывается более сложным, когда, кроме указанных выше двух факторов, при удалении от начала решета имеет место постепенное увеличение размеров частиц в проходе. За счет этого фактора местная удельная просеваемость уменьшается по мере удаления от начала решета.

Увеличение ширины решет, работающих в условиях неполной загрузки, всегда приводит к уменьшению просеваемости и полноты выделения, так как при этом не полностью используется рабочая поверхность решета. Наименьшая длина должна обеспечить заданную наименьшую полноту выделения в условиях неполной загрузки.

$$L_{min} = 0{,}44\ м. \qquad (1)$$

которая позволит найти минимальную длину решета по заданному значению минимальной полноты выделения. Например, при $\varepsilon_{min} = 0{,}99$; $Q' = 0{,}056$ *кг/с*; $p' = 1{,}19$ *кг/м*^{2} *с и* $B = 0{,}49$ *м* получим $L_{min} = 0{,}44$ *м.*

В условиях полной загрузки увеличение ширины решета за счет его длины будет сопровождаться уменьшением толщины слоя. Просеваемость и полнота выделения при этом изменяются в соответствии с влиянием толщины слоя.

Если решето работает на режиме максимальной средней просеваемости, а коэффициент изменения меньше единицы, то увеличение ширины решета за счет длины сопровождается увеличением средней просеваемости, а это увеличение тем больше , чем меньше коэффициент изменения. Например, на решете длиной 0,49 мм, шириной 0,93 м, с диаметром отверстий 6,5 мм просеваемость на 30% выше, а полнота выделения на 6% меньше, чем решета, имеющего длину 0,93м, а ширину 0,49 м.

Для изучения ***влияние соотношения между диаметром отверстий и размерами семян на просеваемость решета*** все данные были подвергнуты сравнительному анализу по абсолютной величине просеваемости и по форме кривых, характеризующих изменение просеваемости от начальной нагрузки.

В качестве характеристики абсолютной величины просеваемости были приняты значения максимальной просеваемости P_{max} и значения просеваемости P_0 при полной загрузке на всем решете.

Рассматривая данные для диаметров отверстий выше 6,5 мм, можно убедиться в том, что максимальная величина удельной просеваемости увеличивается почти прямо пропорционально диаметру отверстий решет. Кроме того, максимальная величина удельной просеваемости оказывается тем больше, чем меньше длина семян.

Рассматривая данные для диаметров отверстий меньше 6,5 мм, можно обнаружить, изменение просеваемости при увеличении диаметра отверстий, пересекают друг друга. Это объясняется тем, что минимальные размеры отверстий, пропускающих семена какой-либо культуры, определяются шириной семян. Поэтому на решете с диаметром отверстий 4,0 мм просеваемость (при ширине 2,3мм) больше просеваемости (при ширине 2,6-3,3 мм), а просеваемость (при ширине 2,6мм) больше просеваемости (при ширине 3,4 мм). На решетах с диаметром отверстий 5 мм и выше получается обратное соотношение просеваемости, так как здесь основным фактором оказывается длина семян.

Для получения объективного показателя в условиях полной загрузки, были вычислены отношения просеваемости при двух начальных нагрузках, из которых первая принималась на 50% больше второй, а вторая соответствовала максимальной просеваемости($Q_{0опт}$) или же наступлению полной загрузки всего решета (Q_{20}) Эти отношения характеризуются коэффициентом изменения и вычисляются по формулам, предложенными В.П. Горячкиным.

$$\nu = \frac{Vc}{Pmax} \quad и \quad \nu = \frac{Pd}{P20} \qquad (2)$$

По результатам таких вычислений, у которых оказалась возможность найти начальные нагрузки, равные 1,5 $Q_{0опт}$ или 1,5 Q_0 , в зависимости от диаметра отверстий, обнаружено, что величина коэффициента изменения у семян всех культур увеличивается при увеличении диаметра отверстий. Кроме того, коэффициент изменения оказывается тем больше, чем меньше длина семян.

В связи с тем, что максимальная просеваемость и коэффициент изменения увеличиваются при увеличение диаметра отверстий и при уменьшении длины семян, можно представить изменение рассматриваемых показателей в зависимости от величины отношения $\lambda = \frac{d}{b}$.

Обнаружено, что в зависимости от величины $\lambda = \frac{d}{b}$ точки, относящиеся к различным культурам, располагаются гораздо ближе друг другу, чем в зависимости от диаметра отверстий. Это позволяет сделать вывод о том, что отношение диаметра отверстий к длине семян – основной фактор, который определяет абсолютную величину удельной просеваемости.

Просеваемость решет при $\lambda \leq 0{,}5$, настолько мала, что не имеет практического значения. Это подтверждает указания проф. М.Н.Летошнева (2) о нецелесообразности применения решет, у которых диаметр отверстий меньше половины длины семян.

Если отношение $\lambda \geq 0{,}8$, то максимальная величина удельной просеваемости, увеличивается почти прямо пропорционально величине отношения диаметра отверстий к длине семян. Необходимо отметить, что только семена пшеницы при увеличении диаметра отверстий до размеров, превышающих длину семян, имеют коэффициент изменения, равный или больше единицы; коэффициенты изменения семян других культур остаются всегда меньше единицы.

Таким образом, чем больше отношение диаметра отверстий к длине семян и чем больше форма семян приближается к сферической, тем меньше проявляется вредное влияние толщины слоя и тем выше абсолютная величина просеваемости. Это связано с тем, что продолговатые семена, у которых длина больше диаметра отверстия, проходят в отверстия, поворачиваясь около их края и приподнимая вышележащие частицы материала.

В результате соответствующего исследования было установлено, что в этих случаях в условиях полной загрузки может быть использована формула показательной функции:

$$P_0 = P_1 + P_2 e^{-L} + P_3 e^{-aq_0} \quad (3)$$

Вопрос о влиянии относительного содержания мелкой фракции на просеваемость решет является весьма сложным вопросом. Поэтому было решено провести исследования для выяснения основной закономерности и в таких условиях, когда крупная примесь забивает отверстия решета.

Такие составные части мелкой фракции позволяли получить четыре варианта отношения объемных весов (0,66; 0,97; 1,30 и 1,90) и, кроме того, могли свободно разделяться на решете с диаметром отверстий 6,5мм.

Анализируя данные, можно установить, что оптимальная начальная нагрузка постепенно увеличивается при уменьшении относительного содержания мелкой фракции, а на смеси с пшеницей остается неизменной.

Для выяснения основной закономерности установили значения максимальной величины средней удельной просеваемости при различном содержании мелкой фракции. Относительное весовое содержание мелкой фракции пересчитывали на относительное объемное содержание. По этим данным установили изменение максимальной величины средней удельной просеваемости (выраженной в процентах по отношению к просеваемости при $A_0 = 1$) в зависимости от величины относительного объемного содержания мелкой фракции. Выяснено что просеваемость решета увеличивается прямо пропорционально относительному объему содержанию мелкой фракции в исходном материале.

Наличие крупной примеси, не забивающей отверстия решет, уменьшает просеваемость прямо пропорционально относительному объемному содержанию этой примеси. Исходя из этой закономерности, можно сделать вывод о том, что производительность данного решета, исчисляемая по начальной загрузке, примерно одинакова при любом объемном соотношении данных составных частей в исходном материале.

Следовательно, возможно определить размеры решет по заданной производительности на основании исследований данных об удельной просеваемости при отсутствии крупной примеси.

Выводы:

1. Средняя удельная просеваемость уменьшается с увеличением длины решета, если положительное влияние уменьшающейся толщины слоя менее существенно, чем отрицательное влияние увеличения среднего размера частиц в проходе.
2. Максимальная величина средней удельной просеваемости во всех случаях увеличивается при уменьшении длины решета. Однако полнота выделения при максимальной величине средней удельной просеваемости уменьшается с уменьшением длины решета.

Изложенные выше результаты исследований по изучению просеваемости с круглыми отверстиями решет различной длины говорит о целесообразности увеличения ширины решет за счет их длины (при одинаковой площади и начальной нагрузки).

Список литературы

[1] В.П. Горячкин. Собрание сочинений по земледельческой механике. Том III Издательство «Высшая школа» - 1975 год.

[2] М.Н. Летошнев. Просеваемость решет с круглыми отверстиями. Труды ВИСХОМ. Издательство «Высшая школа» - 1988 год.

АВТОМОБИЛ КУЗОВИ КОНСТРУКЦИЯСИДА АЭРОДИНАМИК ДИФФУЗОРНИ ҚЎЛЛАШ ОРҚАЛИ ҲАВО ПОТОГИ ҲОСИЛ ҚИЛАДИГАН ВАКУУМНИНГ ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ

А.С. Хусанжонов, Н.И. Отабоев

Фарғона политехника институти

(Қабул қилинди 16.03.2017 й.)

Ушбу мақолада автомобил кузови конструкциясида аэродинамик диффузорни қўллаш орқали ҳаво потоги ҳосил қиладиган вакуумнинг таъсирини камайтириш тавсия этилган.

Таянч сўзлар: *автомобил, двигател, диффузор, самарадорлик, ёнилғи, вакуум, ҳаво потоги, эффектив қувват .*

В данной статье рекомендовано снижение влияния вакуума создаваемого воздушным потоком с использованием аэродинамического диффузора в конструкции кузова автомобиля.

Ключевые слова: *автомобиль, двигатель, диффузор, эффективность, топливо, вакуум, поток воздуха, эффективная мошность.*

The decreasing of the influence of vacuum which is generated by the air flow with using aerodynamic diffusor on the construction of body of automobile is recommended in this article.

Key words: *automobile, engine, diffusor, efficiency, fuel, vacuum, air flow, efficient power.*

Автомобилнинг ёнилғи тежамкорлиги кўп жиҳатдан кузовнинг ва бутун автомобилнинг ҳавога қаршилигига боғлиқ бўлади. Автомобил йўлда ҳаракатланиш даврида ҳаво қаршилигига дуч келади ва уни енгиш учун двигател ишлаб чиқарган қувват сарф бўлади. Ҳаво автомобилнинг олдидан, ёнидан ва орқасидан таьсир этиб, автомобилни ҳаракатланишига қарши босим кучини ҳосил қилади [1].

Бундан ташқари ҳаво потоги юқорида кўпроқ қаршилик кўрсатади ва автомобилга урилиб унинг тагидан, тепасидан ҳамда ёнларидан айланиб ўтиб, яна катта ҳаво потогига бирлашиб, уюрма ҳосил қилади. Бу уюрма автомобил кузови ортидан ўтибоқ ҳосил бўлган бир пайтда автомобил кузови ортида вакуум пайдо бўлади.

Бу вакуум ва уюрма автомобилни олдинга ҳаракатига қаршилик кўрсатади. Бунинг натижасида автомобил двигателининг эффектив қуввати ва тезлиги пасайиб, ёнилғи сарфи ортади. Бу уюрмани тўлиқ йўқотишнинг иложи йўқ. Шунинг учун бу уюрмани иложи борича кузов ортидан узоқроқ масофада қўшилишини таъминлаш зарур.

Уюрма ва вакуумни узоқроқда ҳосил бўлишини таъминлаш учун, автомобилнинг икки ёнидан, тепасидан ва тагидан ўтган ҳаво оқимини иложи борича сийраклашган ҳолда узоқроқ масофада қўшилишига эришилиши керак. Бундай ҳолларда автомобил кузовининг орқа пастки қисмига “диффузор” деб аталувчи аэродинамик агрегат ўрнатиш яхши самара беради.



1-расм. Турли типдаги автомобилларга ҳаво оқимининг таьсир йўналишлари.

Диффузор орқали автомобил-нинг пастидан ўтиб келаётган ҳаво потоги бир мунча сийраклашади ва йўналиши ўзгариб бир нечта ҳаво дасталарига ажралалади. Натижада кузовнинг юқорисидан ва атрофидан ўтаётган ҳаво потоги пастдан ўтаётиб сийраклашган ҳаво потогларига қўшилолмайди ва уюрмани автомобил ортидан узоқроқ масофада ҳосил қилади. Бу уюрманинг эса автомобилга таъсири сезиларли сусайгани кузатилади.

Натижада автомобилнинг тезлиги ва эффектив қувватини камаймасдан ёнилғи тежамкорлиги ортганини кўриш мумкин.

Автомобилнинг оқимдорлигини ошириш мақсадида кабина ва ярим тиркама (фургон) орасида пластмассали суйри (обтекател) ўрнатилади. Шу билан бирга кузовга айланма шакллар берилади [2].

Юқоридаги тадбирлар 70-80 км/соат тезлик билан ҳаракатланаётган автомобилларнинг ёнилғи сарфини 10% га камайтиради [3].

Хулоса. Биламизки, кузовнинг массаси автомобил массасининг асосий қисмини ташкил қилади, шунинг учун кузов массасининг ортиши ёнилғи сарфининг ошишига олиб келади. Шуни ҳисобга олган ҳолатда, диффузорларни тайёрлашда пластмасса ва бошқа енгил, аммо, мустаҳкам бўлган композицион материаллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундай материаллардан тайёрланган диффузорларнинг оғирлиги ўртача 0,5-1 кг ни ташкил этади. Бу эса автомобилнинг массасига деярли сезилмайдиган даражадаги оғирлик ҳисобланиб, бундай диффузорлар билан автомобилнинг массасига сезиларли ўзгартириш киритмай ёнилғи тежамкорлигига эришиш мумкин.



2-расм. Автомобил кузови конструкциясида аэродинамик диффузорни қўллаш.

Адабиётлар

[1] Вишняков Н.Н. и др. Автомобильъ. М., 1986. 192-бет.
[2] Михайловский Е.В. и др. Устройство автомобиля. М., 1981. 81-бет.
[3] Осепчугов В.В., Фрумкин А.К. Автомобильъ. Анализ конструкции, элементи расчета. М., 1989. 26-бет.

УДК.664.778

ПОЛИМЕР МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ИССИҚЛИК ЎТКАЗУВЧАНЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Б.Р. Беккулов

Андижон машинасозлик институти
(Қабул қилинди 16.03.2017 й.)

Ушбу мақолада қаттиқ жисмларнинг иссиқлик ўтказишининг умумий хусусиятлари хақида маълумотлар келтирилган, хусусан, полимер материалларнинг аморф ва кристал ҳолатидаги иссиқлик ўтказиш жараёнларидаги ўзига хос фарқлари кўрсатиб ўтилган.

Таянч сўзлар: *полимер, эгилувчан, кристалл, занжир, бир жинсли, эластиклик.*

В данной статье приведены сведения об общих свойств теплопроводности твердых тел, в частности показаны их особые отличия в процессе теплопередачи аморфных и кристаллических полимеров.

Ключевые слова: *полимер, гибкий, кристаллит, цепь, однородный, упругость.*

In the given paper it is reduced data on the common of properties of heat conduction of solids, in particular it is displayed their special difference in the course of heat transfer of uncrystalline and crystalline polymers

Keywords: *polymer, flexible, a crystallite, a circuit, homogeneous, elasticity.*

Қаттиқ жисмнинг иссиқлик ўтказувчанлиги деганда, иссиқликни қиздирилган қисмидан қолган қисмига ўтиши натижасида температуранинг тенглашиши тушунилади. Агар ингичка узун стержень олинса, учларидаги температура T_1 ва T_2, стержень узунлиги $\ell = \chi$ бўлса, у холда стержендаги $\partial T / \partial x$ температура градиенти пайдо бўлади. Бу градиент стержень бўйлаб иссиқлик оқимини хосил қилади.

Иссиқлик ўтказувчанликнинг Фурье қонуни қуйидагича ифодаланади:

$$\bar{q} = -\chi gradT \qquad (1)$$



1-расм. Иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентининг температурага боғлиқлиги a-кристалл намуна; b-аморф намуна.

Бу ерда, $\bar{q}$-иссиқлик оқими зичлиги вектори (сон жихатдан, вақт бирлигига тўғри келадиган намуна кўндаланг кесими орқали ўтувчи энергия миқдори)

χ -иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти ($Вт/см \cdot К$)

Иссиқлик ўтказувчанлик ўзида энергия кўчиб ўтишини акс эттиради. Ҳар қандай бошқа кўчиб ўтиш жараёнларидаги каби, иссиқлик ўтказувчанлик релаксация характерига эга. Чунки, элементда температура ўзгартирилса, ўзгартирилган жойда температура градиенти иссиқлик оқимини нулга тушгунча қадар хосил қилади. Агар сунъий равишда доимий температура градиенти ушлаб турилса, вақт мобайнида (стационар) доимий иссиқлик оқими пайдо бўлади.

Барча қаттиқ жисмларни иссиқлик ўтказиш бўйича учта катта гурухга бўлиш мумкин:

1. Нометал, полимер материаллар (диэлектриклар);
2. Металлар;
3. Композицион полимер материаллар;

Полимер материалларда иссиқлик ўтказиш кристалл панжаралар тебраниши эвазига, металларда электронлар эвазига, композицион полимер материалларда эса кристал панжаралар ва электронлар хисобига узатилади.

Битта полимернинг кристалл ва аморф ҳолатидаги $\chi = f(T)$ боғланишларини кўриб чиқамиз (1-расм).

Кристалсимон полимерларнинг тузилишида асосий элемент кристаллитлар хисобланади. Маълумки, полимерлар занжир турига қараб, қаттиқ занжирли полимерлар ва эгилувчан занжирли полимерларга бўлинади. Қаттиқ занжирли полимерлар тўғри чизиқли занжирларни хосил қилади. Эгилувчан занжирли полимерлар эса, кристалланиш пайтида маълум қонуният билан тахланган кристалл пластинкалар -ламелларни хосил қилади. Ламеллар эса ўз навбатида йирикроқ бўлган сферолитларни хосил қилади. Юқоридагилардан

кўриниб турибдики, ламеллар ва сферолитлар асосида кристалл панжаралар ётади. Агар, кристалл панжараларни гармоник осциляторлар тўплами сифатида, нормаль тебранишлар бир-бирига боғлиқ эмас, тебраниш амплитудаси эса температурага боғлиқ бўлади деб қаралса, алохида тебранишларнинг мустақиллиги ва улар орасида энергия таъсири йўқлиги учун бундай системада энергиянинг текис тақсимланиши кузатилмайди.

Дебай панжаралар тўлқини ва иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини аниқлаш бўйича қуйидаги формулани таклиф қилди [1]:

$$\chi = \tfrac{1}{3} C_v \cdot \bar{c} \cdot \ell \qquad (2)$$

бу ерда, C_v-бирлик ҳажмга тўғри келадиган иссиқлик сиғими; $\bar{c}$ - ўртача товуш тезлиги; ℓ - озод фононннинг босиб ўтган йўлининг ўртача узунлиги

Фононннинг давомийлик вақти қуйидагига тенг:

$$\tau = \frac{\ell}{\bar{c}} \qquad (3)$$

Нисбатан юқори температурада ($C_v = const$), товуш тезлиги Дебай яқинлашишида температурага боғлиқ эмас деб хисобланади, чунки $\ell \sim 1/T$, температурага тескари пропорционалдир. Температура пасайганда, ℓ ортади ва янада пастроқ температурада ℓ кристалл ўлчамига тенг бўлади. Температура пасайиши давом эттирилса, $\chi \sim C_v$ бўлади. Ўта паст температурада эса $C_v \sim T^3$ бўлади, хамда χ температурага боғлиқ равишда шундай қонуниятбилан ўзгаради. Шундай қилиб, кристалсимон полимерларда иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти температура ортиши билан пасайиб боради (1-расм).

Иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини температурага боғлиқ равишда хисоблаш имкониятини берувчи назарияни ишлаб чиқиш қаттиқ жисмлар физикасида жиддий муаммолардан бири бўлиб хисобланади. Бу муаммони ечишда айрим четга чиқишларга йўл қўйилади ва бу албатта доимо хам ўринли бўлавермайди.

Аморф полимерларда атомларнинг жойлашиш тартиби, трансляцион симметрия бўйича жойлашуви йўқлиги учун иссиқлик ўтказувчанликни ўрганиш мураккаблик туғдиради. Аморф полимерларнинг тузилиши тўғрисида америкалик машхур олим А.Тобольский шундай деган эди: “аморф полимерларнинг тузилиши идишда қайнатилган ингичка макаронларга ўхшайди; “макаронсифат” молекулалар доимий ҳаотик харакатда, уларнинг амплитудаси ва тезлиги температурага боғлиқ бўлади” [2]. Шунинг учун аморф полимерларда иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентининг температурага боғлиқ ўзгариши сифат жихатидан кристалл полимерларнинг $\chi = f(T)$ боғланишидан фарқ қилади.

Шундай қилиб, аморф полимерларда иссиқлик ўтказувчанликнинг сифат жихатдан бутунлай бошқача механизми бор эканлигини кўриш мумкин. Аморф полимерларнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини аниқлашда (2) формуладан фойдаланилади. Бунда асосий муаммо фононннинг босиб ўтган йўлининг ўртача узунлигини аниқлашдадир. Маълум бўлган эксперимент натижаларидан фойдаланиб, (2) формулани қўллаб айрим холларда фононннинг босиб ўтган йўлининг ўртача узунлигини аниқлаш мумкин. Масалан, Киттель фононннинг босиб ўтган йўлининг ўртача узунлиги аморф холдаги кварц шишасининг структуравий бирлиги ўлчамига тенг эканлигини кўрсатиб ўтди [3]. Ҳақиқатдан ҳам, хона хароратидаги кварц шишасининг эркин фононннинг босиб ўтган йўлининг ўртача узунлиги $\ell = 8\,\overset{o}{A}$, кремний оксиди тетраэдрик ячейкасининг ўлчамлари эса $7\,\overset{o}{A}$ни ташкил этади. Ўз вақтида Клеменс хам иссиқлик ўтказувчанликни анализ қилар экан, худди шу фикрни айтган эди [4].

Аморф полимерларда атомларнинг тартибсиз жойлашуви сабабли полимернинг эластиклик хусусияти бир нуқтадан иккинчи нуқта қараб ўзгаради. Агар бундай полимерда эластик тўлқин тарқатилса, тўлқиннинг тарқалиши худди бир жинсли бўлмаган муҳитдаги каби бўлади. Шундай қилиб, фононларнинг тезлиги ҳам бир нуқтадан иккинчи нуқтага қараб ўзгариши кузатилади. Бу эса ўз навбатида температура ортиши билан аморф полимерларда иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини ортишига олиб келади(1-расм).

Ҳулоса қилиб айтганда, полимер материалларда иссиқлик ўтказувчанлик хусусиятини орттириш учун иссиқлик ва электр ўтказувчанлиги юқори бўлган кукун ёки толасимон металл, графит, углерод ва бошқа материаллар асосида композицияларни киритиш лозим. Аксинча иссиқлик ўтказувчанлик хусусиятини пасайтириш учун эса, полимер материалларда ячейкали структураларни ҳосил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Адабиётлар

[1] Перепечко И.И. Введение в физику полимеров. М.,1978, 310 с.
[2] Тобольский А. Свойства и структура полимеров. Пер. с анг. М.,"Химия", 1964. 322 с.
[3] Киттель Ч. Ввведение в физику твердого тела. Изд. 2-е. Пер. с анг. М., Физматгиз, 1963, 696 с.
[4] 4. Клеменс П.В. Физика низких температур. Пер. с анг. М., Издатинлит, 1959, 314 с.
[5] Батаев А.А. Композиционные материалы. Новосибирск, Изд. НГТУ, 2002, 384 с.

УЎТ 631.31

ШУДГОРЛАНГАН ЕРЛАРНИ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МАШИНА ПОНАСИМОН ДИСКНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ

Қ.Б. Имомқулов, Д.К. Муқимова

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш
илмий-тадқиқот институти (ҚХМЭИ) Iqb_1978@inbox.uz, davl85@Umail.uz

(Қабул қилинди 18.03.2017 й.)

Мақолада янги шудгорланган далаларга ишлов берадиган машина понасимон диски диаметри, ўткирланиш бурчаги ва қалинлигини асослаш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Таянч сўзлар: *янги шудгорланган далаларга ишлов берадиган машина, понасимон диск диаметри, ўткирланиш бурчаги, қалинлиги, дискли ғалтаклар, текислагич, планкали ғалтакмола, осиш қурилмаси, дискларнинг тупроққа ботиш чуқурлиги.*

В статье приведены результаты исследований по обоснованию диаметра, угла заострения и толщины клиновидного диска машины для подготовки свежевспаханных полей к севу.

Ключевые слова*: машины для подготовки свежевспаханных полей к севу, диаметр, угол заострения, толщина клиновидного диска, дисковый каток, выравниватель, планчатый каток, навесное устройство, глубина погружения в почву дискового катка.*

In this article are brought the results of the studies on motivation of the diameter, corntr of the sharpening and thicknesses of the wedge-shaped disk of the machine for preparing plow by flap to sowing.

Keywords: *the machines for preparing new ploughed by flap to sowing, diameter, corner of the sharpenning, thickness of the wedge-shaped disk, disc skating rink, egualizer, planking skating rink, outboard device, depth of the submersion in ground of the disc skating rink.*

Ҳозирги пайтда янги ҳайдалган ерларни экишга тайёрлаш ишлари тишли ва дискли тирмалар ҳамда турли мола-текислагичлар билан дала бўйлаб алоҳида-алоҳида кўп марталаб ўтиб амалга ошириб келинмоқда. Бу тупроқнинг физик-механик хоссаларини ёмонлашуви, тупроқдан кўплаб нам йўқотилиши ҳамда ёнилғи сарфи ва бошқа харажатларни ортиб кетишига олиб келади. Хорижда эришилган илмий ютуқлар ҳамда Республикамизда илгари бажарилган тадқиқотлар таҳлили янги шудгорланган ерларни экишга тайёрлашда мавжуд бўлган бу камчиликлар даладан бир ўтишда тупроқни экишга тайёрлаш бўйича барча технологик жараёнлар(ҳайдов қатламини тўлиқ зичлаш, даланинг юза қисмини текислаш ва майдалаш)ни қўшиб бажарадиган машина ишлаб чиқиш йўли билан бартараф этилиши мумкин



1-расм. Шудгорланган далага ишлов берувчи машинанинг схемаси. 1-осиш қурилмаси; 2,3-дискли ғалтаклар; 4-текислагич; 5-планкали ғалтакмола; 6-рама.

эканлигини кўрсатди. Шу боис ишлаб чиқилган дастлабки талаблар асосида машина понасимон ишчи юзали дисклар билан жиҳозланган ғалтаклар, текислагич ва планкали ғалтакмоладан иборат этиб яратилди (1-расм).

Машинанинг иш жараёни қуйидаги тартибда кечади: плуг корпуслари томонидан ағдарилган палахсаларга биринчи бўлиб дискли ғалтаклар таъсир этади. Улар палахсаларни майдалайди ва зичлайди, кейин текислагич шудгор юзасини текислайди. Шундан сўнг тупроққа планкали ғалтакмола таъсир кўрсатиб, шудгор юзасида нам сақлаш учун майин қатлам ҳосил қилиб кетади.

Қуйидагилар понасимон дискнинг машинанинг сифат ва энергетик кўрсаткичларига таъсир этувчи асосий параметрлари ҳисобланади: $D_п$ – диаметри, мм; $2\gamma_n$ – ўткирланиш бурчаги, град; S – қалинлиги, мм.

Понасимон дискнинг диаметри у йўлида учрайдиган кесакларни олдинга сурмасдан босиб ўтиб кетиши шартидан келиб чиқиб аниқланди [1,2]. Акс ҳолда улар ғалтак олдига уюлиб, технологик иш жараёни сифатли бажарилмайди.

Маълумки [1,2], диск кесакларни олдинга сурмасдан уларни босиб ўтиб кетиши учун қуйидаги шарт бажарилиши лозим:

$$\varepsilon \le (\phi_1 + \phi_2), \tag{1}$$



2-расм. Понасимон дискининг диаметрини аниқлашга доир схема.

бунда ε – дискнинг кесакка тегиб турган нуқтасига ўтказилган уринмани горизонтга нисбатан оғиш бурчаги, град.

φ_1, φ_2 – кесакларни диск ва тупроққа ишқаланиш бурчаклари, град.

2-расмда келтирилган схемадан қуйидаги натижага эга бўламиз:

$$R - R\cos\varepsilon = H + h_\partial, \tag{2}$$

бунда R – дискнинг радиуси, м; H – шудгор юзасидаги кесакнинг баландлиги, м; h_∂ – дискларнинг тупроққа ботиш чуқурлиги, м.

(1) ни ҳисобга олган ҳолда (2) ифодани R га нисбатан ечсак

$$R \ge \frac{H + h_\partial}{1 - \cos(\phi_1 + \phi_2)} \tag{3}$$



3-расм. Понасимон дискнинг ўткирланиш бурчаги ва қалинлигини аниқлашга доир схема.

ёки

$$D \ge \frac{2(H + h_\partial)}{1 - \cos(\phi_1 + \phi_2)} = \frac{H + h_\partial}{\sin^2\left(\frac{\phi_1 + \phi_2}{2}\right)}. \tag{4}$$

Бу ифода таҳлилидан кўриниб турибдики, дискнинг диаметри тупроқ юзасидаги кесаклар ўлчами, унинг тупроққа ботиш чуқурлиги, тупроқнинг физик-механик хусусиятларига, яъни ишқаланиш бурчаклари φ_1 ва φ_2 нинг қийматларига боғлиқ экан.

(4) ифодадаги H ва ишқаланиш бурчаклари φ_1 ва φ_2 ларнинг қийматлари тупроқнинг ҳолати ва турига боғлиқ ҳолда сезиларли ўзгаради. Шунинг учун дискли ғалтак кенг миқёсда ишлашини таъминлаш учун ҳисоблашларда H ва h_∂ нинг энг катта қийматлари, φ_1 ва φ_2 ни эса энг кичик қийматлари олинади.

H=5 см, h_∂ =5 см, φ_1 = 25° ва φ_2 =35° [3] бўлганда (4) ифодадан понасимон дискнинг диаметри 40 см дан кичик бўлмаслиги келиб чиқади.

Дискнинг ўткирланиш бурчагини унинг ишчи юзасига тупроқ ёпишиб қолмаслиги, кесакларни эса сирпаниб кесилиши таъминланиши шартидан аниқлаймиз. Бунинг учун қуйидаги шарт бажарилиши лозим [4].

$$\gamma_n = \frac{\pi}{4} - \frac{\phi_1}{2} \qquad (5)$$

ёки

$$2\gamma_n = \frac{\pi}{2} - \phi_1, \qquad (6)$$

бунда γ_n – диск ўткирланиш бурчагининг ярми, град.

(6) ифодага φ_1 нинг маълум қийматларини (25-35°) қўйсак [3], дискнинг ўткирланиш бурчаги 55-65° оралиғида бўлиши лозимлиги келиб чиқади. Булардан ўртача қийматни, яъни $2\gamma_n$ =60° қабул қиламиз. Чунки бунда N ва F (3-расм) кучларнинг тенг таъсир этувчиси тикка яқин йўналган бўлиб, тупроқни яхши зичланиши таъминланади.

Дискнинг қалинлигини унинг ишчи қисмидан тўлиқ фойдаланишни таъминлаш шартидан аниқланади. Бунинг учун 3-расмдан қуйидаги шарт бажарилиши лозимлиги келиб чиқади.

$$0,5Sctg\gamma_n \le h_{\partial\min}, \qquad (7)$$

бунда $h_{\partial\,\min}$– дискнинг тупроққа минимал ботиш чуқурлиги, м.

(7) дан қуйидагига эга бўламиз.

$$S \le 2h_{\partial\min} tg\gamma_n. \qquad (8)$$

γ_n бурчакни юқорида топилган қийматларини (8) га қўйиб ва $h_{\partial\,\min}$=3см деб қабул қилиб, дискнинг қалинлиги 3,46 см дан катта бўлмаслиги кераклигини аниқлаймиз.

Хулоса

Янги шудгорланган пайкаллар тупроғининг сифатли майдаланиши ҳамда талаб даражасида зичланиши ва текисланишини таъминлаш учун дискли ғалтак дискларининг диаметри камида 40 см ва ўткирланиш бурчаги 55-65° оралиғида бўлиши, қалинлиги эса 3,46 см дан катта бўлмаслиги лозим.

Адабиётлар

[1] Клёнин Н.И., Сакун В.А. Сельскохозяйственные мелиоративные машины. –М.: Колос, 1980. -672 с.
[2] Рудаков Г.М. Технологические основы механизации сева хлопчатника. – Ташкент: Фан, 1974. -244 с.
[3] Сергиенко В.А, Байметов Р.И., Мансуров К.М. Основная обработка почвы зоны Каршинской степи. – Ташкент: Фан, 1982. -64 с.
[4] Нурабаев Б.У. Выбор типа и обоснование параметров рабочего органа культиватора для междурядной обработки почвы в условиях Каракалпакстана: Дис.…канд.техн.наук. – Янгиюль, 2005. -133 с.

УДК. 677.021

ИССЛЕДОВАНИЕ ВОЗМОЖНОСТЕЙ ПОВЫШЕНИЯ ПРОЧНОСТИ НИТОЧНЫХ ШВОВ

Ш.Х. Бехбудов, Х.К. Рахмонов

Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности, kapitan1607@mail.ru

(Получена 13.06.2017 г.)

Тўлиқ омилли эксперимент асосида ипли бирикмаларнинг мустахкамлик хоссалари ўрганилган. Тадқиқот учун уч хил артикулдаги адрас, атлас ва ипак матолари олинган. Ҳар бир омилнинг таосир даражаси аниқланиб, омилларни вариасиялаш орқали чокларнинг узилиш кучи башорат қилинди. Аниқланишича, тикув машинасининг бош вали айланиш частотасининг камайиши билан ипли бирикмаларнинг узилиш кучи ошади.

Таянч сўзлар: *чок мустаъкамлиги, полимер композит,резина қаттиқлиги, тенгламалар адеквантлиги, оптималлаш, критерия, эмулсия сарфи.*

Изучены прочностные свойства швов на основе полнофакторных экспериментов. Для исследований выбраны швы из трех артикулов ткани адрас, атлас и шелк. Определена степень влияния каждого фактора и прогнозирована разрывная нагрузка швов при варьировании факторов. Выявлено, что разрывная нагрузка ниточных швов увеличивается с уменьшением частоты

вращения главного вала швейной машины.

Ключевые слова: *прочность швов, полимерная композиция, жесткость резины, адекватность уравнения, оптимизация, критерия, расход эмульсии.*

Strength properties based on a full factor experimens are studied in the article. For the research, seams of three articles of adras fabric, satin and silk were chosen. The degree of influence of each factor is determined and the breaking load of joints is predicted with the variation of factors. It has been revealed that the breaking load of the fillet welds increases with the reduction of the rotation frequency of the main shaft of the sewing machine.

Keywords: *durability of seams, polymeric compositions, rigidity of rubber, adequacy of the equation, optimization, criterion, the expense emulsion.*

Повышение надежности и прочности ниточных швов в швейных изделиях, из тканей подвижных структур, является залогом их хорошего качества и увеличения срока их эксплуатации. Исследования возможностей повышения прочности ниточных швов проводились на экспериментальной лабораторной установке, состоящей из швейной машины “Yamata” с устройством для нанесения полимерной композиции в рабочую зону иглы на края стачиваемых изделий [1]. Для подачи композита на верхней части плиты швейной машины установлен прижимной ролик с трубопроводом, резиновое покрытие которого изготавливается из каучука марки НЦ-24.

Таблица 1.

Уровни варьирования факторов

факторы	уровень			Интервал варьирования
	-1	0	+1	
X_1 -Частота вращения главного вала (n),об/мин.	4000	4500	5000	500
X_2 -Жесткость резины на ролике (E), Нм	100	150	200	50
X_3 -Расход эмульсии (W), гр/см^2	0,15	0,25	0,35	0,1

В данной работе исследовались влияния на прочность швов трех факторов: частота главного вала швейной машины (об/мин), жесткость резины на верхнем прижимном ролике (Нм), расход эмульсии (г/см^2).

Уровни варьирования факторов приведены в таблице 1.

План эксперимента представлял выборку из ПФЭ 2^3 (8 опытов) [2]. В каждом из опытов проведено по пять повторностей. Параметром оптимизации являлась разрывная нагрузка на шов (y), которая определялась на разрывной машине AVTOGRAPH-AG 1 (Япония).

Данной план эксперимента использовался при исследовании прочности швов (выполненных перпендикулярно основе) для трех артикулов тканей: 65144-Адрас, 32590-Атлас, 52010-Шелк.

План и средние результаты экспериментов приведены в таблице 2.

Таблица 2

План и результаты эксперимента

№ опыта	факторы							Разрывная нагрузка шва (y),Н		
	X_1	X_2	X_3	$X_1 X_2$	X_1X_3	$X_2 X_3$	$X_1X_2X_3$	Адрас	Атлас	Шелк
1	-	-	-	+	+	+	-	51,0	41,2	36,0
2	+	-	-	-	-	+	+	42,6	36,6	33,8
3	-	+	-	-	+	-	+	53,6	43,8	36,1
4	+	+	-	+	-	-	-	45,3	38,5	34,6
5	-	-	+	+	-	-	+	54,3	44,2	39,4
6	+	-	+	-	+	-	-	46,0	39,5	36,1
7	-	+	+	-	-	+	-	57,0	47,2	42,1
8	+	+	+	+	+	+	+	48,6	40,5	35,6

Для параметра оптимизации (у) каждой из тканей строилась модель в виде неполного полинома 2 ой степени, в которой члены, содержащие произведения показывают эффект взаимодействия факторов.

$$y = b_0 + \sum_{i=1}^{N} b_i x_i + \sum_{ij=1}^{N} b_{ij} x_i x_j \qquad (1)$$

Вычисления сводятся к простым формулам.

$$b_i = \sum_{i=1}^{N} x_{iu} y_u / N \qquad (2)$$

для линейных эффектов

$$b_{ij} = \sum_{ij=1}^{N} x_{iu} x_{ju} y_u / N \qquad (3)$$

для взаимодействий

Рис.1 Прибор “ AVTOGRAPH-AG 1 ” – предназначен для определения разрывных характеристик (разрывная нагрузка, разрывное удлинение) различных тканей.

После проверки дисперсий на однородность с помощью критерия Кохрена, после оценки значимости коэффициентов уравнений по критерию Стьюдента и отбрасывания незначимых членов уравнения регрессии приобретают вид:

для ткани Адрас: $У = 49.8 - 4.175X_1 + 1.325X_2 + 1.675X_3$ (4)

для ткани Атлас: $У = 41,3 - 2,663X_1 + 1,063X_2 + 1,413X_3$ (5)

для ткани Шелк: $У = 36,71 - 1,688X_1 + 0,388X_2 + 1,588X_3$ (6)

Оценка адекватности уравнений проведена по критерию Фишера. Убедившись в адекватности уравнений (4-6) приходим к выводу, что исследуемые факторы влияют на прочность швов [2]. Наглядно это видно на рис.2 (а,б,в).

Из уравнений (4-6) и рис.1 (а,б,в) видно, что прочность швов в первую очередь зависит от волокнистого состава и структурных особенностей прошиваемых материалов. Наибольшая прочность во всех вариантах при пошиве ткани Адрас, наименьшая при пошиве ткани Шелк.

С увеличением частоты вращения главного вала швейной машины (скорости пошива) разрывная нагрузка швов снижается при пошиве любой ткани. Это видно при сравнении вариантов 1-2, 3-4, 5-6, 7-8 чем плотнее ткань, тем существеннее влияние скорости пошива на разрывную нагрузку.

Так с увеличением скорости пошива с 4000 до 5000 мин$^{-1}$, разрывная нагрузка швов ткани Адрас (плотностью 140 г/м^2) снижается на 8,3-8,4 Н, ткани Атлас (плотностью 110 г/м^2) разрывная нагрузка шва снижается 4,3-6,7 Н, а прочность швов ткани Шелк (плотностью 80 г/м^2) снижается на 1,5-6,5 Н в соответствующих вариантах.

Увеличение расхода эмульсии, наносимой на края стачиваемых образцов тканей в исследуемых пределах от 0,15 до 0,35 г/см^2 позволяет увеличить прочность швов, что хорошо видно на рисунке сравнивая варианты 1 и 5, 2 и 6, 3 и 7, 4 и 8. Увеличение прочности швов тканей Адрас и Атлас составляет 3,2-3,4 Н. Прочность шва ткани Шелк также увеличивается с увеличением расхода эмульсии от 1,0 до 6 Н.

Увеличение жесткости каучука на верхнем прижимном ролике, с помощью которого наносится эмульсия от 100 до 200 Нм, позволяет повысить прочность швов на 2,6-2,7 Н для тканей Адрас и Атлас за счет более плотного покрытия швов стачиваемых образцов эмульсией. Влияние на разрывную нагрузку шва ткани Шелк жесткость резины не однозначно и не существенно (см. ур-е 6), что возможно связано со структурой ткани. Наибольшая разрывная нагрузка швов при пошиве каждой из исследуемых тканей при частоте вращения главного вала швейной машины 4000 мин$^{-1}$, жесткости резины прижимного ролика 200 Нм и при расходе эмульсии 0,35 г/см^2 (сле. на рис. вариант 7).



а



б



в

Рис.2 (а, б, в) Зависимость прочности швов от скорости пошива, жесткости резины прижимного ролика и расхода эмульсии.

Выводы:

1. Разрывная нагрузка ниточных швов увеличивается с уменьшением частоты вращения главного вала швейной машины и с увеличением жесткости резины прижимного ролика и с увеличением расхода эмульсии, нанесенной на края стачиваемых деталей.
2. Построенные математические модели в виде уравнений регрессии позволяют определить степень влияния каждого фактора и прогнозировать разрывную нагрузку швов при варьировании факторов.

Список литературы

[1] Патент.uz FAP00917 от 11.04.2013 Устройство для нанесения полимерной композиции на стачиваемые детали одежды.

[2] М.М. Варковидцкий, А.Л. Сазонов. Методы дисперсионного анализа в текстильных исследованиях. М: Легкая индустрия, 1977.

БАРБОТАЖЛИ ЭКСТРАКТОРНИНГ АРАЛАШТИРИШ ЗОНАЛАРИГА ГАЗ ТАҚСИМЛОВЧИ ТЕШИК ЎЛЧАМЛАРИНИ АНИҚЛАШ УСУЛИ

И.Т. Каримов

Фарғона политехника институти

(Қабул қилинди 17.10.2017 й.)

Мақолада экстракторнинг аралаштириш зоналарига газ тақсимловчи тешиклар ўлчамларини аниқлаш усули тавсия этилган.

Таянч сўзлар: *барботаж, аралаштириш зоналари, тешик диаметрлари, девор қалинлиги, тешиклар сони, газ тезлиги, газ ёстиғи.*

В статье предложен метод определения диаметра газораспределительных отверстий смесительной зоны экстрактора **.**

Ключевые слова: *барботаж, смесительная зона, диаметр отверстия, толщина стенки, число отверстий, скорость газа,газовая подушка.*

The article proposes a method for determining the diameter of gas distribution holes in the mixing zone of the extractor.

Key words: *bubbling, mixing zones, hole diameter, wall thickness, number of holes, gas velocity, gas cushion.*

Барботажли экстрактор [1] нинг газ тақсимловчи элементларини лойиҳалашда асосий эътиборни аралаштириш зоналарида ҳаракатланаётган газ-суюқлик аралашмаларининг ҳаракатланиш тезлигига қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки аппаратнинг бу зоналарида ҳаракатланаётган газнинг сарфий тезлиги қиймати чекланган бўлиб, бу қиймат w_0, $w_1 \leq 0{,}1$ м/сек ни ташкил қилади. Газнинг шу сарфий тезлиги қийматига мос ҳолда, аппаратнинг ички ва ташқи аралаштириш зоналари барботаж, яъни пуфакли режимда ишлаши учун газ миқдорининг қиймати $\varphi \leq 03$ бўлиши керак. Газ миқдорининг бу қийматдан ортиб кетиши, аралаштириш жараёни пуфакли режимдан чиқиб, струяли режимга ўтиб кетишига олиб келади. Бу ҳолатда пуфакларнинг ўзаро қўшилиши юз беради [2]. Натижада аралаштириш жараёни самарадорлиги пасаяди. Шу нуқтаи назардан аралаштириш зоналарига газ узатувчи тешик диаметрларининг қиймати асосий рол ўйнайди.

Экстракторнинг газ тақсимлаш қурилмаларини лойиҳалашда газ ёстиғи h нинг қиймати танланади. Бу қийматга боғлиқ ҳолда асосий барботаж патрубкаси ва халқали каналларнинг тешикларидан ўтаётган газ тезликларини ҳисоблаш тенгламалари тавсия этилган [3]. Бу газ тезликлари w_0 ва w_1 орқали аралаштириш зоналарига берилаётган умумий газ сарфини топишимиз мумкин. Экстракторнинг ички ва ташқи патрубкаларидаги газ ўтказувчи тешиклар ўлчамларини аниқлаш



1-расм. Газ тақсимловчи тешиклар ўлчамларини аниқлаш схемаси.

учун тешиклар марказларига тушаётган гидростатик босимларнинг таъсирини кўриб чиқамиз. Тешиклар орасидаги масофа H_1 баландликка фарқ қилади. Ички барботаж патрубкаси тешиги марказига тушаётган гидростатик босим H_0 баландлик бўйича, ташқи барботаж патрубкаси тешиги марказига тушаётган гидростатик босим эса H баландлик бўйича таъсир қилади. Бу босимларнинг ўзаро нисбати, диаметрлар нисбатига ҳам тенг бўлади [3] (1-расм).

Бу нисбат қуйидагича аниқланади.

$$\frac{\rho g(1-\varphi_1)H}{\rho g(1-\varphi_0)H_0} = \frac{d_1}{d_0} = N$$

(1)

Суюқликларни газ билан аралаштиришда экстракторнинг аралаштирувчи зоналаридаги газ ўтказувчи тешиклар диаметрларини d=2÷4 мм олиш мумкин [2].

Биз текшираётган аппарат учун ички барботаж патрубкасига газ ўтказувчи тешик диаметрини d_0=2÷4 мм қабул қилиб, бу ўлчамни диаметрлар нисбати N га кўпайтирилса, халқали каналга газ узатувчи тешик диаметри келиб чиқади[3].

$$\frac{d_1}{d_0} = N \qquad d_1 = d_0 \cdot N \tag{2}$$

Яна шу нарсага эътиборни қаратиш керакки, аппаратнинг аралаштириш зоналарига газнинг тенг тақсимланишида газ ўтаётган тешик деворининг қалинлиги ҳам катта роль ўйнайди. Бунинг сабаби тешикнинг газ ўтказишдаги қаршилик коэффициенти девор қалинлигига ҳам боғлиқ [3].

Экстракторни лойиҳалашда ички аралаштириш зонасидаги газ ўтказувчи тешик ўлчами ва девори қалинлигини танлаб ва уни билган холда (δ_0/d_0) нисбатни аниқлаб, бу катталикни диаметрлар нисбати N га кўпайтирилса, у H_1 баландликдаги халқали каналга газ узатувчи қувурча девори қалинлигининг тешик диаметрига нисбати (δ_1/d_1) га тенг бўлади[3].

$$\frac{\delta_0}{d_0} \cdot N = \frac{\delta_1}{d_1} \tag{3}$$

Бу ерда: δ_0-ички барботаж патрубкасига газ узатувчи тешик девори қалинлиги, мм;

δ_1- ташқи ҳалқали каналга газ узатувчи тешик девори қалинлиги, мм;

Бу тенгликдан ҳалқали каналга газ узатувчи қувурча девори қалинлиги δ_1 ни қиймати топилса тенглик қуйидаги кўринишга келади.

$$\delta_1 = \frac{\delta_0 \cdot N \cdot d_1}{d_0} \tag{4}$$

Барботаж трубаларидаги тешиклар сони ҳам юқорида келтирилган $w_0\ w_1 \leq 0{,}1$ м/сек шартдан келиб чиққан ҳолда қуйидаги формула ёрдамида аниқланади [2].

$$Z_0 = \frac{Q_Г}{0785 d_0^2 w_0 Z_б} \tag{5}$$

Бу ерда $Q_г$ - газ сарфи, м^3/соат; d_0 - тешик диаметри, м; w_0 - тешикдан ўтаётган газ тезлиги, м/с; $Z_б$ - барботаж турбалари сони, дона.

Юқорида келтирилган 5-тенглама орқали берилган газ сарфида барботаж трубаларидаги тешиклар сонини топиш мумкин. Лекин биз таклиф этаётган аппарат учун фақат 1 та тешикдан ўтаётган газ сарфи маълум холос. Бунинг учун 1 та тешикдан ўтаётган газ сарфи орқали барботаж патрубкаси ва халқали каналнинг кесим юзасидан ўтаётган газнинг сарфий тезликлари $w_{0Г}$ ва $w_{1Г}$ ни топиш мумкин:

$$w_{0Г} = \frac{Q_0}{\pi R_0^2 \cdot 3600}, \quad \text{м/с}; \qquad (6)$$

$$w_{1Г} = \frac{Q_1}{\pi R_1^2 \cdot 3600}, \quad \text{м/с}; \qquad (7)$$

Бу 6 ва 7 – тенгламалар ёрдамида газ миқдорининг φ ≤ 03 чегаравий қийматини қўйиш орқали барботаж патрубкаси ва халқали каналнинг кўндаланг кесим юзасидан ўтаётган газ тезликларини топиш мумкин. Шу газ тезлиги $\omega_г$ ни батта тешикдан ўтаётган газ сарфи бўйича, ички ва ташқи барботаж патрубкаларининг кўндаланг кесими юзасидан ўтаётган газ тезликлари $w_{0г}$ ва $w_{1г}$ қийматларига нисбати тешиклар сонини аниқлайди, яъни:

$$Z_0 = \frac{w_Г}{w_{0Г}}; \qquad Z_1 = \frac{w_Г}{w_{1Г}} \text{ дона} \qquad (8) \quad (9)$$

Ташқи ҳалқали каналдаги тешиклар сонини, ички асосий барботаж патрубкасидаги тешиклар сони билан тенг олинади [3].

Ёки аппаратнинг ички барботаж патрубкасидаги тешиклар сонини, газ тезлигининг чегаравий $w_г \leq 0{,}1$ м/сек [3] қийматини, битта тешикдан ўтаётган газ сарфи орқали топилган ички асосий барботаж патрубкасининг кўндаланг кесим юзасидан ўтаётган газ тезлигига нисбати орқали аниқлаш ҳам мумкин.

$$Z_0 = \frac{0{,}1}{w_{0Г}}; \qquad (10)$$

Олиб борилган назарий тадқиқотлар натижасида экстракторнинг газ тақсимловчи тешиклар диаметрлари, тешик девори қалинлиги ва тешиклар сонини аниқлаш усули тавсия этилди. Бу ўлчамлар аппаратнинг газ тақсимловчи элементларини лойихалашда мухим аҳамиятга эга бўлиб, аппарат поғоналарида жойлашган бир нечта барботаж патрубкалари ва халқали каналларда газнинг текис тақсимланишини ва тенг жадалликдаги аралаштириш жараёнини таъминлайди.

Адабиётлар.

[1]. Алиматов Б.А., Соколов В.Н., Саъдуллаев Х.М., Каримов И.Т. Многоступенчатқй барботажнқй экстрактор. А.С. №1607859 (СССР) , БИ №43, 1990.
[2]. Соколов В.Н., Доманский И.В. Газожидкостные реакторы Л.:«Машиностроение», 1976. -216 с.
[3]. Каримов И.Т. Барботажли экстракторнинг аралаштириш зоналаридаги гидродинамик жараёнларини тадқиқ қилиш.Т.ф.н. дисс.Т.ТДТУ,2001-131б.

ОБЕСПЕЧЕНИЕ БЕЗОПАСНОСТИ ДВИЖЕНИЯ АВТОМОБИЛЬНОГО ПОЕЗДА НА ГОРНЫХ ДОРОГАХ

А.А. Эшанбабаев

Наманганский инженерно-педагогический институт
(Получена 18.03.2017 г.)

Тоғли йўл шароитларида автопоезд транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш тартиб-чоралари ёритилган.

Таянч сўзлар: *автопоезд, автомобил, ҳайдовчи, хавфсизлик, птёда, юк, тоғли йўл шароити, қувиб ўтиш, тормоз тизими, баландлик, нишаблик, ҳайдовчи ахборотчанлиги, автомобил йўли, бўйлама нишаблик, хавфсизлик ҳудуди.*

В статье проанализирован ряд мероприятий для обеспечения безопасности движения автомобильного поезда на горных дорогах.

Ключевые слова: *автопоезд, автомобиль, водитель, безопасность, пешеход, грузы, горных дорожных условиях, рискованные обгоны, тормозной системы, подъем, спуск, информации водителей, торможение, автомобильных дорог, обгон, продольных уклон, зона безопасности,*

The article analyzed a number of measures to ensure the safety of the vehicle on mountain roads.
Из рисунка 2 видно, что при использовании коагулянта образца №1 при концентрации 40 мл (т.е. 0,23 мг-экв/л) достигается максимум прозрачности воды, составляет 9,0 см, образца №2 прозрачность 7,0 см, а образца №3 при концентрации 0,3 мг-экв/л прозрачность 7,0 см.

При введении в процесс флокулянта полиакриламида (ПАА) концентрацией в воде 1,0 мг/л осветление до желаемой прозрачности необходимо повысить и дозу коагулянта, так максимальная прозрачность воды при использовании образца №1 в количестве 60 мл (0,35 мг-экв/л) прозрачность составляет 9,0 см, образца №2 при концентрации 0,52 мг-экв/л 7,0 см, а образца №3 при такой же концентрации прозрачность составляет 9,0 см. С уменьшением дозу ПАА до 0,5 мг/л благоприятно влияет на осветление, т.е. улучшается флокулообразования. Так, при введении образца №1 в воду в количестве 0,23 мг-экв/л и 0,5 мг/л ПАА прозрачность достигает до 10,0 см, а образца №2 при концентрации 17,4 мг-экв/л 9,0 см, а образца №3 при концентрации 0,23 мг-экв/л она доходит до 9,0 см.

Таким образом, установлено, что полученный нами продукт – сульфат алюминия на основе Ангренского каолина по своим коагулирующим свойствам не уступает коагулянтам зарубежного образца.

Список литературы

[1] Обзор рынка коагулянтов в СНГ (Демонстрационная версия). – М.: ИнфоМайн, 2008. – 124 с.
Запольский А.К, Баран А.А. Коагулянты и флокулянты в процессах очистки воды: Свойства.

УДК 677. 054.024

ТАБИИЙ ИПАКДАН ЯНГИ ТАРКИБЛИ КЎЙЛАКБОП КРЕП ТЎҚИМАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

М.М. Мирзахонов[1], А.М. Хусанбоев[2]

[1]Ўзбекистон табиий толалар Илмий-тадқиқот институти,
[2]Фарғона политехника институти
(Қабул қилинди 24.05.2017 й.)

Мазкур мақолада икки компонентли янги таркибда эшилган иплардан ташкил топган креп газламани янги структураси, ишлаб чиқариш технологияси ва иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

В статье приводится новая структура креповой ткани, состоящей из двухкомпонентной нити новой структуры, технология ее производства и экономическая эффективность.

The article provides a new structure crepe fabric comprising bicomponent filaments of a new structure , the technology of production and economic efficiency.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21-декабрдаги ПҚ -2687сонли қарорида келгусида иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришларни давом эттириш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини модернизациялаш, диверсификациялаш ва жадал ривожлантиришни таъминлаш, пахта толаси ва ипак хом ашёсини чуқур қайта ишлаш , хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш йўли билан рақобатбардош, ташқи бозорларда талаб қилинадиган тайёр, экспортга йўналтирилган махсулотлар ишлаб чиқариш хажмлари ва турларини кенгайтириш мақсадида:

Пахта толаси ва ипак хом ашёсини чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматли , ташқи бозорларда талаб юқори бўлган тайёр тўқимачилик махсулотлари ишлаб чиқариш бўйича топшириқларни белгиланган муддатларда тўлиқ бажарилишини таъминлаш

юзасидан масъулият “Ўзбекенгилсаноат” ва бошқа акциядорлик жамиятлари хамда корхоналар рахбарлари зиммасига юклатилган [1].

Олиб борилган илмий тадқиқотнинг мақсади табиий ипакдан янги таркибли, кўйлакбоп креп тўқималарни ва уларни ишлаб чиқариш технологиясини яратиш, ҳамда уларнинг турини кўпайтириш , саноатни экспорт салохиятини оширишдан иборат.

Табиий хом ашёдан тайёрланган маҳсулотга талаб кундан-кунга ошиб бораётган, жаҳон модасида пахта ва ипак толалари иштирок этадиган газламалар катта муваффақият қозонаётган бир пайтда асосий бойлигимиз бўлган маҳаллий тўқимачилик толаларини қайта ишлаш ҳажмини ошириш, уларга табиий толалар аралаштириб янги ассортиментдаги газламалар яратиш йўлларини излаб топиш муҳим ҳисобланади. Ҳукуматимиз томонидан тўқимачилик мутахассислари ва олимлари олдига жуда катта долзарб масалалар қўйилди. Мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, табиий толалардан сифатли тўқималар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, жаҳон бозорида «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи остида рақобатбардош маҳсулотлар билан савдо қилишга эришиш муаммоларини ҳал этиш бугунги кунда ечимини кутаётган асосий долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Табиий ипак қадимдан турли тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун кенг қўлланилган. Ипакнинг юқори даражадаги гигиеник хусусиятлари инсон организми учун қулай шароит яратиши ундан кўйлакбоп тўқималар ишлаб чиқариш учун замин яратади.

Хозирги кунда Республикамиз корхоналарида сифатли кўйлакбоп креп тўқималар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган. Шу кунгача табиий ипак толаларидан ишлаб чиқарилаётган кўйлакбоп тўқималар турлари жуда чекланган, чунки ипакнинг нотекислик даражаси юқори бўлганлиги сабабли ундан ишлаб чиқарилган тўқималар истеъмолчилар талабларига жавоб бермас эди. Ипакчилик корхоналарида замонавий технологиялар жорий этилиши, пилланинг сифатли навлари етиштирилиши табиий ипакнинг сифатини кескин оширди. Табиий ипакнинг гигиеник хусусиятлари юқори бўлганлиги сабабли, ундан турли ҳил газламалар ишлаб чиқариш ва улардан кийимлар тикиш мақсадга мувофиқдир. Махсулотнинг янги турларини яратмай хозирги бозор иқтисодиёти даврида, ҳамда тобора кучайиб бораётган рақобат мухитда жахон бозорида рақобатбардош бўлган махсулот ишлаб чиқариш, унинг турини кўпайтириш, саноатни экспорт салохиятини ошириш, махсулот менеджменти, маркетинг ва савдо-сотиқ ишларини юқори даражада бажариб бўлмайди. Мазкур ишда янги тузилишдаги сифатли кўйлакбоп креп тўқималар яратиш йўли билан бу муаммони ҳал қилиш режалаштирилган.

Кўйлакбоп креп тўқималарнинг ассортиментини кенгайтириш мақсадидаикки компонентли мураккаб бурамли пишитилган табиий ипакдан креп хусусияти, донадорлиги, хаво ўтказувчанлиги яхшиланган янги таркибли тўқималар лойихаланди.Лойихаланган иккикомпонентли креп тўқималарни ишлаб чиқариш учун мураккаб бурамли пишитилган ипларданн тўқима ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилди. Технологик ускуналар, жараёнларнинг технологик тизими танлаб олинди. Тўқима ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари оптимал бўлиши хамда махсулот сифати юқори бўлишини таъминлаш мақсадида технологик жараёнларнинг оптимал тахтлаш параметрлари хисобланди ва танлаб олинди. Қуйидаги жадвалларда танда тайёрлаш ва тўқима ҳосил бўлиш жараёнларининг асосий технологик омиллари келтирилган.

Ўзбекистон табиий толалар илмий тадқиқот институтининг ишлаб чиқариш лабораториясида мажуд тўқув дастгохларида лойихаланган тўқиманинг тажриба намунаси ишлаб чиқарилди. Олинган креп тўқималарнинг тажриба намуналари лаборатория синовидан ўтказилди ва уларнинг асосий кўрсаткичлари аниқланди. Натижалар кўйлакбоп тўқималар учун икки компонентли мураккаб бурамли пишитилган креп хусусияти, донадорлиги, хаво ўтказувчанлик жихати билан ажралиб турувчи, белгиланган меъёрий хужжатларга тўлиқ мос келиши аниқланди.

Жадвал 1

Танда тайёрлаш жараёнининг технологик омиллари

№	Омиллар	Бирлиги	Кўрсаткичлар
1.	Ипнинг чизиқли зичлиги	Текс	2,33х4х2
2.	Танда ўраш тезлиги	м/мин	40
3.	Ғалтакка ўраш тезлиги	м/мин	25
4.	Ип таранглиги	сН	20
5.	Узилишлар сони	уз/10^6м	5
6.	Ўрама зичлиги	г/см^3	0,70

Тўқиманинг тажриба намуналарини синаш натижаларидан келиб чиқиб, унинг техник хисобига тегишли ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, тўқиманинг сирт зичлиги 110-125г/м^2 бўлишини таъминлаш мақсадида унинг арқоқ бўйича зичлиги 18-24 ип/дм қабул қилинди. Ўзгартирилган тўқималарнинг тажриба намуналари ишлаб чиқарилди. Олинган натижалар янги таркибли икки компонентли мураккаб бурамли пишитилган табиий ипакдан креп хусусияти, донадорлиги, ҳаво ўтказувчанлиги яхшиланган янги таркибли тўқималарда дастгох унумдорлигини арқоғ бўйича зичлиг 18 ип/дм бўлганда аввалги (маълум креп газламада 32 ип/дм)га нисбатан 76,6%га, арқоғ зичлиги 24 ип/дм бўлганда 33,3%га ошиши маълум бўлди.

Юқоридагиларни инобатга олиб янги таркибли кўйлакбоп креп тўқималарни иқтисодий самарадорлигини кўриб чиқамиз.

Ҳозирги кунда 1кг хом ипакнинг 3-А нави жаҳон бозорида 50,5 долл. Юза зичлиги 110г/м^{2}ли бўлган янги таркибли кўйлакбоп креп тўқималардан 9,09м , юза зичлиги 125г/м^{2}ли бўлган янги таркибли кўйлакбоп креп тўқималардан 8,0 м ишлаб чиқариш мумкин, ушбу тўқималарнинг бозордаги сотилиш бохоси ўртача 9-12долл.

Янги таркибли 1м^2 кўйлакбоп креп тўқима ишлаб чиқариш таннархи 110 г/м^2 ли газлама учун 5,55 долл, хом-ашё ишлаб чиқариш харажати билан 6,0долл, демак ҳар бир метр квадрат тўқимадан 3долл, 125г/м^2 ли газлама учун 6,31 долл, хом-ашё ишлаб чиқариш ҳаражати билан 8,52 долл, ҳар бир метр квадрат тўқимадан 3,48 долл иқтисодий самара олиш мумкин бўлади.

Шундай қилиб, икки компонентли янги таркибда эшилган иплардан ташкил топган креп газламани янги структураси яратилди ва иқтисодий самарадорлиги аниқланди.

Адабиётлар

[1] Мирзиёев Ш.М. “2017—2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ПҚ-2687 [Текст] / Ш. М. Мирзиёев // «Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016й, 21-декабр 51-сон, 584-модда»

[2] Мирзахонов М.М, Валиев Г.Н., Фойдали моделга патент “Креп газлама” Ўзбекистон Республикасининг № FAP 00774 сонли патенти.

[3] Хасанов Б.К. Проектирование новой структуры креповой ткани. [Текст] / Б.К. Хасанов, М.М. Мирзахонов // Физика волокнистых материалов: структура, свойства, наукоёмкие технологии и материалы (SMARTEX – 2016): сборник материалов XIX международного научно-практического форума, 23-27 мая 2016 года. – Иваново: ИВГПУ, 2016. - Часть 1. – С. 333-337. (БД РИНЦ).

УДК: 40/42

ИЖОДИЙ ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КИТОБХОНЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

Д.М. Юлдашева, Б. Қурбонова

Фарғона давлат университети

(Қабул қилинди 18.03.2017 й.)

Мазкур мақолада ёшлар китобхонлигини шакллантиришнинг ижтимоий- педагогик хусусиятлари таҳлил этилган ҳамда шахс тафаккури ва фикрлаш қобилияти китобхонликни ривожлантиришга боғлиқлиги таъкидланган

Таянч сўзлар: *нутқий тафаккур, онг, китобхонлик, эстетик завқ, ижтимоий масъулият*

В данной статье проанализированы социально-педагогические аспекты формирования у молодёжи любви к литературе, а также говорится о связи способности мышления и творческого мышления формировании книголюба.

Ключевые слова: *творческое мышление, книголюб, эстетическое наслаждение, сознание, общественное обязательство.*

Socio-pedagogical aspects of the formation of young people's love of literature, relationship of thinking and creative thinking to the formation of book lovers are analyzed in the article.

Keywords: *creative thinking, intellection, aesthetic pleasure, consciousness, social obligation.*

Ижодий тафаккур инсоннинг интеллектуал характердаги ютуқларини юзага чиқарувчи восита саналади. Шахсларнинг ўзаро мулоқоти ва коммуникация жараёни сўзлашувчиларнинг мантиқий фикри ҳамда тафаккурини намоён қилади.

Инсон онги озиқланадиган манба эса шубҳасиз, китоб саналади. Китобнинг шахс камолоти, айниқса ёшларнинг маънавий оламини шакллантиришда китобхонликнинг аҳамиятини ёритиш – бугунги глобаллашув жамиятида тобора аҳамиятли масалага айланди.

Шунингдек, инсоннинг ижтимоийлашуви, маънавий ёлғизликдан қочиш зарурати, эҳтиёж ва манфаат уйғунлигини таъминлаши мутолаа орқали амалга оширилади. Инсон шахсини ривожлантирувчи адабиётлар эса унинг жамиятда яккаланиб, ёлғизланиб қолишдан ҳимоялайди. Чунки Эрих Фромм таъкидлаганидек, "... мутлоқ ёлғизликни ҳис қилиш психик емирилишга олиб келади, бу худди жисмоний очлик ўлимга олиб келишига ўхшайди. Индивид жисмонан ёлғиз бўлиши мумкин, бироқ айни вақтда қандайдир ғоялар, ахлоқий қадриятлар билан ёки ҳеч бўлмаганда, социал стандартлар билан боғлиқ бўлиши зарур."[3] Айни шу боғлиқликни эса шахсга, айниқса, ёшларга китоб туҳфа этади.

Китоб инсоннинг маънавий қувватини оширганлиги, миллатнинг мавжудлигини таъминлаганлиги учун Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби минглаб мутафаккирларнинг тадқиқот ва кашфиётларига замин ҳозирлаб, уларнинг илмий-маърифий бисотини бугунги кунга етиб келишига восита бўлди. Инсонни маънавий емирилишдан, уни маънавий ёлғизликдан қутқарадиган китоб ҳақида Шарқ мутафаккири Муҳаммад Жабалрудий қуйидаги фикрларни баён қилади: "Эй азиз! Киши учун китобдан азизроқ ва ёқимлироқ суҳбатдош йўқдир. Китоб фасоҳат, балоғатда, латофатда тенги йўқ, мунофиқликдан холи ҳамроҳдир. Ёлғизликда ва ғамли айёмларда мунис улфатдир. Унда на нифоқ бору, на гина. У шундай ҳамдамки, сўзларида ёлғон ва хато бўлмайди. Суҳбатидан эса кишига малоллик етмайди. У ўз дўстининг оғритмайди. Юрагини эса сиқмайди. У шундай рафиқдирки, киши орқасидан ғийбат қилиб юрмайди. Унинг суҳбатидан сенга шундай файзли фойдалар етадики, бундай фойдани одамлардан топа олмайсан. Аксинча, аксар одамлар суҳбатидан кишига зарар етади. Китобдек дўст ичида барча илму ҳилм мужассамдирки, у кишиларни ўтмишдан ва келажакдан огоҳ қилиб туради. Шунинг учун ҳам "Китоб ақл қалъасидир" деганлар".

Оилада китобхонликни ривожлантириш оилавий кутубхонани ташкилланиши билан бошланишига мисол тариқасида маърифатпарвар Исҳоқхон Ибратнинг "Кутубхонаи Исҳоқия" деб аталган кутубхонани ташкиллаганини келтириш мумкин. Унинг машҳур кутубхонасида Саидрасул Саидазизовнинг "Устоди аввал", Абдулла Авлонийнинг "Биринчи муаллим", "Туркий гулистон ёҳуд аҳлоқ", Рустамбек Юсуфбек ҳожи ўғлининг "Раҳбари ҳисоб" каби кўплаб дарсликлар, ўқув қўлланмалари сақланган.

Биринчи Президентимиз И. Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида: "Ёшларимиз китобхон бўлишлари керак.Чинакам китобхонлик бор жойдагина юксак тараққиётга эришиш мумкин,"[1] деб таъкидлаган эди. Чиндан ҳам китобда, бадиий асарда бадиий кечинма моҳиятидаги асардаги тимсолларни унинг ҳаётий асоси билан таққослаб кўриш ва эстетик завқ олиш манбаи мавжуд. Инсоннинг қалбига бундай эстетик завқ орқали

таъсир этиш усулининг яна бир афзаллиги унинг холислигидадир. Айни шу холислик инсоннинг маънавий оламини бойитади.

Китоб инсонни улғайтиради, уни буюкликка элтади. Китоб – шахс маданиятини шакллантиришда, уни тарбиялашда муҳим ўрин тутади. У инсоният тарихининг ноёб кашфиётидир. Китобнинг жамият ривожида ўрни беқиёс. Айнан у кишилар орасида ахлоқий қадриятларни, ватанпарварлик ва инсонпарварлик каби инсоний ҳис-туйғуларни, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ғоят муҳим ўрин тутади.

Юнесконинг 23 апрел – Халқаро китоб ва муаллифлик ҳуқуқи куни муносабати билан эълон қилган баёнотида "…Китоб жамиятларимизнинг маданий-маърифий қадриятларини шакллантириш ва мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшади. … у иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилидир", деб таъкидланган. Мазкур баёнотда турли миллат ва элатларнинг она тилларида китоб нашр қилиш ўз-ўзини намойиш қилишнинг муҳим омили эканлиги алоҳида эътироф этилган. "NOP VORD" халқаро рейтинг агентлиги маълумотларига кўра, дунёда одамлар ҳафтасига 16,6 соат вақтини телевизор кўришга сарфласа, 8,9 соатни компьютер қаршисида ўтказади, 6,5 соатни эса мутолаага ажратади. 2016 йилда ҳафтасига энг кўп китоб ўқийдиган мамлакатлар рўйхатида Ҳиндистон – 10,7, Таиланд – 9,4, Хитой – 8, Филиппин – 7,6, Чехия – 7,4, Россия – 7,1, Швеция – 6,9 ва Венгрия – 6,8 соат билан юқори ўринларни эгаллар экан. Китобнинг маънавий дунёқарашдаги аҳамиятини ҳисобга оладиган бўлсак, мутолаани миллий қадрият сифатида кўтариш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари"га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида ҳам таълим ва илм-фан, давлатнинг ёшларга доир сиёсатини амалга ошириш, таълимнинг янги, замонавий усулларини, жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасида бир қатор вазифаларнинг белгиланиши ҳамда ёшларда китобхонлик феноменини шакллантириш борасида қуйидагилар алоҳида таъкидланди: "Шу ўринда ҳаммамиз учун айни пайтда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала, яъни китобхонликни кенг ёйиш ва ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси турибди". Шунингдек, Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги Фармойиши айни пайтда ахборот-коммуникация соҳасидаги охирги ютуқларни ўзлаштириш билан бирга, ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини кучайтиришга, уларнинг китоб билан дўст бўлишига, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги, бунинг учун, аввало, миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ижтимоий тармоқларга жойлаштириш ва уларни кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор беришимиз муҳим аҳамият касб этиши, давлатимиз раҳбари томонидан таъкидланади.

Мазкур Фармойишда китобхонлик маданиятини юксалтишга алоҳида урғу берилган. Китобхонлик маданияти, ёшларда китобхонлик феномени шакллантириш билан муштарак ҳолда олиб борилади. Китобни танлай олиш ва ўзи учун зарурини ўқиш, ўқиганларини мустақил талқин этиш, мунтазам равишда ўқиш кўникмасига эга бўлиш, ҳар бир яхши асарни илм уммонининг гавҳари деб билиб, ўз хулқида, ҳаётий позициясида ундан самарали фойдаланиш китобхонлик феномени вужудга келтиради.

Ёшларни китоб ўқишга жалб қилиш – бу, мамлакат маънавий куч-қудратини мустаҳкамлаш, ёш авлодни юксак мақсадларга хизмат қилишга тайёрлаш демакдир. Шу боис ёшлар ўртасида китобхонликни ривожлантириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

1. Касб-ҳунар коллежи, академик лицейларга кириш синовларининг иншо ва баён шаклидан фойдаланиш ёшлар ўртасида китобхонликни, ўз фикрини ёзма ифодалаш, изчил мантиқий тафаккурлашга эҳтиёжни вужудга келтиради. Демакки, китобга меҳрни уйғотади.

2. Олий ўқув юртларида ўқитиладиган фанлардаги мавжуд мустақил таълимларни китоб мутолааси шаклида ўтказиш, китобхонликка бағишланган тадбир ва кўрсатувларни кўпайтириш;
3. Ҳар бир таълим муассасасида "Ҳар ойда бир китоб", "Китобхон – оила" лойиҳаларини ташкиллаб, ўқилган асарлар кенг миқёсда таҳлил этилса, яхши, фаол китобхон тақдирланиб борса, ёшларни бадиий асарларни ўқишга бўлган қизиқишлари ошади.

Натижада, ўқиш даражасининг юқорилиги маданиятнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бирига, китоб миллатнинг интеллектуал салоҳиятини, жамиятнинг бадиий ва ижтимоий фаоллигини оширувчи муҳим воситага айланиб боради.

Адабиётлар

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси.
[3] Fromm E. O`zgulukten kacis. Geviren: Semsa Yeg`in. – Baski: Teknografik matbaasi, 1996.

ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ТАЪЛИМИДА МИЛЛИЙ ҒОЯ ЎҚИТИЛИШИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Н. Олтмишева

Фарғона политехника институти
(Қабул қилинди 25.05.2017 й.)

Маколада Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ҳозирги кунда ижтимоий ҳаётга кенг тадбиқ этилиши масалалари ҳам ҳар бир фанни ўқитищда ўқитувчилар масъулиятини янада ошириши хамда таълим жараёнида миллий ғоя ва мафкурани ўргатиш ўта жиддий вазифа эканлиги ёритилган .

Таянч сўзлар: *Ҳаракатлар стратегияси, соғлом мафкура ва иммунитет, миллий мафкурани ўргатищ, миллий тарихимиз ва умумбашарий тараққиёт, ноанъанавий дарс ўтиш методлари.*

В этой статье говорится о внедрении в стратегию развития пять приоритетных направлений развития республики Узбекистан, утвержденной в 2017-2021 годах нашим президентом Ш.Мирзиёевым в общественную жизнь. Это увеличит ответственности каждого учителя-социолога и в течении учебного процесса повысит значимость национальной идеи и идеологии.

Ключевые слова: *стратегия развития, благополучная идеология и иммунитет, учить национальную идеологию, национальная история и общечеловеческие развитие, нетрадиционные методы преподавание.*

This article says that inculcation of the action strategy five main directions of Development in the Republic of Uzbekistan accpted in 2017-2021 years by our president Sh.Mirziyoyev into social life will increase responsibility of every teacher and during the educational process increases our national idea and ideology.

Keywords: *strategy of actions, strong ideology and immunity, instructing the national ideology, our national history and development of panhuman, methods of unconventional teaching.*

"Бугунги вазифамиз ижтимоий соҳанинг етакчи олимларини, файласуфлар, сиёсатшунослар, социологлар, ҳуқуқшунослар, педагоглар, психологлар, тарихчилар, адиб ва журналистларнинг энг пешқадам вакилларини мазкур жараёнга жалб қилиш, уларнинг билим ва тажрибаларидан омилкорлик билан фойдалана билишни тақозо этади".

И. Каримов

Мамлакатимизда мустақиллик йилларига келиб Республикамизнинг биринчи Президенти И.Каримов раҳнамолигида ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида туб ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, таълим жараёнида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ҳам янги тизимга ўтилди.

Ушбу ўзгаришлар мазкур фанларни ўқитиш муаммоларига янгича ёндашув билан бирга, амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишларини ҳам замон талабларидан келиб чиққан ҳолда олиб бориш, таълим жараёнида эса ижтимоий-гуманитар фанлар таълимида уларни тўлақонли акс эттириш, талаба-ёшлар оммасини улардан ўз вақтида хабардор қилиш каби ёндашувларни тақозо қила бошлади. Натижада кейинги ўн йилликлар мобайнида Ўзбекистон тарихи, ҳуқуқшунослик, иқтисодиёт, социология, фалсафа, миллий ғоя сингари бир қанча йўналишлар бўйича ўқитилаётган фанлар сингари ушбу соҳаларда олиб борилаётган илмий изланишлар ҳам тез ўзгараётган замон талабларини акс эттириши лозимлиги даврнинг эҳтиёжига айланди. Бу эса ўз навбатида ушбу фанларни ўқитиш учун масъул бўлган фан ўқитувчилари қатори жамиятшунос олимлар олдига ҳам муайян долзарб вазифаларни қўйди.

Шунингдек, ушбу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев томонидан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ҳозирги кунда ижтимоий ҳаётга кенг тадбиқ этилиши масалалари ҳам ҳар бир жамиятшунослик фани ўқитувчисининг масъулиятини янада оширади. Чунки бу устивор йўналишлар бўйича қабул қилинажак ва амалга оширилажак ҳар бир Давлат дастурининг ижросини таъминлаш халқимиз ва мамлакатимиз тарихида янги саҳифаларни очади. Шундай экан, бундай ёндашув талаба-ёшларимизда мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари тўғрисидаги тушунча ва тасаввурларини бойитибгина қолмасдан, уларда юртимиз келажагига ишонч, ундан фахрланиш ва ғурурланиш туйғуларини янада мустаҳкамлайди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги давр эса ёшларимизда соғлом мафкура ва иммунитетни қарор топтиришни бутун таълим тизими олдига муҳим вазифа қилиб қўйган. Зеро, тарихнинг барча даврларида тараққиёт ва юксалиш кишиларни миллий тараққиёт ғоялари атрофига жипслаштириш ва якдил қилишга боғлиқ бўлганидек, мустақилликка эришгач, жамиятимиз олдига қўйилган улуғвор мақсад ва муддаоларга эришиш ҳам кўп жиҳатдан халқимиз онги ва шуурига миллий ғоя ва мафкурамиз тамойилларини сингдириш билан чамбарчас боғлиқдир. Бу эса ўз навбатида миллий ғоя ва маънавият асослари туркумига кирувчи фанларни ўқитишда замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ёндашув лозимлигини англатади.

Таълим жараёнида миллий ғоя ва мафкурани ўргатиш ўта жиддий вазифа. Шунинг учун бу фанни ўқитиш пухта тайёргарлик, махсус ва етук маълумот, чуқур билим ва айни пайтда бой ҳаётий тажрибага эга бўлган ўқитувчи зиммасига юкланиши лозим. Чунки бу ўринда гап мустақиллик қадриятларига содиқ, истиқлол неъматларини теран тушунадиган, истиқболдаги орзуларимизни рўёбга чиқариш учун ҳар томонлама тайёр бўлган авлодни шакллантириш тўғрисида бормоқда. Бунинг учун эса миллий ғоя ўқитувчиси машғулотлар чоғида ота-боболаримизнинг ўз фарзандларини умумбашарий туйғулар, ўлмас Шарқ фалсафаси ютуқлари, миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбия қилишга катта эътибор бериб келишганлигига таянмоғи мақсадга мувофиқдир. Чунки бундай фазилатлар моҳият эътиборига кўра, замонавий ўзбек халқига ҳам хос бўлиб, уларни ҳар қанча чуқур ўрганса арзийди. Айни пайтда тарихимиз ва бугунги турмушимизда кенг ўрин эгаллаган Ислом динининг муқаддас мероси, Ислом маърифатини ўрганиш, шу асосда буюк маданиятимиз ва қадриятларимиз илдизларини жонлантириш орқали асрлар силсиласи синовларидан ўтган миллий мафкура ва тафаккуримизни янги босқичга кўтариш, уни ўз навбатида замонавий умуминсоний қадриятлар билан бойитиш ҳам миллий ғоя фанини ўқитишда олдимизда турган муҳим услубий вазифалардир.

Миллий ғоя фанини ўқитишда кўзланган мақсад ва самарага эришиш учун, шубҳасиз, миллий тарихимиз ва умумбашарий тараққиёт ривожига унутилмас ҳисса қўшган олимларимизнинг илмий мероси ушбу фан ўқитувчисининг ҳамиша диққат марказида бўлиши лозим. Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.Каримов бу борада алоҳида

таъкидлаганидек, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбандий, Нажмиддин Кубро, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳамад Бобур каби улуғ аждодларимизнинг мавзуга дахлдор бўлган асарларини чуқур билиш барчамиз учун дастуруламалдир.

Бугун маълум маънода жуда мураккаб даврда яшамоқдамиз. Барча соҳаларда глобаллашув жараёнлари тобора авж олиши оқибатида баъзи кучлар томонидан дунёни мафкуравий бўлиб олиш учун интилишлар айрим халқлар ва давлатларнинг геополитик мақсадларига айланган. Ана шундай вазиятда бу кучлар кишилар онги ва қалбини ўз ғоя ва мафкуралари таъсири остига олиш мақсадини маъқул кўришмоқда. Натижада аҳолини, хусусан, аксарият ҳолларда ёш авлод вакилларини, ана шундай мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш кун тартибидаги долзарб муаммога айланмоқда. Бу ҳам ўз навбатида миллий ғоя ўқитувчисидан жуда катта масъулиятни талаб қилади. Жумладан, миллий ғоя дарсларининг таъсирчанлигини оширишда ўқитувчи замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда электрон ўқув ишланмалар ёрдамида машғулотларни ташкиллаши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун, албатта, тайёр ишланмалар билан бирга ўқитувчининг ўзи ҳам шундай ишланмаларни тайёрлаш учун ҳаракат қилиши зарур. Бунда агар бир нечта иқтидорли талаба-ёшларни ҳам жалб қилиш мумкин бўлса янада яхши. Фан ўқитувчилари эса ушбу мақсадда таълим муассасаларида яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиш учун ҳаракат қилиши тавсия этилади.

Миллий ғоя дарсларини бундай ташкиллашнинг бир қатор афзалликлари бор. Хусусан, ноанъанавий дарс ўтиш методларини қўллаш натижасида дарс сифати ва самарадорлигининг ошишига эришилади, анъанавий усулларда дарс ўтилган чоғдаги ўқувчиларнинг зерикиши ҳолларига барҳам берилади, аксинча, ўқувчиларнинг дарсга нисбатан қизиқиши ортиши натижасида электрон ишланма ёки электрон дарсликни тайёрлашда фойдаланилган анимация, мультимедия сингари технологиялар ўқув материалларини яхшироқ ўзлаштириш имконини беради, дарс мазмунининг ўқувчи хотирасида мустаҳкамроқ муҳрланиб қолишини осонлаштиради, шунингдек, ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш билан бирга уларнинг компьютер саводхонлигини кўтариш учун ҳам шароит яратилади.

Маълумки, жамият тараққиётининг туб бурилиш даврларида ижтимоий фанлар таълими бир қатор хусусиятлар билан боғлиқ бўлади. Бу, аввало, шу даврга келиб жамият тараққиётини таъминлайдиган воқеа-ҳодисаларнинг ўта тезлашуви, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ўзгаришларнинг амалга оширилишига фаол киришилиши оқибатида ушбу жараёнларнинг инъикоси бўлган ижтимоий фанларнинг мазкур жараёнларни тўлиқ қамраб олиши бироз қийинлашади. Бу эса ўз навбатида таълим жараёнида ҳам акс этмасдан иложи йўқ. Шунинг учун бу даврда ушбу фан ўқитувчиларидан таълим-тарбия жараёнларига алоҳида масъулият билан ёндашув зарурияти юзага келади. Шундай экан, мазкур фан ўқитувчилари бу даврда асосан қуйидагиларга эътиборни кучайтириши зарур:

-ҳар бир фан ўқитувчиси жамият ҳаётида амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етиши ва уни ўқувчилар оммасига тўлиқ етказиш учун ҳаракат қилиши лозим. Жумладан, давлатимиз раҳбари, ҳукуматимиз ҳамда вазирлик томонидан таълим соҳасини ислоҳ қилиш мақсадида олиб борилаётган сиёсатни тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда бу борада берилган вазифа ва топшириқларни ўз вақтида сифатли ижросини таъминлаш айнан ушбу фан ўқитувчилари зиммасига юкланади;

-таълим жараёнига тадбиқ этилаётган технологиялардан батафсил хабардор бўлиши ҳамда дарсларни ташкиллашда улардан кенг фойдаланиш имкониятларини излаш учун интилиб фаолият кўрсатиши лозим;

-анъанавий дарс усулларидан қатъият билан воз кечган ҳолда асосий эътиборни дарс сифати ва самарадорлигини ошириш имконини берадиган ноанъанавий усуллардан кенг фойдаланган ҳолда машғулотларни ташкиллаш мақсадга мувофиқдир;

-ҳар қандай дарс ўтишдан кўзланган асосий мақсад ўқувчига пухта билим бериш эканлигидан келиб чиққан ҳолда ўқув машғулотлари чоғида ўқувчилар фаоллигини оширишга қаратилган замонавий дарс ўтиш усулларидан кенг фойдаланиш лозим;

-бугунги кунда илғор педагогик технологиялардан қўлланиб дарс ўтиш муваффақиятлар гарови эканлиги ҳар бир замонавий ўқитувчининг диққат марказида турмоғи лозим;

-кўргазмалилик ўқитувчининг асосий қуролидир, шиоридан келиб чиққан ҳолда ўқув машғулотларининг сифат ва самарадорлигига эришиш мақсадида фан кабинетлари, ўқув хоналарининг замонавий талаблар асосида жиҳозланган бўлишига ҳам эътиборни кучайтириш зарур;

-бугунги кун ўқитувчиси ўз устида тинмай ишлаши, билим ва малакасини муттасил равишда ошириб боришга катта эътибор қаратмоғи лозим. Акс ҳолда ўқитувчининг замондан орқада қолиши кузатилади ва бу салбий ҳол нафақат ўқитувчи фаолиятида, балки бутун таълим жараёнида муайян оқсашларга сабаб бўлади.

Жамиятшунослик фанлари таълими талаба-ёшларни баркамол шахс этиб тарбиялаш, уларда соғлом мафкуравий иммунитетга асосланган мустаҳкам ҳаётий позицияни қарор топтириш, ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан бефарқ бўлмаган маънавий дунёқарашни шакллантириш, Ватанимизнинг узоқ ва бой ўтмишидан чексиз фахрланиш, ўзи туғилиб ўсган юртга нисбатан меҳр-муҳаббат, ватанпарварлик туйғуларини тарбиялаш, халқимиз тарихидан муносиб ўрин эгаллаган авлод-аждодларимизнинг буюк вакилларидан ғурурланиш ва ниҳоят ўз юртининг эртанги куни тўғрисида қайғуриш каби инсоний фазилатларни қарор топтиришга яқиндан кўмаклашади. Шундай экан, ушбу фан ўқитувчилари ҳам ана шу вазифаларни адо этишга бевосита дахлдор эканликларини чуқур ҳис этган ҳолда ўз фаолиятларини ташкил этиши бугунги замон талабидир.

Адабиётлар:

[1]. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. “Туркистон” газетаси мухбирининг саволларига жавоблар. 1998 й.

[2]. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилиши маросимида сўзланган нутқ. 1995 й. 3 октябрь

[3]. Каримов И.А. Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи. Миллий истиқлол мафкураси концепциясининг асосий тамойилларига бағишлаб ўтказилган илмий ва ижодий жамоатчилик вакиллари билан учрашувда сўзланган нутқ. 2000 й. 6 апрель

[4]. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Т.,“Ўзбекистон”, 2017 й.

“АВЕСТО” НОЁБ ТАРБИЯВИЙ БИЛИМЛАР ХАЗИНАСИ

Ш. Расулова

Фарғона политехника институти

(Қабул қилинди 5.06.2017 й.)

Ушбу мақолада Зардуштийликнинг бош китоби “Авесто”, унинг умумий изоҳи ва Марказий Осиё халқларининг маънавий маданияти ҳақидаги маълумотлар берилган. “Авесто” китобида берилган билимлар хозирги кунимизда ҳам тарбия жараёнида муҳим аҳамият касб этиши кенг ёритилган.

Таянч сўзлар: *Яхшилик, ёмонлик, эътиқод, аҳлоқ, замин, эзгу фикр,эзгу сўз, эзгу амал*

В стати дано общий анализ священной книги Зароастризма «Авесто» идуховной культуре народов Средней Азии той эпохи. Актуальность современной эпохе священной книги в вопросах воспитания молодого поколения.

Ключевые слова: *нравственность, мораль, доброта, зло, смысл жизни, вера.*

In this article the main book “Avesta” of Zoroastrianism and its general note and information of the spiritual culture of the peoples of Central Asia have been illuminated. Knowledge was given in the book of “Avesta” in our day education plays an important role in the process of comprehensive coverage has been illuminated widely.

***Key words**: kindness, evil deed, wickendness, good deed, conviction, morality, foundation, good word, good career, good work..*

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг маънавий-аҳлоқий бой меросини ўрганиш ва уни тарғиб-ташвиқ қилишга, катта эътибор қаратган эдилар. Хусусан, зардўштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”даги ғоялар ҳақида гапирар экан, қуйидаги фикрларни баён қилади: “Ана шундай тарихий ёдгорлик наъмуналари билан яқиндан танишар эканмиз, уларда ифода этилган инсон ва табиат тўғрисидаги теран фикр ва ғоялар, ҳаёт фалсафаси бизни бугун ҳам ҳайратда қолдиришига яна бир карра амин бўламиз... “Авесто”да борлиқнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, инсон ҳаётининг табиат билан уйғунлиги масаласи одамнинг руҳий оламига чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрсатилгани кўп нарсани англатади” [1], деган фикрлари ҳамда инсон ва табиат муносабатида ўзаро уйғунлик қонунияти мавжудлигини бадиий сўз ёрдамида ифодалаш тўғрисидаги мулоҳазалари табиатга эстетик муносабатни шакллантиришда муҳим назарий-методологик ва амалий аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, Марказий осиё халқларининг маданият тўғрисидаги қарашлари эрамиздан уч минг йиллар олдин вужудга келган ва айрим тадқиқотчилар томонидан дастлабки дунёвий дин деб эътироф этилган зардуштийлик динига бориб тақалади. Зардуштийшунос тадқиқотчиларнинг қайд этишларича, қадимги афсонавий Атлантида халокатидан кейин жаҳон маданияти маркази Ҳимолай ва Тибет тоғларига, Турон текисликларига кўчган. Бу маданият маҳаллий маданият билан интеграциялашиб, инсониятнинг Ер юзидаги энг қадимги ва умумий маданиятига айланган ва зардуштийлик номи билан бутун дунёга машхур бўлган.

Машҳур зардуштийшунос олима, Лондон университети профессори Мэри Бойс таъкидлашича, Зардушт милоддан олдинги 1700-1500 йиллар оралиғида яшаб ўтган бўлиб, унинг таълимотига, ўзининг инсониятга бевосита ёки билвосита таъсири борасида битта ҳам эътиқод тенглаша олмайди. Зардуштийлик яхудий динига, будда таълимотларига, христиан ва ислом динларига, қатор диний ва фалсафий оқимлар ва йўналишларга ўз таъсирини ўтказган. Зардуштийликнинг тўрт унсур: олов, сув, ҳаво ва тупроқ ҳақидаги таълимоти милоддан олдинги иккинчи минг йилликда Хитойга, Хиндистонга милоддан олдинги VII-VI асрларда қадимги Юнонистонга тарқалган ва бир қатор фалсафий мактаб ва йўналишлар шаклланишига муҳим назарий-методологик асос бўлган. Хусусан, қадимги Юнонистондаги ижтимоий-фалсафий фикрлар тарақиётини бошлаб берган Милет мактаби фалсафаси, асосан, “Авесто” маданияти, яъни зардуштийлик таълимоти таъсирида шаклланган. Иониядаги милет донишмандларининг фалсафий қарашларига таъсир фақат бир томонлама – зардуштийлик томонидан бўлган [2].

Қадимги олтин ёки кумуш илон ўралиб турган қадах – зардуштийлик дини табобатининг илк маросимий тасвиридир. Бу эса хозирги замон табобати рамзи саналган илон чирмашган қадаҳ, зардуштийлик дини табобатдан кўчирилганлигини исботлайди. Яъни, икки ака-ука эгизаклар: Хаурватат ва Амиртатларнинг олмос қадаҳ ушлаб турган тасвири, унинг асоси бўлган. Хаурватат – табиатдаги мувозанат ва монандлик – уйғунлик ҳомийси, даъво – шифо берувчи; Амиртат эса – абадият ато этувчи ва, айни пайтда, алхимия хомийси саналган. Абадият ичимлиги тўлдирилган қадаҳ – қалбий илмлар, коинот қонуни (аша), дунёвий уйғунлик, абадий ва қудратли олий Ҳақиқат таъсирида содир бўладиган барча ўзгаришларнинг ифодаси ҳисобланган. Кумуш илон – инсониятнинг шаклланиш ва ривожланиш йўли рамзи, олтин илон эса – дунёвий тадрижот – эволюция ва дунёвий уйғунлик рамзи саналган. Бу таълимотлар, ўз моҳиятига кўра, маданият шаклланишининг дастлабки босқичи деб баҳоланишга муносиб.

Табобат соҳасининг отаси ҳисобланган Гиппократ аюрведаларга – қадимги ҳиндлар, туркийлар ва эроний коҳинлар, афсункор-сеҳргарларнинг табиат ҳақидаги илмларига таянган. Хусусан, табиблар устози кўплаб касаллик сабабларини коинотнинг сирли ўзгаришлари ва ҳаракатлари билан боғлиқ ҳодиса, деб ҳисоблаган. Ахтарванларнинг – зардуштий афсункор-сеҳргарлар ва доришуносларнинг табиат ҳақидаги илмилари

кейинчалик Ибн Сино учун ҳам илмий асос бўлиб хизмат қилган. Унинг “Тиб қонунлари”даги таълимотлари: астрологик кузатишларга, коинотда содир бўладиган ходисалар билан инсоннинг уйғун ривожланиши алоқадорлигини англашга асосланган. Унда ой фаслларнинг инсон саломатлик холатига таъсири, даволаш жараёнида турли дори-дармонларнинг қай пайтда истеъмол қилиниши масалаларига алоҳида эътибор берилган.

Ахтарванлар – зардуштий шифокорлар беморларни даволашда ва тиббий маросимларни бошқаришда оқ рангли кийим-бош кийганлар, ҳавони мурдор қилмаслик учун юзларига оқ ниқоб тутганлар. Бу ҳам ҳозирги замон медицина амалиётига кўчирилган. Тозалик рамзи саналган оқ ранг, нафақат гигиеник, белги эстетик харакатерга ҳам эга. Зардуштийлик табобатининг беморни хирургик йўл ёки ўт-ўсимликлар билан даволаши, санитария-гигиена талабалари, сўз ёрдамида руҳий даволаш каби соҳалари таълимотини моддийлаштириш усули саналган.

Зардуштийлик таълимоти, удумлари ва маросимлари муқаддас “учлик” ва “еттиклик”ка асосланган. Бу сонлар табиатдан олиниб, муқаддас ҳисобланган. Яъни, зардуштийлар таълимотига кўра, еттита табиатнинг элементи: олов, сув, ҳаво, тупроқ, ўсимлик, ҳайвон ва инсон Худо томонидан яратилган ва улар илоҳийлик, муқаддаслик мазмун-моҳиятига эга. Инсон уларнинг энг юксак олий тоифасидир ва шунинг учун ҳам у қолган бошқа олтита мавжудотга ғамхўрлик кўрсатиши: тупроқни серунум қилиши, ҳаво ва сувни, сув манбаларини тоза сақлаши, фойдали ўсимликлар ва ҳайвонларни кўпайтириши, инсоннинг Худо олдидаги бурчи саналган.

Зардуштийлик динининг экологик урф-одат ва байрамлари: “табиат-жамият-инсон” тизими муносабатларини уйғунлаштириш, жамоа тартибини мустаҳкамлаш, ташқи таъсирларидан сақланиш, инсоннинг табиатга боғлиқлик хиссиётларини, эстетик дидини тарбиялашга хизмат қилган. Зардуштийликнинг Олам ва Одам ўзаро нисбати, инсоннинг табиатга, ўзига ва бошқа кишиларга муносабати, инсон хаёти маъно-мазмуни , мақсади каби қатор таълимотлари бугунги кунда ҳам долзарблиги ва аҳамиятини сақлаб қолган ва фалсафанинг асосий муаммолари ҳисобланади. Бу таълимот инсоннинг ижтимоий мавқеини юксалтириб, унга улуғворлик ва қадр-қиммат бахш этади. Зеро, барча шарқ дунёси динлари, хусусан зардуштийлик, фақат дингина эмас, балки бир бутун, яхлит диний-фалсафий система ҳисобланади ва унинг асосини маънавий-ахлоқий қадриятлар ташкил этади.

Кейинчалик Марказий Осиёдаги ислом динининг маънавий-руҳий ўзига хослигини англаб етиш маданий бойлигимизнинг бир қисми бўлган исломдан олдинги маданият тарихини чуқур ўрганишни тақозо этади. Хусусан, “марказий осиё халқлари исломдан олдинги маданиятининг табиатан оқилона, уйғун фойдаланиш анъаналарини ўрганиш ва оммалаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлаш жоиз”. Одамларни дарёлар мусаффолиги ва тупроқ унумдорлиги ҳақида ғамхўрлик қилишга даъват этган зардуштийлик айнан бизнинг заминимизда вужудга келганлиги тасодифий эмас [3]. Шунинг учун ҳам зардуштийликни ўрганиш – инсониятнинг минглаб йиллар давомидаги маънавий-ахлоқий тараққиёти тарихини тўғри англаш ва тушунишга ёрдам беради.

“Авесто”да ифодаланган экологик қадриятлар шахснинг табиатга эстетик муносабатини шакллантиришдаги аҳамияти шундаки, унда табиат борлиғи ва мавжудлик шаклларининг нафис метафораларда ифодаланганлиги ўз даври экологик онги ва маданияти қанчалик ривожланганлигини кўрсатиб, Она заминга меҳр уйғотади, кишига эстетик завқ бағишлайди. Масалан, “Авесто”да яхши қаралган ва ишлов берилган серҳосил ер-эрига фарзанд туғиб берган келинчакка ўхшатилади[4].

Марказий Осиё ислом дини тарқалгунга қадар зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” шу ҳудудда яшаган халқларнинг асосий муқаддас илохий китоби ҳисобланган. Унинг экологик таълимотлари, ўз тарихий даври учун, умуман ижтимоий муносабатларни, хусусан табиатга эстетик муносабатни баҳолаш ва ифодалашнинг дастлабки изчил системалаштирилган назарияси даражасига кўтарилган. Тўлиқ асос билан айтиш мумкинки, хозирги маънавийлик ва маданият даражаси зардуштийлик дини тасаввур ва қарашларининг эволюцион ривожланиши натижасидир. Унинг табиатга эҳтиёткорлик

билан муносабатда бўлиш, табиий атроф-мухит мухофазаси, шахсий ва ижтимоий гигенага риоя қилиш, табиий мувозанатни сақлашга доир таълимотлари бадиий ижоднинг манбаси ва предмети бўлиб келмоқда. Айниқса, экологик муаммолар глобаллашиб ва кескинлашиб кетаётган хозирги шароитда “Авесто”нинг экологик таълимотлари катта илмий-назарий, методологик-амалий, педагогик-дидактик аҳамиятга эга бўлиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда бизгача етиб келган “Авесто”нинг ғоялари ибтидоий синкретизм унсурларини: қадимги афсоналар, эртаклар, асотирлар, ривоятларни ва бошқа халқ санъати асарларини тизимлаштириб, уларни фалсафий мерос сифатида бизга етказиб берганлиги билан замонавий эстетик маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар

[1] Каримов.И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –Б.32-32.
[2] Мэри Бойс. Зароастрийцы: верования и обычаи. М. «Наука». 1989 г.
[3] Каримов.И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. 1997й. 145-146 б.
[4] Ҳомидов.Х. “Авесто” файзлари. –Тошкент. А.Қодирий номидаги халқ мероси, 2001. 18-бет

УДК: 339.137

КИЧИК ВА ЎРТА КОРХОНАЛАРДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ МУАММОЛАРИ

А.Р. Юлдашев

Андижон машинасозлик институти

(Қабул қилинди 1.06.2017 й.)

Кичик ва ўрта корхоналарида инновацияларни жорий этишдаги афзалликлар, инновацион фаолиятни бошқариш, инновацияларни рағбатлантирувчи шароитлар яратиш ва давлат ривожланиш дастурлари томонидан имконлардан фойдаланиш.

Таянч сўзлар: *Инновация, кооперация, стратегия, менежмент, потенциал, инноватор*

Преимущества внедрения инноваций на предприятиях малого и среднего бизнеса,управление инновационной деятельностью,организация условий инновационного поощрение и эффективное пользование возможностями включенными в государственные программы развития освещается в данной статье.

Ключевая слова: *Инновация, кооперация, стратегия, менежмент, потенциал, инноватор*

The advantages of creating the innovations in the small and medium enterprises, management of innovative activity, development of innovative encouraging conditions, using opportunities including by government development programs are given in this article.

Key words: *innovation, cooperation, strategy, management, potential, innovator.*

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай корхона ташқи муҳитдаги бўлиб ўтаётган ўзгаришларга мосланиб фаолият олиб боради, бундай ўзгаришлар корхона фаолиятининг барча томонларига таъсир ўтказади. Ривожланган давлатлар билан таққослаганда ривожланаётган давлатлар корхоналарида ходимлар имкониятларидан фойдаланиш миқдори бир неча маротаба паст, деб ҳисоблайди етакчи хорижий олимлар. Бунинг асосида етакчи хорижий давлатларда иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши ётади.

Инновациялар – табиийки, инсон ижоди ва шунинг учун инновацион менежмент биринчи ўринда бу инсон ресурсларини бошқаришидир ва уни таърифлайдиган нарсалардан бири – бу ходимларни инновацияларга муносабати ва корхонани ҳар бир фаолият соҳасида инновацияларни жорий этиш шартлари.

Иновациялар ўтказиш шароитлари эса корхонада инновацион фаолиятга мансуб бир қатор мажмуалар борлиги:

- инновацион маданият шакллантирилиши,
- ижодкорона муҳит яратилиши,

- меҳнатга ижодкорона ёндашув,
- ходимларни ташаббускорлиги,
- меҳнатни рағбатланиши ва бошқалар.

Айтиб ўтиш лозим, инновацион имкониятлар ҳар бир корхона учун ҳар қандай вазиятда бор ўз маҳсулотини такомиллаштириш ва имконият борича бозорга мослаштириш, ўз фаолият йўналишларини қайта кўриб чиқиш ва бошқалар.

Замонавий шароитларда ҳар бир корхона жуда катта инновацион имкониятларга эга:

- жамиятнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ўсиши ва янги эҳтиёжлар пайдо бўлиши,
- соҳалардаги техник ва технологик ривожланиш,
- истеъмолчилар учун яратилаётган янги маҳсулот ва хизматлар,
- ишлаб чиқаришдаги ички қарама-қаршиликлар,
- иш ташкил этиш ва юритишда мавжуд келишмовчиликлар ва бошқалар.

Корхоналар учун инновацион имкониятлар ташқи мухитдаги барча ўзгаришлар туфайли яратилади – иқтисодиёт, тармоқ ва бозордаги структура ўзгаришлари, демографик, ижтимоий ва бошқалар.

Яъни инновациялар манбалари ва демак инновацион ривожланиш имкониятларини жуда кўп топса бўлади, инновациялар манбаи – мавжуд қарама-қаршиликлар ва ўзгаришлар, бизнинг шароитимизда эса улар етарлича ва корхоналарни инновацион ривожланиш йўлига ўтиш фақат инновацияларни бошқариш – инновацион менежментга тақалади.

Кичик ва ўрта хизмат кўрсатиш корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш бир нечта ўзига хос хусусиятларига эга.

Биринчидан, кичик ва ўрта хизмат кўрсатиш корхонанинг бошқарувчиси унинг вазифалари кенг бўлгани учун янги ғоя, маҳсулот, ишлаб чиқариш усули билан танишиш эҳтимоли катта корхоналардаги ихтисослашган бўлимлар ёрдами билан ишлайдиган раҳбарга нисбатан камроқ.

Иккинчидан, янги маҳсулотни, ғояни ёки ишлаб чиқариш технологиясини хақиқий фойда келтирадиган инновация деб тан олиш ҳам кўрсатилганлиги сабабли у учун муаммо бўлиб кўринади.

Шу билан бирга, агар янги ғоя, маҳсулот ёки ишлаб чиқаришнинг усулини мувоффақиятига ишониб харакат қилса, керак бўлган, (четланган ҳолда бўлса ҳам) имкониятларни, ресурсларни инновация жараёнига йўналтириш бошқарувчи учун осонроқдир.

Яъни, кичик ва ўрта хизмат кўрсатиш корхоналарда инновация жараёнини бошқариш бошқарувчига қуйидаги талабларни қўяди:

- Корхонанинг истиқболи ва хозирги кун муаммоларини яхши билиш,
- Корхона ишлаб чиқариш соҳасининг мутахассиси бўлиш ва чуқур, мустахкам билимларга эга бўлиш,
- Маълум ижодкорлик қобилиятларга эга бўлиш керак,
- Янгиликни ажрата оладиган ва ривожланишга айрим йўналишларни танлаб олишга маъсулиятни сезиш,
- Ўзгаришларга доим ўзи тайёр бўлиш ва ходимларни тайёрлашдир,

Хизмат кўрсатиш корхоналар инновацион лойиҳаларни амалга оширишда қуйидаги 2 асосий йўналиш бўйича харакатланиш мумкин:

Корхона ўзи, мустақил равишда, дастлабки инновацион-техника шароитларни ўрганиб чиқади ва ишлаб чиқаришга тайёрлайди. Бундай ёндашув доимий ўсиб борувчи молиявий харажатлар билан боғлиқ ва катта таваккалчилик талаб этади. Юқори технологик ва мураккаб техник маҳсулотлар ишлаб чиқаришда жуда эҳтиёткорликни талаб этади. Фақат юқори малакали мутахассислар ва керак бўлган технологик ускуналар ҳамда техник документлар борлиги бундай харакатларни асоси бўлиши мумкин.

Бошқа корхоналар билан кооперация стратегияси асосида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва бунинг асосида инновацион фаолиятни ривожлантириш. Бу ҳолатда кооперация инновацион жараённинг ҳар бир босқичида олиб борилиши мумкин .

Катта харажатлар талаб этувчи инновациялар жараёнида кичик ва ўрта хизмат кўрсатиш корхоналари ўз рақобатдошлигини ошириш ва таваккалчиликни четлаш мақсадида инновацион кооперацияни кенг қўллаши мақсадга мувофиқдир.

- ✓ Кичик ва ўрта корхоналарда инновацияларни рағбатлантирувчи шароитлар қуйидагича:
- ✓ Ички шароитлар:
- ✓ Олий раҳбариятнинг инновацияга бўлган муносабати, унинг қўллаб-қувватлаши,
- ✓ Кадрлар сиёсати,
- ✓ Ташкилотчилик,
- ✓ Ахборот ва коммуникация тизимини ривожланганлиги,
- ✓ Молиялаштириш.
- ✓ Ташқи шароитлар:
- ✓ Консультацион ва масъул давлат ташкилотлар томонидан ёрдам,
- ✓ Молиявий рағбатлантириш,
- ✓ Инновацияни диффузиясини (кенг тарқалишини) рағбатлантириш,
- ✓ Кредитлар.

Шу билан бирга инновацион жараёнини корхона расмий шаклланишига қараганда корхонада инновацион шароит яратиш муҳимдир. Инновацион жараённинг ҳар бир босқичи учун корхонада ҳар хил ташкилий шароитлар мос келади.

Ғояни яратишда, унинг биринчи ишлашда, ижодкорлик рухи афзалдир – қоғозбозлик ва расмиятчилик йўқлиги, ходимларнинг ортиқча ихтисослашмаганлиги ва бошқалар.

Лекин янгиликни, янги маҳсулотни бозорга олиб чиқишда маъмурий, расмийлаштирилган, ҳар бир ходим ўз ишини ўзи қилиб ўзи жавоб бериш шароитларини яратиш керак.

Албатта, инновацион фаолиятнинг ўзаги бўлмиш ходимлар масаласи кичик ва ўрта корхоналарда қийин хал бўлади – етарли даражада малакали ва тажрибали ходимлар танлаш ва четдан олиш имконлари четланган. Демак, бу шароитда корхонада ходимларнинг ижодкорлигини, ўз ишига бўлган муносабатини ўзгартириш ва ўқитиш ишларини жадал олиб бориш керак. Ижодкор, янгиликларга қизиққан, кенг ва чуқур билимларга эга бўлган ходимларни тарбиялаш, саралаш ва жой-жойига қўйиш, ҳамда ташкилот ички мухитида керак бўлган ўзгаришларни яратиш ҳам кичик ва ўрта корхоналар шароитида инновацион менежментнинг муҳим вазифасидир.

